

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**AL XORAZMIY NOMIDAGI URGANCH DAVLAT
UNIVERSITETI
TARIX FAKULTETI "TARIX" KAFEDRASI**

Qo'lyozma huquqida

BITIRUV MALAKAVIY ISHI

**MAVZU: XORAZM DAVLATCHILIGINING
SHAKLLANISHIDA SHAHAR MADANIYATINING O'RNI VA
RO'LI (ARXAIIK VA ANTIK DAVRLAR)**

**5220200 –Tarix ta'lim yo'nalishi
4 bosqich talabasi :**

N. Ibadullaeva

**Ilmiy rahbar:
Abdullayev**

dots. O'.

URGANCH- 2012

МУНДАРИЖА:

Кириш.

I – Боб. Хоразмда архаик ва антик давр шаҳарларининг манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи.

I.1. Хоразм архаик ва антик давр шаҳарларининг шаклланиш асослари ва шарт-шароитлари.

I.2. Хоразм архаик ва антик давр шаҳарларининг манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи.

II – Боб. Хоразмда архаик ва антик давлатчилик асосларининг шаклланиши ва унда шаҳар маданиятининг ўрни.

II.1. Хоразмда илк давлатчилик анъаналарининг вужудга келиши муаммоси ва архаик давр шаҳарларининг моддий маданияти.

II.2. Антик давр Хоразм шаҳарлари ва уларнинг давлатчилик анъаналари ривожигаги ўрни ҳамда уларнинг моддий-маънавий маданияти.

Хулоса.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати.

Кириш.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳон цивилизациясининг ажралмас қисми бўлган ватанимиз тарихини айниқса, ўзбек давлатчилиқ тарихини ўрганиш имкониятлари кенгайиши билан бирга уни имконини яратиш, унга ҳаққоний баҳо бериш нихоятда муҳим вазифага айланди. Жаҳон халқлари тарихидан маълумки, муайян ҳудудда кечган энг дастлабки сиёсий жараёнларда, давлатчилиқнинг шаклланишида, қабила ва элатларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида шаҳарларнинг ўрни жуда катта бўлганлиги тўла-тўқис тасдиқланган ҳақиқатдир. Шунинг учун шаҳарлар тарихи, шаҳар маданиятининг шаклланиши тарихи ҳамма вақт тарихчи тадқиқотчилар диққат марказида бўлиб, энг долзарб муаммо сифатида унга қизиқиш катта бўлган. Шу жумладан ўзбек давлатчилигининг шаклланиши ва унда шаҳар маданиятининг ўрнини очиб бериш масаласи ҳам ҳозирги кунда энг муҳим тарихий масалалардан бири бўлиб келяпти. Аммо қадимшунос - олимларнинг бу соҳадаги илмий изланишлари ҳали тўлақонли ўрганилмаган ёзма манбалар ва археологик ёдгорликлар кўплигини кўрсатмоқда.

Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан Ўрта Осиё халқлари тараққиётида ўзбек давлатчилигининг илк илдизларининг шаклланишида ва кейинги асрлардаги тараққиётида муҳим рол ўйнаган Хоразм шаҳарлари тарихини чуқур ўрганиш ва ҳаққоний ёритиш келгусида тарихимизда мавжуд муаммоларни айниқса давлатчилиқ тарихи муаммоларини ижобий ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Хоразмнинг архаик ва антик давр шаҳарлари тарихи ва уларнинг тараққиёти масалалари ҳақида кўпгина тарихчи олимлар изланишлар олиб борганлар. Аммо юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, ҳозирда мавжуд археологик ёдгорликлар, моддий ва ашаёвий, ёзма манбалар бизнинг мавзумизни тўлақонли ўрганиш имконини бермайди. Мазкур масалага тегишли ёзма манбалар эса ҳалигача чуқур ўрганилиб, якуний хулосалар чиқарилмаган.

Хоразм воҳаси ва унга табиий жиҳатидан уланиб кетган Сарикамишбўйи, Узбой сарҳадларида қадимги жамиятда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларнинг ривожланиши асносида вужудга келган қишлоқ ва шаҳарларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиш жараёни, уларнинг тарихини акс эттирган тарихий адабиётлар ва ёзма манбалардаги маълумотларнинг мазмун ва моҳиятига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

1. Собик Совет тузуми даврида чоп қилинган тарихий адабиётлар(С. П. Толстов, Я. Ғ. Ғуломов, М. А. Итина, А. В. Виноградов, Б. И. Андрианов, Е. Е. Неразик, М. Г. Воробьева, Ю. А. Рапопорт, Ю. П. Манилов, Н. Н. Вактурская, В. Н. Ягодин, М. М. Мамбетуллаев, Ғ. К. Ходжаниязов, А.. Сағдуллаев).
2. Мустақиллик йилларида воҳа тарихига оид тарихий адабиётлар, мақола ва тезислардаги маълумотлар(В. Н. Ягодин, М. М. Мамбетуллаев, Ғ. К.

Ходжаниязов, М. Турабеков, А. Сагдуллаев, А. Асқаров, Х. Матякубов, С. Баратов).

Биринчи гуруҳга- Собиқ Совет ҳокимияти йилларида Хоразм воҳаси сарҳадларида жойлашган қишлоқ ва шаҳарларида турли археологик экспедиция ва археологик гуруҳлар ҳодимлари томонидан олиб борилган археологик изланишлар натижаларини акс эттирган монография, рисола, мақола ва тезисларда қайд қилинган маълумотлар жалб қилинади. С. П. Толстов тадқиқотларида Хоразм воҳасининг ибтидоий жамият тарихидан то Буюк Хоразмшоҳлар давлатигача бўлган тарихий жараёнда кечган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар, қишлоқ ва шаҳарларининг жойлашиш тартиби, меъморий-топографик тузилиши ва мудофаа тизими, суғориш иншоотлари тарихи ёритилган.¹ Я. Ғ. Ғуломов тадқиқотларида эса, Хоразмнинг антик ва илк ўрта аср қишлоқ ва шаҳарларининг вужудга келиши ва шаклланишида суғориш иншоотларининг тарихий ўрни батафсил акс эттирилган.² Тадқиқотчи Б. А. Андрианов эса ўз асарида Хоразмда суғорилиш маданиятининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи кенг маънода ёритган.³ Хоразм воҳасининг антик давр тарихини ёритишда Қўйқирилганқалъа ёдгорлиги муҳим манба бўлиб хизмат қилади.⁴ М. Ғ. Воробьева, М. С. Лапиров-Скобло, Е. Е. Неразик тадқиқотларида Ҳазорасп шаҳарининг ривожланиш тарихига оид материаллар, Е. Е. Неразик тадқиқотларида Хоразм қишлоқ манзилларининг жойлашиши, меъморий-топографик тузилиши, ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар жараёни ёритилган.⁵ Ю. П. Манилов Катқалъа(Беруний), ёдгорлиги тарихига доир маълумотларни илмий жамоатчилик эътиборига эълон қилган.⁶ Тадқиқотчилар томонидан нашр қилинган илмий ишларда асосан антик давр Хоразм воҳаси қишлоқ ва шаҳарларининг тарихий топографияси, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари моддий томондан таҳлил қилинганлиги яққол кўзга ташланади. Хоразм воҳасида қадимги даврда вужудга келган маданий-хўжалик деҳқончилик воҳалари ва уларда шаҳарманонд ва шаҳар-давлатларнинг вужудга келиши, жойлашиш тартиби, ривожланиш жараёнини ёритиш сояда қолиб кетган. Шу билан бирга, Хоразм тарихи илдизларининг янада ривожланишига манба бўлган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий

¹ Толстов С.П. Древний Хорезм. М, «Наука», 1948. Его же. По следам древнехорезмийской цивилизации. М, «Наука», 1948. Его же. По древним дельтам Окса и Яксарта. М. «Наука» 1962.

² Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. Т, «Фан», 1959.

³ Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. М., «Наука», 1969.

⁴ Кой-крылган-кала (Памятник культуры в IV в. до н. э. IV в.н.э. в древнем Хорезме).- М., «Наука», 1967.

⁵ Воробьева М.Г., Лапиров –Скобла М.С. Неразик Е.Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958-1960 г.г. МХЭ, Вып. 6, М, «Наука», 1963. Неразик Е.Е. Сельское селище Хорезма. М, «Наука», 1967.

⁶ Манилов Ю.П. К изучению городища Кят. Вестник ККФ. Ан УзССР, 2, 1965. Ўша муаллиф. Городище Кят, Т, «Фан», Ону. 7-8, 1973. Гудкова А.В. Токкалъя. Т, «Фан», 1967.

муносабатлар тарихи янги жамият мафкуриси тамойилларига таянган ҳолда ёритилмаган. Таъкидлаш лозимки, худди шу манбалар асосида турли тарихий даврда тараққий этган қадимги давр қишлоқ ва шаҳарларининг ривожланишида ўзига хос меъморий хусусиятлари таҳлил қилинган якуний илмий тадқиқот Хоразм тарихшунослигида кўзга ташланмайди.

Иккинчи гуруҳга- Мазкур тарихий давр мазмунининг ўзига хос хусусиятлардан бири, ватанимиз миллий мустақилликка эришгандан кейинги ўтган тарихий йилларда маҳаллий қадимшунослар томонидан Хоразм воҳасидаги тарихий обидаларда олиб борилган археологик изланишлар натижасида олинган ашёлар асосида чоп қилинган монография, тадқиқот, рисола, мақола ва тезислардаги маълумотлар билан изоҳланади. Хоразмнинг антик давр тарихига бағишланган махсус тадқиқотлар илмий жамоатчиликка эълон қилинди. М. Мамбетуллаев тадқиқотларида Хоразм воҳасининг қишлоқ ва шаҳарлари тўғрисида умумий маълумотлар, уларнинг жойлашиш тартиби, антик давр тарихининг илмий-назарий жиҳатидан маълум даражада таҳлил қилинганлигини қайд қилиш лозим.⁷ Хоразмнинг архаик ва антик давр тарихига доир кенг қамровли маълумотлар Ғ. К. Хўжаниёзов тадқиқотида ўз аксини топди.⁸ Тадқиқотчи монографиясида архаик ва антик даврга мансуб қишлоқ ва шаҳарларнинг меъморий-топографик тузилиши, мудофаа иншоотлари тарихи батафсил ёритилганини қайд қилганини эслаш kifoya. Тадқиқотчи А. Сагдуллаев Хоразм топономикасининг Авесто Яштида-6 марта, Аҳамоний ёзувлари бўлган Бехустун-15 марта, Суза саройи деворида-II марта ва Нақши Рустам битикларида-7 марта қайд қилинганлигига эътиборни қаратган.⁹ XX асрнинг 90 йиллари охирдан бошлаб, Қуйи Амударё ҳавзаси ва унинг худудий давоми бўлган Сарикамибўйи ҳавзасини қамраб олган бепоён сарҳадларда содир бўлган тарихий диалектикани янги замон руҳидан билан суғорилган тадқиқотлар пайдо бўлди. Хоразм воҳасининг энг қадимги дунёсида ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатлар Авестонинг зироаткор хорасмийларнинг Қуйи Амударё ҳавзасига миграцияси туфайли ривожланганлигини, унинг маҳсули асносида вужудга келган шаҳарсозлик маданияти, унинг негизида илк давлатчилик асослари, афсановий сиёсий бирлашма «Катта Хоразм» тарихий-географик атамаси тарихи янгича қарашлар ва ёндошувлар Академик А. Асқаров тадқиқотларида ўз аксини топган¹⁰. Тадқиқотчи С.

⁷ Мамбетуллаев М. История и культура южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до н. – IV в. н. э) Автореф. док. дисс. Т, 1994.

⁸ Хўжаниязов Г.К. Фортификация древнего Хорезма. Автореф. кан. дисс. Нукус, 1996. Ўша муаллиф. Қадимги Хоразм мудофаа иншоотлари. Тошкент, “Ўзбекистон”, 2007.

⁹ Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Т., Университет, 2004, б. 43.

¹⁰ Асқаров. А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир мулоҳазалар// Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндошувлар// Тошкент, “Фан”, 2004. Ўша муаллиф. Новке подходит к изучению истории древнего Хорезма// Ўзбекистон тарихи., Ташкент, №4., 2007, стр. 11-13. Ўша муаллиф. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида урбанистик жараёнларнинг тарихий илдизлари ҳақида мулоҳазалар(Қадимги Хоразм мисолида)// Ўзбекистон тарихини ўқитиш ва ўрганиш бўйича материаллар// Тошкент, “Фан”, 2009, б. 26-31.

Баратов жанубий Хоразм сарҳадида жойлашган Тошқалъа-2 ва Мешекли ёдгорликларида олиб борган археологик изланишлар натижасида олинган ашёларга асосланиб воҳанинг қадимги дунёсига оид фикр-мулоҳазалари илмий жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган.¹¹ Тадқиқотчилар А. Сағдуллаев, У. Абдуллаевларнинг мақоласида Қуйи Амударё ҳавзасида бронза даврининг охири ва илк темир даврида кечган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар жараёни таҳлил қилинганлигини қайд қилиш жоиз.¹² Аммо, юқорида қайд этилган тадқиқотлар мазмунида Хоразм сарҳадларида турли тарихий даврда таркиб топган маданий-хўжалик марказлари табиий шароити ва антропоген ландшафтининг вужудга келиши, шаклланиши натижасида вужудга келган аниқ географик-худудий суғорма деҳқончилик воҳаларининг жойлашиш жараёни таҳлил қилинмаган. Шу билан бирга, шаҳармонанд ва шаҳар-давлатларнинг тарихий илдизлари, уларнинг вужудга келиши ва ривожланиш жараёнига манба бўлган ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий омилларни изоҳлаш эътибордан қолиб кетганлигини қайд қилиш жоиз. Шу нарсани таъкидлаш керакки, мустақилликнинг илк йилларидан 1997 йилгача тадқиқотчилар томонидан нашр қилинган тарихий асарлар, рисола ва мақолалар мазмуни Хоразм воҳаси жамиятини қамраб олган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар даражасининг мазмуни эски жамият ғояси гирдобидан чиқиб кета олмаганлигини қайд қилиш ўринлидир.

Тадқиқот предмети сифатида Хоразмнинг архаик ва антик даврлардаги йирик шаҳарлари, уларнинг моддий маданияти тарихини археологик ва ёзма манбалардаги маълумотларни таққослаш, аниқлаш, умумлаштириш усуллари асосида илмий ўрганиш вазифаси қўйилди. Мавзуни илмий ўрганиш асосида ҳозирги кунда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор муносабатларини шакллантириш борасидаги кенг қамровли ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан назарий ва амалий хулосаларни чиқаришга ҳаракат қилинди.

Тадқиқотнинг даврий чегаралари милoddан аввалги VI асрдан – милодий IV асргача бўлган даврларни қамраб олади ва у Ўрта Осиё шаҳарсозлик маданиятининг илк тараққий этган даври ҳисобланади. Зеро, бу асрларда Хоразм шаҳарлари нафақат Ўрта Осиёда, балки жаҳон моддий маданияти тарихида ҳам катта аҳамият касб этганлиги танланган мавзуни тадқиқ этиш учун ушбу даврий чегарани белгилашни тақозо этади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари сифатида – Хоразмда илк шаҳарлар тараққиёти ва уларнинг давлатчиликнинг шаклланишидаги ўрнини ўрганиш орқали тарихимизни ҳолисона ўрганиш, халқимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, ёшларни ўлкашуносликдан пухта билим ва кўникмаларига эга қилиш. Мазкур масалалар биз танлаган мавзунинг ҳам

¹¹ Баратов. С. Некоторые проблемы археологических исследований древних культур Хорезма.// Ўзбекистон тарихи. Тошкент, “Фан”, №4, 2007, стр. 27-30

¹² Сағдуллаев. А., Абдуллаев. У. История Хорезма в свете исследования С. П. Толстова(Эпохи поздней бронзы и раннего железа). Ўзбекистон тарихи., Тошкент., “Фан”, №4, 2007, б. 7.

назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблигини асослайди. Ана шу заруратдан келиб чиққан ҳолда биз мазкур лойиҳа мавзуси ва мақсади сифатида Хоразмда давлатчиликнинг шаклланишида архаик ва антик даврлар шаҳар маданиятининг ўрни ва ролини очиб бериш муаммосини танладик. Зеро, мазкур муаммо ҳалигача кенг миқёсда ўрганилмаган. Хоразм шаҳарларининг шаклланиши ва ривожланишининг тарихий шароитларини ўрганиш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантиришда шаҳарларнинг ўзига хос уюштирувчи тарихини тадқиқ қилиб, ҳар томонлама ҳаққоний ёритиш муаммоси қўйилади. Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги муаммоларни объектив равишда ёритишга ҳаракат қилинади:

— Хоразм шаҳарларининг вужудга келиши ва ривожланишининг тарихий шарт-шароитлари етилишидаги иқтисодий ва сиёсий омилларини аниқлаш;

— Хоразм шаҳарлари ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш;

— Хоразм шаҳарларининг маданий фаолиятини ёзма ва янги археологик маълумотлар асосида ҳаққоний ёритиш;

— Хоразм шаҳарларининг Марказий Осиё маданий ҳаётида тутган ўрни ва моддий маданият тарихи ривожига қўшган хиссасини кўрсатиш ва ҳоказо.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг нутқлари, мақолалари, фундаментал асарлари, Республика Вазирлар Маҳкамасининг мамлакатимиз тарихини ўрганиш билан боғлиқ қарорлари, таниқли археолог, тилшунос, ўлкашунос, адабиётшунос, манбашунос, тарихчи олимларнинг асарлари ҳамда илмий тадқиқотлари хизмат қилади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундан иборатки, Хоразм худудида XX асрнинг 30-йилларидан то 80-йилларигача олиб борилган кенг қамровли археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган маълумотлар ҳозирча Хоразмда шаҳар маданиятининг шаклланиш тарихини тўла-тўқис очиб бера олмайди. Шу билан бирга, бу тадқиқотлар даврида тўпланган моддий ва маънавий манбаларнинг ўзи ҳам ҳалигача тўлақонли ўрганилмаганлигини афсус билан қайд қилиш лозим. Тадқиқот натижалари Республикамизда илк бор кенг қамровли равишда илмий муомалага киритилиб, музей, мактаб, академик лицей ва коллежлар ҳамда университетларда дарс ва амалиёт жараёнларига татбиқ қилинади. Тадқиқотда янги археологик маълумотлардан кенг фойдаланилгани ҳолда ўрганилаётган даврда Хоразмдаги архаик ва антик давр шаҳарларининг вужудга келиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари чуқур таҳлил қилинди. Тадқиқотнинг янгилиги яна шундаки, унда Хоразм шаҳарлари моддий маданиятининг ривожига бевосита Осиё ва Европа давлатлари шаҳарлари фаолияти билан қиёслаш орқали тадқиқ этилди.

Тадқиқот манбалари. Мавзунинг манбавий асосини қадимги Эрон, юнон-рим манбалари ташкил этади. XIX аср ўрталаридан XX аср 30 – йилларигача тарихчи, географлар ва сайёҳлар томонидан тўпланган

маълумотлар ҳам мавзуни очиб беришда қисман аҳамиятга эга ҳамда улар Хоразм илк шаҳарларининг хўжалик ҳаёти, ўлкада тутган мавқеи тўғрисида аниқ тасаввурларни шакллантиришга имкон бермайди.

Хоразм архаик ва антик давр шаҳарлари тарихини археолог, географ, топограф ва тилшунос олимларнинг кўп йиллик илмий изланишлари натижасида тўплаган маълумотлари ва улар чиқарган илмий хулосалар асосида ўрганиш юқори самара беради. Шу жиҳатдан олганда, биз танлаган мавзунинг асосий вазифаси мавзуга оид барча манба ва тадқиқотларни чуқур ўрганиш асосида якуний илмий хулосалар чиқариш.

Тадқиқотнинг амалий-назарий аҳамияти. Хоразм давлатчилиги тарихини акс эттирувчи ёзма манбалар, археологик, нумизматик, лингвистик манбалар маълумотларини тўплаш, ўрганиш, қиёсий таҳлил қилиш ва илмий хулосалар чиқариш, Хоразм воҳасида (Хоразм вилояти, Қорақалпоғистон Республикаси, Қозоғистон ва Туркманистон Республикалари) мавжуд антик ва архаик давр ёдгорликлари акс эттирилган энг сўнгги хариталарни тўплаб, ягона археологик харита тузиш, Хоразм вилоятида мавжуд архаик ва антик давр ёдгорликларини археологик жиҳатдан ўрганиш ва шу асосда илмий хулосалар чиқариб бориш масалалари ишнинг илмий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқотнинг натижаларидан тарих ва махсус тарих фанлари мутахассислари кенг фойдаланишлари мумкин. Тадқиқот материалларидан Олий ўқув юртлари, ўрта махсус билим юртлари талабалари учун яратиладиган дарсликлар, ўқув қўлланмалари, махсус курслар учун, шунингдек, маърузалар ўқиш ва амалий машғулотларда кенг фойдаланиш мумкин.

Ишнинг таркиби — кириш, 2 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I – Боб. Хоразмда архаик ва антик давр шаҳарларининг манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи.

I.1. Хоразм архаик ва антик давр шаҳарларининг шаклланиш асослари ва шарт-шароитлари.

Тарихий жараённинг узлуксиз ривожланиши, ишлаб чиқариш кучлари тараққиётининг давом этиши, иқлим ва табиий шароитнинг ўзгариши натижасида ўсимлик ва хайвонат дунёсида кескин ўзгаришлар юз беришига олиб келди. Инсониятнинг маълум бир ҳудудга келиб жойлашишида географик омил асосий ўринни эгаллайди, яъни инсон хўжаликда ўз фаолиятини амалга оширишда қулай шароит мавжуд бўлган ҳудудни излаб топган ва шу ҳудудда фаолият кўрсатган. Мана шундай тарихий ва географик шароит Хоразм воҳасида мил. авв. V минг йилликда юз берди. Мил. авв. V-IV минг йилликларда Хоразм воҳасининг марказий ҳудуди, (Ақчадарё хавзаси ва Сариқамиш хавзаси, Туямўйин ҳудуди) инсоният томонидан ўзлаштирилиб, уларнинг асосий машғулоти термачилик ва овчилик бўлган¹³.

Мил. авв. III-II минг йилликларда калтаминорликларнинг бир қисми шу ҳудудда яшашни давом эттирди ва жануб томондан эса янги этник гуруҳларнинг кўчиб келиши юз берди. Натижада энеолит ва бошқа даврга оид суюрган маданияти таркиб топди. Мил. авв. II минг йиллик ўрталарида Ўрта Осиёга шимолий-шарқий томондан чорвадор қабилалар кириб келди. Улар яратган маданият Тозабоғёп ва Сувёрган маданиятлари номини олди. Бу маданияти аҳолиси кичик ертўла ва ярим ертўлаларда яшаб, асосан чорвачилик хўжалиги билан шуғулландилар¹⁴. Бундай маданият аҳолининг излари Зарафшон воҳасида ҳам мавжуд эди¹⁵. Жанубий Туркменистоннинг Копетдог, этаклари қадимги дехқончилик маркази бўлиб, бу ерда ташқил топган маданий хўжалик минтақаси ибтидоий суғорма дехқончилик асосида ривожланган эди¹⁶. Бу тарихий – маданий хўжалик қабилалар мил. авв. IV минг йилликда Мурғоб ва Таджан дарёлари ўртасидаги ҳудудларга келиб жойлашиб, каналлар ёрдамида дехқончилик қилганлар. Уй – жой комплекслари кўп хонали бўлиб, улар ва деворлар хом ғишт ёрдамида қурилган. Манзилгоҳлар қалинлиги 50 см мудофаа девори билан ўраб олиниб, у ўз навбатида айлана шаклдаги бўржлар билан ўраб олинган¹⁷.

Жанубий Туркменистон ва Шимолий Эрон томондан қабилаларнинг навбатдаги кўчиш даври мил. авв. IV-II минг йилликларда юз берди. Бу даврда қабилаларнинг кўчиб келиши ва маҳаллий аҳоли (Мачайликлар) билан аралашиб кетиши юз бериб, бу воқеалар ғарбий Бактрия ҳудудида юз берди. Натижада Бактрия ҳудудида ўтроқ ҳаётга асосланган дехқончилик маданияти қарор топди (Сополли, Жакўтон, Аскарров 1976, Аскарров, Абдуллаев 1983, Аскарров 2001). Жанубдан кўчиб келган қабилаларнинг мил.

¹³ (Толстов 1948^a, 1948^b, Виноградов 1968, 1986, Итина 1991)

¹⁴ (Толстов 1948^a, 1948^b, Виноградов 1968, 1986, Итина 1991)

¹⁵ (Ғуломов, Исламов, Аскарров 1967).

¹⁶ (Массон В.М. Поселение Джейтун. М., Наука, 1971)

¹⁷ Хлопин И.Н. Геокюрская группа поселений. М., Наука, 1962.

авв..II минг йилликларда Хоразм воҳаси Акчадарё хавзасининг жанубий қисмида жойлашиши содир бўлди(манзилгохлар Бозор I, Каунди I). Манзилгохлар ирмок, канал бўйларида жойлашиши давом этади, манзил хажмида ўзгариш юз бериб, катта хажмда манзил қуриш йўлга қўйилган (Каунди-I, 250x150м). Манзилгохлардан тош ва бронзадан қилинган меҳнат қуроллари орасида бронзадан қилинган болға топилиб, мил. авв.. XI-X асрларга оид эканлиги аниқланди (Бозор I). Мил. авв. II-I минг йилликларда дашт, ярим дашт зоналарида яшаётган қабилаларнинг жануб томон кўчиши давом этди. Қабилаларнинг кўчиш йўналиши жануб, жануб-ғарб, шарқ-жануб томон бўлиб, Ўзбой, Атрек, Таджан, Мурғоб, Амударё ва Сирдарё орқали амалга оширилган. Бу ҳаракат Хоразм воҳасини қамраб олган, у ҳудудда Сувёрганликлар ҳаёти мил.авв. X ва бундан кейинги тарихий даврда давом этган. Сувёрган ва Тозабөгёп қабилаларининг хўжалик маданий тараққиёти Амиробод маданиятининг вужудга келишига олиб келди.

Марказий Осиё ҳудудида тарихий тараққиёт бир хил тарзда давом этмаган. Мил. авв. II минг охири ва I минг йиллик бошларида Ўрта Осиёда икки хил хўжалик усули қарор топган эди. Бу нотекис иқтисодий-ижтимоий ўзгаришларининг мавжудлигини ва унинг янада чуқирлашишини кўрсатар эди. Ўрта Осиёнинг жанубий ҳудудларида ўтроқ ҳаётга асосланган суғорма деҳқончилик, шимолий, ва марказий қисмида эса қабилаларнинг бир қисми ярим кўчманчи ҳаёт тарзига ўтган эди. Бу ҳолат қадимги Хоразмнинг ибтидоий манзилгохларида яққол кўзга ташланади. Бу ҳудудда мил. авв. V-IV минг йилликларда овчилар, термачилар, мил. авв. III-II минг йилликларда чорвадор қабилалар ҳаёт кечирган. Лекин бу хўжалик ўзок давом этмади, чунки қумлок жонсиз чуллар чорводор қабилалар учун ўзок вақт озуқа берадиган маконга айланмади. Бу даврда рўй берган ижтимоий - иқтисодий ўзгаришлар Амударё этакларида ҳосил бўлган серунум майдонлар аҳолини сонининг деҳқончилик қилиши учун ўз касби – қорларини ўзгартиришга олиб келди.

Жанубий Амударё хавзасида жойлашган Амиробод канали атрофида жуда кўп манзиллар топилди. Шу манзилларда бири Яккапорсон-2 атрофлича ўрганилди. Манзилгохнинг майдони 250x150 м бўлиб, тўғрибўрчак шаклда, уй-жой комплекслари ярим ертўла шаклида бўлган. Уй қурилишида устун, новда, камиш, лой ишлатилган. Бу манзилдан 20 га яқин уй-жой хоналари топилган¹⁸. Манзил яқинидан суғорма деҳқончилик далалари топилган. Амударёдан каналлар чиқарилган, Хажми кичик ва ўзунлиги катта, чуқур бўлмаган канналардан сув келган. Канал сувлари четга чиқиб кетмаслиги учун, унинг четлари дамбаланган. Бу каналларнинг қурилиши антик давр суғориш иншоотларининг тараққиётига асос бўлади. Амирободликлар ўтроқ ҳаёт сари интилиб деҳқончилик билан шуғуланганлар сари қадам ташлаган. Бу фикрни манзилдан топилган ўроқ ва дон ёнғич тошмалари исботлайди.

¹⁸ (Итина 1963, 107-123 бетлар).

Амирободликлар ҳали темирни ўзлаштириб улгурмаганлар. Шу билан бирга Хоразм воҳасининг жанубий қисмида ҳам бу тарихий даврда инсоният фаолияти давом этган (Туямўйин зонаси).

Шундай қилиб, Хоразм воҳасида яшаган қабилаларнинг ҳаёти тўғрисида қимматли маълумотлар Акчадарё хавзасида ва Туямўйин худудида олиб борилган археологик тақикотлар натижасида олинди ва бу материаллар неолит, бронза даврига оид бир қатор тарихий илмий – назарий хулосаларни беради. Демак, Акчадарё хавзасида бронза даврида Тозабөгёп ва Сувёрган қабилалари яшаганлар. Тозабөгёпликларда дехқончилик кўртаклари кўзга ташланган бўлса-да, жуда содда ҳолда эди. Хоразмда ибтидоий суғорилишнинг тараққиёти мил. авв. XI-X асрларга бориб тақалади. Суғорилишнинг янада такомиллашиши қачонким қадимги Хорасмиялилар Хирот водийсидан Амударё этакларига кучган. Бронза даврида Жанубий Акчадарё хавзасида яшаган аҳоли асосан мотиға- декончилиги билан, асосан эса чорвачилик билан шуғулланганлар. Амирободликларнинг ҳаётида суғорма дехқончилик томон туб ўзгаришлар содир бўлади. Бу даврда манзиллар бир неча уй хоналаридан иборат бўлиб, алоҳида маҳаллий марказга эга (Яккапорсон-2). Амирободликлар ўтроқ ҳаётга утиб, дехқончилик сари кадам қуйишди, уларнинг хўжалик тараққиёти ибтидоий шакл доирасидан чиқаолмаган. Бу қабилалар ҳаётида мулкый табақаланиш жараёни ҳали кўзга ташланмади. Амирободликларда уй-жойларни режалаштириш оддий усулда олиб борилган бўлиб, меъморий-топографик ва қурилиш билимлари вужудга келишининг иқтисодий – маданий ва техник асослари Амирободликларда вужудга келиши учун тегишли шароит мавжуд эмас эди. Дехқончилик борасида тубдан ўзгаришларни юз бериши учун маданий – хўжалик билимлар захираси ҳам камлик қиларди. Мил. авв. VII-VI асрларда Амударёнинг ўнг қирғоғида яшаган қабилалар Сирдарёнинг қуйи хавзасига, Амударёнинг Сарикамиш хавзаси бўйлаб кўчманчи- чорвачилик хўжалиги билан шуғулланарди, уларнинг бир қисми Жанубий Дадан ирмоқлари бўйлаб жойлашган эди. Айниқса Заўнгўз қумлигида чорвачиликнинг ривожланиши учун қулай имконият вужудга келган. Мана шу географик кенгликда истикомат қилувчи чорвадор қабилалар маданияти Қуйисой маданияти деб ном олди¹⁹. Қуйисойликлар ертўлаларда яшаб, дехқончиликни бохорирок лалми ва чорвачилик билан шуғулланарди. Шунинг учун Қуйисой манзили муҳофаа тизимиға эга эмас, ҳажми унча катта бўлмаган(100 кв.м) уйларда яшаганлар. Қуйисой маданиятининг ўрганган Б.И.Вайнберг бу манзилда яшаган қабилалар маҳаллий бўлмасдан жанубдан келганлиги тўғрисида фикр юритади, аммо Қуйисой қабилалари (Тумеккичиджик, Таримқыя-1) томонидан қолдирилган қабрлардаги ашёвий далиллар уларни Ўрта Осиёнинг шимолида қадимдан яшаб келаётган маҳаллий аҳоли эканлигини тасдиқлайди.²⁰

¹⁹ (Вайнберг 1979, 7-52 бетлар).

²⁰ А.Аскарлов. Қадимги Хоразм тарихига оид бази бир масалалар. Ўзбекистон этнологияси: Янгича қарашлар ва ёндашувлар. Илмий тўплам. Тошкент 2004 76-84 бет

Бизнингча ҳам Қуйисойликларни Жанубий Туркменистон ва Шимолий Эрон ҳудудларидан Сарикамиш хавзасига келиб жойлашган аҳоли эмас балки, маҳаллий аҳоли қолаверса уларни кўплаб тозабоғёпникликлар билан боғлаш ҳақиқатга яқин бўлса керак. Бронза даври охирида қабилаларнинг каналлар бўйлаб, янги ерларни ўзлаштириши давом этган. Бронза даврининг охирига келиб, аҳолининг бир қисми Амударёнинг ўнг соҳилидан чорвага қулай ботқоқлик сувларига сероб яшаш учун Сарикамиш хавзасига келиб қолгандир. Агар бу қabila жанубий Туркменистондан келиб жойлашган тақдирда меъморчилик, қурилиш билимларини қуллаб, уй-жой қурилишини амалга оширадди. Негаки, қуйисойликларда маълум бир тизимга асосланган муҳандисчилик, меъморчилик, қурилиш билимлари хўжалик ҳаётида ўз ўрнини топган эмас. Тарихий тараққиётнинг кейинги босқичида Хоразмнинг унумдор ерларига мил. авв.. VI

асрдан бошлаб меъморчилик маданияти юксак даражада ривожланган Хорасмиялилар келиб урнашгач дехкончилик маданиятида туб ўзгаришлар юз берди (Кўзаликир). Кўзаликир ва Қалаликир ёдгорликлари шундан кейин пайдо бўлди. Уларда шаҳар қурилиши ва муҳофа тизими соҳасида тажриба катта эди. Ушбу тарихий жараёнлар билан боғлиқ ёзма манбаларни И.В.Пьянков умумлаштирди. Гекатей маълумотида қараганда мил. авв.. VI аср охирида хоразмийлар Хиндистонга борадиган Қаспий бўйи йулига яқин жойда, яъни парфиянинг шарқида жойлашган. И.В.Пьянков бу маълумотдан ҳулоса чиқариб “хоразмийлар ҳудудида Таджан-Герируд водийси ва Туркменистоннинг шарқий қисмини эгаллаган” деб ёзади²¹. Хоразм ҳудудида бу даврда сак-массагет қабилаларининг қучайиши натижасида ҳарбий иттифок вужудга келиб, ўз ҳудудларини қенгайтириб борган бўлиши мумкин. Чунки Геродот ўз асарида Жанубий Туркменистондаги Акес водийси Ахмонийлар қелгўнга қадар Хорасмияларга қараганлигини кўрсатиб утган²². И.Вайнберг Қуйисойликларни қадимий хоразмийларга қиритиб, мил. авв.. VII аср бошларида Гирконианинг шарқида, ғарбда Арējагача бўлган ҳудудда жойлашган деган фикрни олға суради²³. Хоразмийлар Қуйи Амударё ҳудудларига келиб, жойлашган, кейинчалик бу ҳудуд ёзма манбаларда “хоразмийлар” тушунчаси учрайди, бу эса шу тарихий номнинг асрлар оша бизгача етиб қелишига қамин бўлди. Юқорида баён этилган тарихий далиллардан ҳулоса чиқариб мил. ав. V-II минг йилликларда Амударёнинг қуйи хавзасида қуйидаги тарихий – маданий манзарани қўзатиш мумкин. Мил. ав. V-IV ва III минг йилликлар охириги чорагида Амударё қуйи хавзасида инсоният яшаши учун географик, тарихий иқлим шароити етарли эди; Аҳоли ҳали ўзлаштирувчи оддий хўжалик-овчилик ва термачилик билан шугулланардилар;

Бу даврда меъморчилик, муҳофа иншоотларини бунёд этишдан аҳоли билимлари етишмас эди (Қалтаминор маданияти);

²¹ (Пьянков 1972).

²² (Геродот, Тарих, VI, 20, Я.Фуломов 1959, 70-бет, Вайнберг 1979, 49-бет).

²³ (Вайнберг 1979, 50 бет).

Тарих тақозосига қура қадимги овчилар тармонидан янги ҳудудларни ўзлаштириши давом этади.(Зарафшоннинг қуйи хавзалари);

Бу даврда уй-жой қурилишида ярим ертўла, камиш, лой билан шувалган чайлалар кенг тарқалади;

Хунармандчилик билимининг вужудга келишига асос солинади (кулолчилик, туқимачилик, тош ва суяк қуроллари);

Мил. авв.. III минг йилликнинг охирлари ва II минг йилликлари охирларида Хоразм воҳасида тарихий жараён қуйидаги манзарада бўлган:

Тарихий тараққиётнинг ўзликсиз ривожланиши;

Ишлаб чиқариш кучларининг жойлашиши жадаллашади;

Табиий шароити яхшиланиб боради;

Қабилаларнинг сув оқимининг ўзгариши бўйлаб юриб, жойлашишининг давом этиши;

Аҳоли сонининг ушиб бориши кўзатилади;

Мехнат қуроллариининг такомиллашуви давом этади;

Суғориш каналларининг қурилиши бошланади;

Минтақа аҳолисининг аста-секин деҳқончиликка утиш кўзатилади;

Аҳолининг асосий хўжалик асоси сифатида, чорвачиликнинг етакчи бўлиши давом этади;

Уй-жой қурилишида ертўла ва яримертўла шакли давом этади;

Аҳолининг янги ҳудудларни ўзлаштириши(Сарикамиш хавзаси) давом этади;

Мехнат қуроллариининг такомиллашиши билан бирга муҳофаада қулланиладиган қурол – аслахаларнинг такомиллашиши ҳам давом этади(ядро, ук-ёй ва бошқалар);

Жамиятнинг иқтисодий ҳаётида ишлаб чиқарувчи хўжаликнинг устунлиги кўзатилади;

Хоразм воҳасида бу тарихий даврда шаҳар маданияти вужудга келмаган ҳолда унинг пайдо бўлиши учун ижтимоий-иқтисодий омиллар пайдо бўла бошлади. Ишлаб чиқариш тобора кўптармоқлиги характерини ола бошлаган.Окибат натижада биринчи ижтимоий меҳнат таксимотини юз беришига замин яратиб беради. Чорвадор хўжалигида қушимча маҳсулот ва ўнга бўлган талабни қучайтириб борди.Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий, этно-маданий муносабатларни ривожлантирган. Қадимги жамият ва ундаги ишлаб чиқариш усули, қабилаларда меҳнат мазмуни хўжалик ишларининг ташқил этилишидаги ташқилотчилик, ҳарбий , диний соҳада мафқуравий қучнинг келиб чиқишига ва мустақил, бир-бирига қарама-қарши жамоаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ижтимоий табақаланишнинг келиб чиқишига, шахсий қарамлик ва мулкый тенгсизликнинг вужудга келиши учун шароит яратилади. Кўп тармоқли меҳнатнинг пайдо бўлиши бошқарилишнинг турли шакллариини, турли шаклда манзилгоҳларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Илк шаҳар маданиятининг вужудга келиши учун муҳим шарт-шароитлардан бири, хўжалик ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятида меҳнатнинг таксимотидир. Ишлаб чиқариш даражаси ва меҳнат таксимоти урбанизациянинг шаклланишини аниқлайди. Мазилгоҳ аҳолисининг

усиши, меҳнатнинг ихтисослашуви, хўжалик фаолиятининг мўтахасислашиши шаҳарларнинг вужудга келишининг шарт – шароитларидан бири. Шаҳар маданияти шаклланишининг иқтисодий манбаси иккинчи йирик меҳнат таксимотидир, яъни хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши эди. Бунинг натижасида, ишлаб чиқаришда икки йирик тармокнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш характери ва унинг йуналишининг ўзгаришига сабабчи бўлди ва ишлаб чиқариш хужалигида қарама-қарши бўлган иқтисодий соҳа вужудга келди. Илк шаҳарларнинг вужудга келишида турли объектив ва субъектив шароитлар мавжуд (жўғрофик ўрин, иқлим шароит, савдо йули яқинлиги, суғориш учун қулайлиги, аҳоли сони кўплиги, мудофаа учун қулайлик, ҳарбий санъатнинг тарккий этганлиги, ўсимлик ва хайвонат дунёси, фойдали қазилмалар ва х.к). Ижтимоий тарихий шароитда шаҳар маданияти ижтимоий-иқтисодий (хунармандчилик ва савдонинг усиши), ҳарбий -сиёсий (мудофаа тизими), бошқариш сифатида намоён бўлади. Шаҳар маданиятининг вужудга келиши этник жараённинг шаклланишида янги даврдир. Бу даврдаги этник жараён уруғчилик даврида этник жараёнида кескин фарқ қилади. Урбанизация жараёни мулкый тенгсизликни ва табақаланишни тезлаштиради, бунинг натижасида жамиятда синфлар вужудга келишига олиб келди. Шаҳарларнинг вужудга келиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳарбий -сиёсий, шарт-шароитлари бу даврда Хоразм воҳасида вужудга келмаган эди. Мил. авв. II минг йилликларда Сурхондарё ва Фарғона водийсида тарихий- ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд бўлганлиги сабабли бу ҳудудларда аҳоли ўtroқлашиб, шаҳар маданияти сари кадам ташлади. Шу ҳудудларда яшаган қабилалар меъморчилик, муҳандисчилик, қурилиш ва мудофаа тизимида маълум даражада билимга эга бўлган.

Мил. авв.. II минг йилликда Хоразм воҳасида меъморчилик, қурилиш ва мудофаа билимларининг пайдо бўлиши учун ижтимоий- иқтисодий, ҳарбий -сиёсий, маданий–техник, шарт- шароит мавжуд бўлмаганлиги сабабли хўжаликда маъданий-муҳандисчилик ва қурилиш билимлари вужудга келмаган эди (бу ҳолда содда ҳолда режалаштириш билимлари шаклланган, бу билим кейинги таракқиётидаги уй- жойларнинг қурилишида намоён бўлди). Мил. авв.. I минг йиллик бошларида Хоразм воҳасида ўtroқлашиш жараёни юз бериб, хўжаликнинг деҳқончилик соҳаси вужудга келди ва тараккий этди (Якка парсон-2).

Мил.ав. II минг йиллик охири ва I минг йиллик бошларига келиб Хоразм воҳаси жамиятининг ижтимоий - иқтисодий ривожланишида қўйдаги янгиликларни кўрсатиб утиш мумкин.

1. Табиий шароитнинг янада яхшиланиши;
2. Аҳоли сонининг маълум ҳудудларда гавжумлашиши;
3. Катта ва ўрта даражадаги суғориш каналларининг қурилиши;
4. Хажми катта манзилларнинг қурилиши (Қуйисой-2-12га);
5. Хунармандчилик, чорвачиликнинг раванқ топиши;

6.Меъморчилик, қурилиш билимларининг ижтимоий-маданий асосларининг вужудга келиши.

Жамиятнинг меҳнат таксимооти асосида кўп тармокли хўжаликнинг пайдо бўлиши ва унинг янада чуқурлашиши шаҳар маданияти шаклланишига замин бўлди. Албатта бу ерда тарихий ва табиий шароит муҳим ўрин эгаллайди. Ишлаб чиқаришнинг кўп тармоклиги ва хўжалик фаолиятида мўтахассисларнинг пайдо бўлиши меҳнатнинг умумий даражасини, қушимча маҳсулот ва ўнга бўлган талабни кучайтириб борган. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий, маданий-турмуш муносабатларининг ўзгаришига олиб келди.

Қадимги маданият ва ундаги маданиятнинг характери, қабилаларда меҳнат мазмуни ва шароити хўжалик ишларининг ташқил этилиши ташкилотчилик, ҳарбий , диний муносабатларнинг ажралиб чиқишига ва мустақил ва бир-бирига қарама-қарши жамоаларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ижтимоий табақаланиш (жамоа тангсизлик)нинг келиб чиқишига шахсий жиҳатдан қарамлик ва мулкӣ тенгсизликнинг вужудга келишига олиб келди.

Кўптармокли меҳнатнинг пайдо бўлиши бошқаришнинг турли шакллари вужудга келтирди. Илк шаҳар маданиятининг вужудга келиши учун муҳим бир шарт-шароитлардан бири, хўжалик ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий фаолиятида меҳнатнинг ташқил этилишидир. Ишлаб чиқариш даражаси ва меҳнатнинг ташқил этилишликнинг ижтимоий шакли урбанизациянинг шаклланишини аниқлайди. Манзилгоҳ аҳолисининг узиши, меҳнат концентрацияси марказлашиши, хўжалик фаолиятининг мўтахассислашиши шаҳарларнинг вужудга келишининг шарт-шароитларидан бири. Шаҳар маданиятининг шаклланишида асосий шароитнинг иқтисодий манбаси иккинчи йирик ижтимоий меҳнат таксимооти бўлиб, яъни хунармандчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши эди, бунинг натижасида, ишлаб чиқаришда икки йирик тармокнинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса ижтимоий ишлаб чиқариш характери ва унинг тўзулиши ўзгаришиги сабаблар бўлади ва қишлоқ хўжалигига қарама- қарши бўлган иқтисодий соҳа мустақил бўлиб, қишлоқ хўжалиги билан товар айрибошлаш соҳасида алоқа олиб борилди. Илк шаҳарларнинг вужудга келишида турли объектив ва субъектив сабабчи бўлади (Жўғрофик ўрин иқлим, шароит, савдо йули яқинлиги суғориш учун қулайлиги, аҳоли сони кўплиги, муҳофаа учун қулайлик, ҳарбий санъатнинг тараккий этганлиги, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, фойдали қазилмалар ва х.к). Ижтимоий тарихий шароитда шаҳар маданияти қадимги жамият ижтимоий-иқтисодий ҳаётида хунармандчилик ва савдонинг узиши, ҳарбий сиёсий бошқариш услублари намоён бўлади. Шаҳар маданиятининг вужудга келиши этник жараённинг шаклланишида янги даврни очиб беради. Бу даврдаги этник жараён уруғчилик тўзуми даврида этник жараёндан кескин фарқ қилади. Урбанизация жараёни мулкӣ тенгсизликнинг ва табақаланишининг тезлаштиради, бунинг натижасида жамиятда синифларнинг вужудга келишига олиб келади. Шаҳарларнинг вужудга келиши учун ижтимоий -

иқтисодий, ҳарбий -сиёсий шарт-шароитлар яратилади. Мил. авв. II минг йилликларда Сурхандарё ва Фаргона водийси юкорида кўрсатилган тарихий ижтимоий шарт-шароитлар мавжуд бўлганлиги сабабали бу ҳудудлардаги аҳоли ўтроқлашиб шаҳар маданичти сари кадам ташлади. Шу ҳудудларда яшаган қабилалар меъморчилик, муҳандисчилик, қурилиш ва муҳофаа тизимида маълум даражада билимга эга бўлганлар

Мил. авв. II минг йилликларда Хоразм воҳасида меъморчилик қурилиш ва муҳофа билимларининг пайдо бўлиши учун ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий -сиёсий,маданий-техник шарт-шароит мавжуд бўлмай аҳолининг маданий-муҳандисчилик ва қурилиш билимлари вужудга келмаган эди(бу даврда содда ҳолда режалаштириш пайдо бўлган эди, бу билим уй-жойларни қурилишида намоён бўлди). Мил. авв.I минг йиллик бошларида Хоразм воҳаси аҳолисининг ўтроқлашиши натижасида, хўжаликнинг деҳқончилик соҳаси вужудга келди ва тараккий этди (Яккапорсон-2). Тарихий таракқиёт ва ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши натижасида Хоразм воҳасида шаҳарсозлик маданиятининг манбалари вужудга келган эди.

Мил. авв. VIII-VII асрларда Хоразм воҳасида яшаган аجدодларимиз режалаштириш, муҳандислик, меъморчилик, қурилиш ва ҳарбий санъат соҳасида билимларга эга бўлган. Бу билимларнинг бу ердаги аҳолида вужудга келишига жануб томондаги ўтроқ деҳқончилик қабилалари билан маданий алоқалар ва кўчманчи қабилаларнинг тухтовсиз хужум қилишлари сабаб бўлса керак. Хоразм воҳасидаги тарихий - сиёсий ва ҳарбий вазият такомиллашган муҳофаа тизимга эга бўлган шаҳарларнинг қурилишига замин таёрланган. Сак-массагет қабилаларининг ҳарбий жихатдан кучайиши, бу қабилаларнинг жипслашиши натижасида Хоразм бошлик ҳарбий -сиёсий иттифокни пайдо бўлишига олиб келди. Худди шу тарихий даврга оид ёзма манба буган “Авесто”даги тарихий - маданий, этник марказлар тўғрисидаги маълумотлари, марказлашган сиёсий бирлашманинг мавжудлигини исботлайди. Мил.ав.VIII-VII асрларда Хоразм воҳасини урбанизация жараёни тўла қамраб олиб, бу эса ўз навбатида сиёсий-ижтимоий жихатидан чуқур ўзгаришлар юз беришига имкон берди. Бу сифат жихатидан рўй берган ўзгаришлар ҳажми катта ва муҳофаа тизимига эга бўлган аҳоли яшайдиган шаҳарларнинг пайдо бўлишига олиб келди. Тарихий таракқиёт ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маданий-этник, меъморчилик, қурилиш муҳофаа иншоотлари соҳасидаги рўй берган ўзгаришларни археологик ва ёзма манбалар асосида таҳлил қиламиз.

Археологик ашёлар тасдиқлашича милoddан аввалги 1-минг йилнинг бошларига келиб Хоразм воҳасида тарихий жараённинг ўзлуксиз таракқиёти натижасида ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва янги ҳудудларга жойлашиши давом этган. Инсоният тамонидан техника соҳасидаги ихтиролардан бири темир ашёсини ўзлаштириши бўлди, бу эса ўз навбатида янги ҳудудларни ўзлаштиришига, суғориш ишшоатларининг қурилшига замин бўлди. Темирдан қилинган меҳнат қуроллари, умуман хунармандчилик учун янги соҳаларини

вужудга келтирди. Темир қуроёлларининг ҳўжаликда кенг ишлатилиши натижасида меҳнат унумдорлиги ошди, турли хил меҳнат қуроёлари пайдо бўлди, суғориладиган дехқончилик воҳалари вужудга келди.

Суғориш каналлари атрофларида қишлоқ ва шаҳарлар қурилиб, муҳофаа характериға эға эди.

Хунармандчилик тармоқларининг қўпайиши, меҳнат унумдорлиги ошиши озик-овқат захирасининг вужудга келтирди, бу ҳолатлар эса савдорнинг пайдо бўлишиға ва ривожланишиға имкон берди. Бу тарихий маданий тараққиёт даврида темир қуроёлари имп ҳўжаликка имп кириб келиши натижасида жамиятнинг барча соҳаларида тараққиёт ривожланишини бошлаб берди иптидоий жамоа муносабатларига ўзул кесил зарба берди, жамиятнинг иштимой иқтисодий, маданий этник ривожланишини тезлаштирди. Шу билан бирға дехқончилик воҳаларида этник гуруҳларнинг марказлашишиға қарама қарши қучларнинг тўпланишиға олиб келди. Бу эса ўзхоро этдиётларни келтириб чиқаради бизнинг назаримизда шулар муросасиз қучлар ўртасидаги муносабатлар жамият мазмунини намайёт этади.

Эр. ав. I йиллик бошларида келиб Хоразм воҳасида рўй берган ижтимой - иқтисодий ўзгаришлар, хунармандчилик, зироатчилик, дехқончилик воқелари ривожланиш даражасиға тенглашди.

Мил.ав. X–VI аср ўрталари Хоразм воҳасида тарихий жараён юз берди, исбот сифатида қуйидагиларни изоҳлаш мумкин.

Тарихий жароённинг ўзликсиз тараққиёти ва янги ҳўжалик соҳаларининг пайдо бўлиши.

Инсониятнинг аввалдан ҳўжалик бориш ҳудудларида ҳаётнинг давом этиши.

Инсоният тамонидан янги ҳуқуқларнинг ўзлаштирилиши.

Йирик суғориш иншоотларини қурилиши ва янги суғориладиган тарихий жуғрафик воҳаларининг пайдо бўлиши.

Ишлаб чиқараш қучларининг тараққиёти ва марказлашиши.

Темирнинг ихтиро қилиниши ва ундан ясалган қуроёларни ҳўжаликда кенг ишлатилиши.

Хунармандчилик тараққиёти, савдо сотиқни пайдо бўлиши.

Қабилалар ўртасида муросасиз муносабатларин вужудга келиши.

Мулкий табақаланишнинг пайдо бўлиши.

Этник жараён ва этник муносабатларнинг ривожланиши.

Сиёсий бирлашмаларнинг пайдо болиши (катта Хоразм).

Хоразм воҳасида мил. авв. I-йилни бошлари ва ўрталарида меморчилик, режалаштириш, қурилиш ва ҳарбий билимлари соҳасида ҳам аниқ ва малум бир мақсадға йуналтирилган мактаб мажмуаси вужудга келди, яъни :

Йирик каналлар атрофида ва охири қисмида аҳоли манзиллари пайдо бўлди;

Қишлоқ ва шаҳарлар пухта ишлаб чиқилган режа асосида қурилган;

Ҳажми катта шаҳарлар дехқончилик воҳаларининг маъмурий, сиёсий, иқтисодий, маданий, этник ва ҳарбий марказ сифатида намоён бўлиши.

Ҳажми кичик қишлоқ манзиллари шаҳарларни озик овқат маҳсулотлари билан таминлаб тўрганлиги;

Шаҳар ва қишлоқ манзилининг муқаммал муҳофаа тизимға эға эканлиги.

Шаҳарларнинг қўшни ҳудудларга ҳарбий экспедициялар талончилик урушларнинг таянча сифатида ҳарбий марказ бўлиши;

Қурол - аслаҳа ва ҳарбий санъатнинг такомиллашиши.

Археологик манбаларга қараганда, Мил. авв. VIII – VII асрларда Амироботликларнинг бир қисми Сарикамиш хавзасига келиб жойлашган. Бу ерга Ўзбекистоннинг жанубидаги (сополниклар, жарқуртонликлар) қабила­ларнинг бир қисми кучиб келиб маҳаллий аҳоли билан аралашиб кетган. Худди шу жанубдан кучиб келган қабилалар режалаштириш, қурилиш меморчилик билимларини шу ҳудудга олиб келганлиги шубҳасиз. Лекин Сарикамиш хавзасида яшаган Қуйисойликлар уй- жой қурилишда лой меморчилигини кенг мано­да тадбик қилмаганлар негаки шу ердаги иклим ва табиий жароён­дан келиб чиққан. Чунончи, тўпроқнинг кескин суратдаги намлиги ва бот­кок лой меморчилигига асосланган уй- жойни қуришга им­кон бермаган. Бу ҳудудда уй- жой қурилишида синч- новда ва­камш кенг ишлатилган.

Қуйисойликлар асосан чорвачилик, қисман дехқончилик билан шугулланганлар (катта хажмдаги хумлар, дон янчгич қол­диги топилган).

Дехқончилик асосан нам ва кайр ерларга қилинган, чунки су­вориш излари бу ҳудудда топилмаган²⁴. Бизнинг назаримизча, Қуйисойликлар шу ҳудудда хўжалик фаолияти давом эттириб мах­сус чарвадорлар гуруҳи аж­ралиб чиққан. Чунки, бу ҳудудда кейинги тарихий тараққиёт даври­да аҳоли сонини у­си­ши юз берди. (Тумик кичикджик, Такир – кия қаби­рлари). Бу эса Қуйисойликларни бир қисми ўтроқ бўлиб, меморчи­лик, мухандисчи­лик режалаштириш ва му­до­фаа билимларини Кўзаликир ша­х­ри­да қурилиш на­моён қилганлар. Қуйисойликларнинг бир қис­ми эса чор­ва билан шугулланиб, ҳудуд етишмаслиги сабабли ўтроқ дехқончи­лик зона­ларига хужум қилиш ҳа­фини ви­жудга келтирган. Шунинг учун ҳам Кўзаликирликлар му­рак­каб ва та­комиллашган му­до­фаа тизими­га э­га бўлган ша­ҳар­ни кўрганлар

Хоразмнинг қадимги даври Мил. авв. VIII-VII асрда ми­лоддан V- ас­ри­га­ча бўлган тарихий тараққиётни қамраб олади. Бу даврнинг би­рин­чи даври Эр. ав VIII асрдан V аср. Бу тарихий давр Хоразм тарихи­да илк ар­ха­ик даврдир.

Бу тарихий даврда му­стақил “Катта Хоразм” ҳудудий дав­ла­ти мав­жуд эди. Иккинчи давр эса Эр. ав VI аср ўрталаридан Эр. ав. V асрни қамраб олади.

Бу тарихий даврда Хоразм Ахманийлар со­ста­ви­да эди. Бу давр тарихи Хоразмда му­стақил­лик кулдорлик давлатининг та­шқил топиши­да ри­вож­ла­ни­ши ва унинг инки­роз­га юз тутиши ша­ҳар­лар қу­ри­ли­шининг авж олиши жа­ра­е­ни қамраб олади.

Инсоният тарихи­да илк те­мир даврининг бош­ла­ни­ши билан ян­ги тарихий давр бош­ла­ниб, ўз на­в­ба­ти­да жа­ми­ят­да иж­ти­мо­ий- иқ­ти­со­дий ва ма­да­ний со­ҳа­си­да чу­қур ўз­га­риш­лар со­дир бўлди. Бу ўз­га­риш­лар жа­ми­ят­нинг

²⁴ (Вайнберг 1979, 22-23 батлар).

иқтисодий, маданий, сиёсий ривожланишига, тараққиётига олиб келди. Аввало рўй берган ўзгаришлар сифат жихатидан қайси хўжалик соҳаларида қандай намоён бўлган эди?

1. Мехнат қуроллари ва уй-рўзгор буюмлари кенг ишлаб чиқариш, темирдан фойдаланишга утиши.

2. Бу дарда ҳажми катта йирик тканаллар қурилиши олиб борилди. Бу эса деҳқончиликнинг ривожланишига, аҳолининг доимий даромадининг пайдо бўлишига ва озик–овкат захирасининг тўпланишига олиб келди.

3. Ўтроқ аҳоли яшайдиган жойлар калин мудофаа девори билан ўраб олинishi юз берди. (мудофаа девор, йулак, бўрж, арк, ук учли шинак).

4. Аҳоли яшайдиган жойларда нуфўзли задогонларнинг алоҳида мудофаа девор билан ўраб олинган қароргоҳи (арк аъло) вужудга келган.

5. Чорводор қабилалар расман сиёсий қуч сифатида тарих сахнасига чиқиб, уларда қабила оксоқоллари вужудга келди.

6. Худду шу тарихий даврдаёқ ўтроқ ва чорвадор қабилалар ўртасида ўзаро алоқалар вужудга келиб, баъзида худудлар масаласида, таъсир доирасини ёқенгайтириш мақсадида кескин низолар келиб чиққан. Юкорида кўрсатилган ижтимоий –иқтисодий, маданий соҳадаги ўзгаришлар бутун Марказий Осиёга хос хусусият эди²⁵.

Илк темир даврида юз берган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар сиёсий бўлиниши, мулкый тенгсизликни янада қучайтирди. Бу даврда Марказий Осиё худудида яшаган қабилаларнинг худудий ҳарбий –сиёсий иттифоқи вужудга келган, унинг бошқарилиши эса ҳарбий демократик тарзда олиб борилган. Албатта, бу ҳарбий -сиёсий иттифок тепасида подшо эмас, балки ҳарбий оксоқол ёки қохинлар тўрган. Дарҳақиқат юкоридаги кўрсатилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳарбий жихатидан юз берган хусусиятлар. Марказий Осиёнинг барча худудида бир тарихий тараққиёт босқичида юз берди.

Қадимги Хоразмда илк темир даврига хос юкоридаги хусусиятларнинг баъзилари мавжуд эди. Худди шу тарихий даврда Марказий Осиёда ўтроқ ҳаёт асосида деҳқончилик, ҳунармандчилик савдо-сотиқ ривожланиши асосида илк шаҳарлар вужудга келди. Темирдан қилинган қуроолларнинг хўжаликда кенг қулланилиши мехнат қуроолларининг такомилланишига, янги хўжалик қуроолларининг пайдо бўлишига, мехнат унумдорлигининг ошишига, ишлаб чиқариш қучларининг янги худудларга жойлашишига кенг йул очиб берди. Бу эса ўз навбатида аниқ хўжалик соҳаси сари йугирилган доимий хўжалик машғулотининг пайдо бўлишига олиб келди. Чунончи биринчи хўжалик юритувчилар чорвадор қабилалар бўлиб, доимий қўчманчилик тарзда ҳаёт кечирган. Иккинчи хўжалик усули ўтроқ ҳолда ҳаёт кечириб суғорма деҳқончилик асосида хўжалик юритган қабилалар фаолияти билан боғлиқ эди. Бу қабилалар водийларда, воҳаларда жойлашиб тарихий-маданий ва этник марказларни вужудга келтирдилар, яни Бактирия, Сўғдиёна, Марғиёна, Парфия, Хоразм, Паркана, Давон Б.И. Вейнберг

²⁵ (Аскарров 1994, 191-192).

Қуйисой маданиятини ўрганиш жараёнида Қуйи Амударё худудига қабилалар мил. авв.. VII асрда Жанубий Туркманистон ёки Шимолий Эрондан кучиб келган деган фикрни олга сурган²⁶. Бизнинг фикримизча, Амирободликларнинг бир қисми Сарикамиш буйига кучиб бориб, шу худудни ўзлаштирганлар. Бу қабилалар асосан маҳаллий бўлиб, шу даврда Жанубий Ўзбекистондан кучиб келган ўтроқ қабилалар билан чатишиб кетган. Ўзбекистон жанубидаги қабилаларда меъморчилик, режалаштириш, географик ўринни танлаш, қурилиш ва муҳофаа билимлари юксак даражада ривожланганлиги археологик материаллар билан тасдиқланган. Албатта, меъморчилик ва қурилиш билимга эга бўлган қабилалар мил. авв.. VI-V асрларда Хоразм воҳасида пухта ишлаб чиқилган режалаштириш асосида, такомиллашган муҳофаа тизимида эга бўлган шаҳарларни бунёд этди. Бундай пухта ишланган ва мураккаб муҳофаа иншоотга эга бўлган илк қалъалар Амударёнинг чап ва ўнг соҳилидаги худудларда қурилган. Дингилжа манзилининг муҳофаа тизими мураккаб ва ўзок муддатга асосланган муҳофаа характерида эга бўлмаса ҳам, уни қазиб вақтида шаҳарларга хос материаллар олинди. Мил. авв.. VI-V асрларда Хоразм меъморлари ва муҳандислари уч томони тенг ўқиб-ўқитиб, тўғриб-ўқитиб ҳолда режалаштирилган қалъаларни қўрганлар. Қалъалиқир, Қўзалиқир, Ойбугир қалъа, Хива, Бозор қалъа, Хазорасп, Қуш ва қишлоқ типидagi Дингилжа, Қушқалъа аввал пухта ишлаб чиқилган режа асосида қурилган, Қўзалиқир ва Қалъалиқир баландликка қўчманчилар билан чегарада қурилган ҳарбий чегара авзифасини бажариб, Хоразм воҳасини ғарбий-жанубий томондан қўчманчилар ҳужумидан ҳимоя қилган. Бундай ҳарбий муҳофаа вазифасини Ойбўри қалъа, Хива шаҳарлари ҳам бажарган. Жануб томондан Хазорасп қалъаси муҳофаа вазифасини бажарган. Архаик давр шаҳарларининг даслабки даврдаги муҳофаа девори пахсадан тикланган. Бу даврда Қўзалиқир муҳофаа девори айлана шаклидаги бўрж билан тўғритуртбўрчак шинақларга эга бўлган бўлса, Қалъалиқир муҳофаа деворида эса турт томони тенг бўржлар мавжуд. Хива шаҳрининг дастлабки муҳофаа девори ва бўржси пахсадан тикланиб, кенглиги 2 м йулакка эга. Бу архаик даврда Хива деворидаги бўрж тўғрибўрчак шаклида бўлган. Шу билан бирга асосий девордан 5-6 м ўзқликда қушимча девор ҳам қурилган. Хазораспда ҳам дастлабки даврда бўрж тўғрибўрчакли бўлган. Архаик даври шаҳарлари муҳофаа тизимида тўғрибўрчакли ва турт томони тенг хом ғишлар ишлатилган.

Хоразмнинг архаик давр шаҳарларининг режалаштирилиши Сўғд, Фаргона, Бактрия ва Марғиёна шаҳарлари қурилишида қулланилган усулга жуда ўхшайди. Бактрия худудида Кизилтепа ёдгорлиги тўғрибўрчак шаклида қурилган эди²⁷. Ўқиб-ўқитиб ва ўқиб-ўқитиб яқин шаклда Қўзалиқир, Ойбўриқалъа, Хайитободтепа,²⁸ Фаргона водийсидаги Эйлатан²⁹,

²⁶ Вейнберг 1979, 49 бет.

²⁷ (Веляева, Ҳақимов 1973, 43 бет).

²⁸ (Собиров 1979, 9-10 бет)

²⁹ (Заднепровский 1962, 108-110 бетлар)

Туркменистонда Элькндепа каби қалъаларда намоён бўлган(Усмонова 1963, 20-30 бетлар, 1975, 530-531 бетлар, Усманова, Дресвянская 1976. 553 бет).

Урта Осиё худудидаги Олтинтепа (Жанубий Туркменистон), Чуст, Далварзин (Фаргона водийси), Сополли, Жаркутон (Сурхондарё) ёдгорликларининг мудофаа тизими қурилишида тугри бўрчакли хом ғиштлар ишлатилганлиги маълум . (42x26x9, 44x27x12 см). Мил.авв.VI асрдан бошлаб шаҳарлар мудофаа қурилишида тугрибўрчакли хом ғишт ишлатилган (52x26x9, 54x27x10 см) . Мил.авв.V асрдан бошлаб турт томони тенг, хом ғиштлар ишлатилган(45x45x14, 43x43x12, 40x40x10 см). Кўзаликир, Қалаликир, Бозорқалъа, Ойбугирқалъа, Хива, Хазорасп шаҳарларининг мудофаа тизими мукамал бўлиб, ўзок муддатли химояга мулжалланиб қурилган. Айлана ва тўғрибўрчакли шаклдаги бўржлар Хоразм воҳсидаги шаҳарлар тарихида энг қадимгиси бўлиб ҳисобланади(Кўзаликир,Хива,Хазорасп). Бу тарихий даврдаги шаҳарларнинг мудофаа тизимида энг муҳим элементларидан бири дарвозаолди мураккаб мудофаа иншооти бўлиб, душманни шаҳар ичкарасига тўғридан-тўғри киришга йул бермаган. Дарвозаолди мураккаб иншоот дарвозадан анча ўзокликда (17-20 м) жойлашиб, унинг қурилиш услубида бир неча маротаба айланма йулак мавжуд бўлган. Шаҳар ичкарасига кириш учун ҳаракат қилган душман айланма йулак орқали амалга оширишга мажбур бўлган(Қалаликир, Ойбугирқалъа, Бозорқалъа аркида).

С.П.Толстов “Кўзаликир ҳайвонларни қамаб қуйиш учун мулжалланган.” деган фикрни илгари сўрган. Шаҳарнинг турт қаторли мудофаа девори, шинакларига эга бўлган айлана шаклдаги бўрж каби мураккаб ва такомиллашган мудофаа тизимига қараб ҳулоса қиладиган бўлсак, тадқиқодчининг фикри ҳақиқатдан анча йирик ҳисобланади. Дарҳақиқат, ҳайвонларни сақлаб туриш учун бундай мукамал мудофаа тизимига эга бўлган шаҳарни қуриш мақсадга мувофиқ эмас, балки йирик ва ўрта новдаларни бирлаштириб, маълум бир ҳудудни қура -ҳолда ўраб олиш мумкин. Ҳозирги вақтда ҳам чорвадорлар чул-сахроларда ҳайвонларни боқиб юриш жараёнида шу ердаги мавжуд бўлган материаллардан фойдаланган ҳолда маълум ҳудудни ўраб олиб, ҳайвонларни сақлайдилар. Дарҳақиқат, ҳажми катта ва такомиллашган мудофаа тизимига эга бўлган манзилларни қурилиши тарихий-ҳарбий ва ҳаётий заруратдан келиб чиққанлиги маълум. Йирик суғориш иншоотларининг қурилиши, ҳажми катта шаҳарлар ва уларнинг мукамал мудофаа тизими жамоалар орқали амалга ошириладиган тадбир бўлмасдан балки сиёсий бирлашмалар тамонидан олиб борилиб, унинг қурилиш фаолиятидан келиб чиқган. Албатта, бундай йирик қурилиш иншоотларининг тухтовсиз амалга ошириш учун эркин жамоа аъзолари, куллар меҳнатидан кенг фойдаланиш йули билан амалга оширилган дейди С.П.Толстов.

Хоразм архаик давр шаҳарларининг дастлабки паҳса маълум шаклга эга бўлиб, тўғри йуналиш асосида қурилган. Бундай паҳса деворни қўшни ҳудудлардаги ёдгорликларида ҳам учратиш мумкин. Афросиёбнинг паҳса девори дастлабки даврда “вал” шаклдалиги маълум. Бунда паҳса тўғри

йуналишга эга бўлиб унинг устки қисмининг икки чеккаси маълум бир чегарага эга эмас³⁰, бундай кўтарма “вал” Бактриядаги Кизилтепада ҳам кўзга ташланади.³¹ Оддий ва содда ҳолдаги “вал” шаклдаги девор Фаргона водийсидаги Шўрабашат ёдгорлигида ўрганилган.³² Хоразм архаик давр шаҳарларидан бири Кўзаликир режалаштириши Марғиёна, Сўғд, Бактрия шаҳарлари режалаштирилишидан кескин фарк этади. Дарҳақиқат бу ёдгорлик баланд кир устига учбўрчакка яқин шаклда қурилган³³. Ойбугирқалани меъморий тарҳи тўғрибўрчакка яқин. Кальаликир, Ичакқалъа шаҳарлари тўғри туртбўрчак шаклда, Хазорасп турт тамони тенг шаклларда қурилган. Бундай режалаштирилиш услуби Хоразм воҳасига қўшни бўлган ҳудудлардан ҳам топиб ўрганилди. Хоразмнинг архаик давр шаҳарлари мудофаа тирзимининг яна бир асосий элементларидан бири йулак ҳисобланади. (Кўзаликир, Калаликир, Ичанқалъа, Хазорасп, Кушқалъа) Бундай йулаклар Афрасиаб (Согд) Ерқўрган Ўзункир, Сангиртепа (Кашкадарё Соғди), Кизилтепа, Талашган, Хаитобод, Бактрия ёдгорликларида ўрганилди.

Хоразм архаик давр шаҳарлари мудофаа тизимида етакчи ҳимоя услубларидан бири бўржлардир. Хоразм шаҳарлари мудофаа тизимида уч хил шаклдаги бўржлар қурилиши амалга оширилган, ярим айлана, тўғри туртбўрчак. Кўзаликир деворининг ярим айлана шаклдаги бўржи жуда қадимги бўлиб, мил. авв. VI- асрга тегишлидир. Девор ва бўржлар шихмат усулда қуйилган, тўғрибўрчакли шинакларга эга. Кўзаликир деворидаги бўржлар ўртасидаги масофа 36 м. Бозорқалада 30-50 м. Хазорасп- 10-55 м. Ичанқалъа деворида 30-55м. Девор ва бўрж тўғрибўрчакли ҳам ғишдан тикланган. Бу хусусият бутун Марказий Осиё ҳудудидаги шаҳарлар қурилишига хос эди. Бизнинг фикримизча Кўзаликирнинг қурилиши ва унинг мудофаа тизими маҳаллий муҳандислар томонидан амалга оширилган.

Мил.ав.1 минг йиллик урталарида хоразмликлар ғарбий ва шимолий – шарқий ва жанубий чегаралари дахлсизлигини таъминлаш мақсадида такомиллашгандан кейин чегара –ҳарбий мудофаа системага эга бўлган шаҳарларни кўрганлар. Бу тарихий даврда қурилган шаҳарларда алоҳида девор билан ураб олинган аркга эга. Бундай мудофаа услуб Кўзаликир, Ойбугирқалъа, Хива, Хозарасп ёдгорликларида ўрганилган. Архаик давр шаҳарлари мудофаа тизимида шинаклар алоҳида ўрин эгаллайди. Кўзаликир мудофаа тизимида қулланилган шинаклар тўғрибўрчакли бўлиб, шахмат усулида жойлаштирилган. Шаҳар мудофаасида катнашган жангчи йулакнинг маълум бир белгиланган жойида туриб, уч шинак орқали душманга зарба бериш имконияти бўлиб, фаол ҳужумни олиб бориш билан бирга, мудофаси ожиз жойга тез етиб бориш имконияти бўлган.

Хоразм архаик давр шаҳарлари мудофаа тизимидаги энг муҳим элеменларидан бири дарвоза олди мураккаб иншооти эди. (Бу даврда Урта

³⁰ (Тўрабеков 1990, 76 бет)

³¹ (Ҳакимов, Сағдуллаев 1979, 565 бет)

³² (Заднепровский 1962 йил, 26 расм, табл XXVУ, А).

³³ (Толстов 1948, 92-97 бетлар, 1962, 69- 109 бэтлар.)

Осиё худудидаги шаҳарларда бундай элемент мавжуд эмас эди.) Мил. авв. VI асрдаёқ Хоразмликлар дарвозага эъиборни бериб, дарвоза олди химоясини йулга қўйганлар. Хоразмни архаик давр шаҳарларини ўрганиш жараёнида олинган материаллар бу худудда яшаган қабилалар юксак даражада тараккий этган меъморчилик, қурилиш ва мудофаа тизимига эга бўлган деган хулоса чиқаришга имкон берди.

Мил. авв. VI-V асрларда қурилган Хоразм шаҳарларининг мудофаа тизими актив мудофаага асосланиб пиёда ва отлик аскарлар зарбасига мос ҳолда қурилган бўлиб, шаҳар аҳолиси ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган.

Археологик ашёлар ва юкорида келтирилган далилларга асосланиб мил.авв.I-йиллик ўрталарида жамият тараққиётидаги сифат жихатидан туб ўзгаришлар шаҳар ва қишлоқларнинг меъморий топографик тўзилишида намоён бўлган:

1) Катта, мураккаб мудофаа иншоотга эга бўлган шаҳарлар (70,40,33,26га) (Калаликир, Кўзаликир, Бозорқалъа, Хива)

2) Ўртача катталиқдаги шаҳарлар (20 - 6 га) (Ойбугирқалъа, Хазорасп)

3) Мудофаа тизимга эга бўлган қишлоқлар(1-0,5 га.). (Дингилъжа, Қушқалъа)

Мил. авв. VII-V- асрларда Хоразм воҳасида мавжуд бўлган калаларнинг тархи ва мудофаа тизими услубига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

I-гуруҳ. Катта ҳажмдаги шаҳарлар.

Бу шаҳарлар аҳоли манзилларини икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Тархи тўғрибўрчакли, атрофи қаридорли тўғри бўрчакли бўржи бор, турт дарвозага эга, аммо дарвоза олди мураккаб иншоотга эга эмас. (Хива) Дарвоза олдида мураккаб иншоот арк мавжуд (Кўзаликир, Калаликир).

гуруҳ. Ўртача катталиқдаги шаҳарлар. Бу шаклдаги шаҳарларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

I. Катта ҳажмдаги шаҳарлар, улар ҳам икки хил:

A) катта ҳажмда, турт томони икки қаторли девор, тўғри бўрчакли ва “қалдирғоч думли” бўрж, йулак дарвоза ва бўрчақда лабиринтли аркка эга (Бозорқалъа),

B) турт томони, икки қаторли йулакли девор, тўғри бўрчакли бўрж, аммо дарвоза олдида лабиринт мавжуд эмас (Хазорасп)

II-гуруҳ. Тархи учбўрчак ҳолда девор, йулак дарвоза, дарвоза олдида лабиринт мавжуд, арққалъа эмас(Ойбугирқалъа)

III-гуруҳ. Қишлоқ манзиллари:

Тўғрибўрчакли тархи, девор, йулак мавжуд, арк, бўрж, шинак мавжуд эмас (Дингилжа), турт томони девор, йулак, айлана шаклда бўрж, дарвоза, найза учли шинаклар мавжуд, арк, мураккаб лабиринт йук (Қушқалъа).

Мил. авв.. VI-V асрларда Хоразм иншоотлар мавжуд бўлган мудофаа иншоотлар билимининг ривожланиш жараёнини қўйдагича тасвирлаш мумкин.

1.Махсус мудофаа иншоотларига эга бўлган қалъалар:

Пухта ишланган режалаштириш, турсимон ички тўзилиши турсимон йулак бўрж, дарвоза, дарвоза олди мураккаб иншоотли қалъалар. Шаҳарлар

мукаммал мудофаа иншоатларини камраб олган мудофаа мактабининг мавжудлиги.

2. Оддий услубдаги мудофаа тизими (Дингильжа).

Хоразм воҳасида меъморчилик, режалаштириш, қурилиш билимлари мудофаа иншоатларининг пайдо бўлиши Урта Осиёнинг бошқа худудларидан кескин фарк қилиб, мудофаа билимлари меъморчиликда мукаммал ҳолда пайдо бўлишидир.

Хоразм воҳасида мил.авв. VI-V асрлардаги тарихий жараёни таҳлил қилишда мавжуд бўлган асосий манбаларни уч гуруҳга бўлиш мумкин, яъни ёзма манбалар, юнон ва рим тарихчилари асарлари ва археологик ашёлардир. Мил. авв.VI-аср ўрталаригача ахмонийлар империяси ташқил топишигача бўлган даврда Хоразм воҳасида массагетлар сиёсий бирлашманинг мавжудлиги ҳақида форс ва юнон ёзма манбалари хабар беради. Бўлар тош қабрларга битилган ёзувлар.(Персепол яқинидаги Сўза, Экбатана,Накши Рустам, Бехистун) қояларига уйиб ёзилган битиклар ва расмлар.

Рим, Юнон ва Хитой тарихчилари асарларида ҳозирги Марказий Осиёликларнинг қадимги аجدодлари сак-массагетлар бўлиб, Эроний тилларнинг шарқий шаҳобчаси ва қисман туркийлашган сак-скиф тилларида гапиришганлар. Бу даврда Турон заминида массагет қабиаларининг ҳарбий - сиёсий канфедерацияси (иттифок ёки бирикма) вужудга келиб, бўнга Хоразм бошчилик қилган, бўнга эса қадимий Сирдарё хавзаси, Амударёнинг шарқий ўрта оқими Зарафшоннинг қуйи оқими, Сирдарёнинг ўрта оқимидан Тянь-шангача бўлган худудлар қирганлиги тугрисида мулоҳазалар мавжуд.

Урта Осиё худудидаги ҳалқлар тўғрисидаги қимматли маълумотлар юнон ва рим тарихчилари асарларида мавжуд. Мил.авв.V асрда яшаган Геродот Урта Осиёнинг йирик дарёси Амударё ва унинг атрофида яшаган қабиалар тўғрисида қимматли маълумотларни беради. У ўзининг “Тарих” асарида Амударёга «Акес» деб ном бериб , хоразмликларни бу дарё сувидан кенг фойдаланганликлари тўғрисидаги дастлабки маълумотларни берган.

“Дарё” (Аракс) қирқ тармок ҳосил қилиб қуйилади, унинг бир тармоғидан ташқари, қолган ҳамма тармоклари ботқоқликлар ва ҳалқоблар ичида гойиб бўлади: бу ерда яшовчи одамларнинг овқати балик , ўзлари эса тюлень терисини ёпиниб юрганлар , деб айтадилар. Араксининг ёлғиз бир тармоғи очик ерлардан ўтади ва Каспий денгизга қуйилади.Хуллас Каспий денгиз ,ғарб ва кавказ билан чегараланади, шарқ томондан эса ўнга бепоён текислик келиб ёндашади. Бу бепаён текисликнинг бир қисмини массагетлар ишғол қилган³⁴. Амударё тўғрисида Страбон шундай ёзади: “Кўп жойларда тармокларга ажралиб кетадиган Аракс дарёси бошқа дарёларга қараганда бу мамлакатга (Хоразмга кўпроқ сув беради:у ўзининг бутун тармоклари билан шимолда денгизга бориб қуйилади (Орол денгизи бўлса керак) ва факат унинг битта ирмоғи Гиркан култигига бориб қуйилади.Массагетлар ва саклар составига атасийлар ва хорасмийлар ҳам қиради. Арахасдар массагетлар, Бақтрияликларга яқин ерда улардан ғарброкда Окс дареси

³⁴ (Геродот. “Тарих” I, 201-205 бетлар , Ғуломов 1959, 79 бет).

бўйларида яшайдилар. В.Пьянков юнон тарихчилари ва асарларидаги маълумотлар асосида хорасмликларни Туркман-Хорасан тоғининг шарқий қисми ва Тажан-Герируд (Мурғоб) водийсида жойлашганлиги ҳақида хулосага келган.³⁵

Мил. авв. VI-V асрларда Хоразм воҳаси аҳолисининг ўтроқ деҳқончилик маданиятининг қарор топиши ва суғориш иншоотлари қурилишининг олиб борилиши давлатчиликнинг ривожланишини тездаштиради. Хажми катта суғориш иншоотларининг қурилиши ва ундан фойдаланиш етарли бўлмасдан, меҳнат қуролларини такомиллаштириш, яъни деҳқончиликда меҳнат унумдорлигини оширадиган, ўзок муддатда фойдаланадиган каттик моддадан қилинган қуроллар керак эди. Хоразм ҳудудида темирдан қилинган болга Кўзаликирда топилди.³⁶ Суғориш иншоотларнинг қурилиши меҳнат унумдорлигини ва қушимча маҳсулотнинг қўпайишига, қўп тармоқли хунармандчилик, савдо-сотиқнинг усишига, ўтроқ ва қўчманчи қабилалар ўртасида маҳсулот айрибошлашнинг усишига олиб келди. Бу ҳолатлар ўз навбатида қабилалар ичида турли хўжалик мўтахасисликларининг ишлаб чиқариш фаолиятининг янада тараққий этишига, озик-овқат захирасини ва бойликни тўплаш, биринчи навбатда суғорма деҳқончиликка ривожлантиришни ҳаётий зарурият қилиб қўйди.

Кўзаликир, Қалаликир, Бозорқала катта хажмда қурилган бўлиб, режалаштирилиши жихатидан пухта ишланган бўлиб, такомиллашган мудофаа тизимга эга. Бундай мураккаб мудофаа иншоотга эга бўлган шаҳарларни қурилиши (Айниқса қўчманчилар билан чегарада) тарихий ва сиёсий вазиятнинг кескин эканлигини исботлайди. Хажми катта, икки қаторли мудофаа девор, аниқ масофадаги бўржлар, тўғри бўрчакли икки қаторли шинаклар, дарвоза олди мураккаб иншоотларнинг мавжудлиги Хоразмликларда меъморчилик, режалаштириш, қурилиш ва мудофаа билимларининг юксак даражада тараққий этганлигини билдиради. Шундай қилиб, Мил. ав. VI-V асрларнинг ўрталаригача (Ахмонийлар томонидан Хоразмни босиб олиш арафасида) бўлган тарихий даврда Хоразм воҳасида шаҳарсозлик маданияти вужудга келиб, Шарқ шаҳарсозлик маданияти тизимига кирган. Бу тарихий даврга келиб, Хоразм воҳасида яшаган қабилалар иқтисодий-маданий, этник ва қурилиш, ҳарбий билимлар соҳасида юксак даражага эга бўлиб, Урта Осиёнинг бошқа ҳудудларидаги яшаётган қабилаларнинг хўжалик маданияти билан бир хил даражада бўлган.

Хоразмнинг архаик давр шаҳарлари мураккаб мудофаа тизимига эга бўлиб, актив мудофаага асосланган қурилган. Бу даврдаги шаҳарлар иқтисодий-маъмурий, сиёсий-маданий, диний-ҳарбий ва мудофаа марказлари бўлиб келган. Шу билан бирга бу даврдаги шаҳарлар жамиятнинг иқтисодий, сиёсий, сиёсий ва маданий тараққиётини аждоқларимизнинг жипслигини ва иноқлигини билдиради.

³⁵ (Пьянков 1972, 3-20 бетлар).

³⁶ (Толстов 1955)

Шаҳарларнинг комплекси қадимги жамиятда иқтисодий, маъмурий-сиёсий, диний-ҳарбий , аҳолининг жойлашиши жихатидан тарихий ўрнини ва ролини аниқлашда катта аҳамиятга эга. Чунончи ички тўзилишининг ҳажми, аҳоли зичлиги, географик муҳит, ички ва ташқи савдо йули устида жойлашиши, фойдали қазилмалар ва бошқалар.

Мил. авв. VI-V асрлар Хоразм шаҳарларининг умумий ҳажми ва мудофаа тизими мавжудлигига қараб қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин.

ШАҲАР ТАРТИБИ ҲАЖМИ ВА ЖОЙИ.

1. ДАРАЖАЛИ ШАҲАРЛАР: 400- 200 га

2. ДАРАЖАЛИ ШАҲАР: 200- 80 га

Хоразм воҳасида 1-2-даражали шаҳарлар қурилиши амалга оширилмаган.

3. ДАРАЖАЛИ ШАҲАРЛАР: 70-20 га

Қалъалиқир.

Кўзалиқир

Бозорқалъа

Хива

4. ДАРАЖАЛИ ШАҲАРЛАР: 5-10 га

Ойбўғирқалъа

Ҳазорасп

5. ҚИШЛОҚ ТИПДАГИ МАНЗИЛЛАР: 0,5-5 га

Кўшқалъа

Дингилжа

Хоразм воҳасида мил. авв. VI-V асрларда III-IV-V-VI даражали шаҳарлар ва қишлоқ типдаги манзиллар мавжуд эди. Археологик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотларга қараб мил. авв. VI-V аср шаҳарларининг ички қисмида аҳолининг зичлиги ва ижтимоий биноларнинг жойлашиши ҳақида қисқа бўлса ҳам фикр қилиш мумкин.

Месопатамия шаҳарларининг ички кўриниши ва унинг аҳолиси буйича дастлабки маълумотни Анри Франкфортдан олдик. Унинг маълумотларига қараганда, Месопатамия шаҳарларида 1 га ерга 400 киши туғри келади ¹ . Хоразм шаҳарлари буйича 1 га ерга 200 киши қилиб белгилаган бўлса Ю. Буряков Тошкент водийси шаҳарлари зичлигининг 70% ҳисобида 1 га ерга 200 кишини тақлиф қилади. ³⁷ Мил. ав. I минг йиллик урталари шаҳарларининг палеодемографияси археологик ашёлар асосида ханўзгача илмий –назарий жиҳатдан таҳлил қилинган эмас. Биз эса қуйидаги тақлифни маъқул топдик. Бизнингча, архаик даврида шаҳарнинг ички майдони аҳоли томонидан тўла ўзлаштирилмаган. Агар Кўзалиқир умумий майдони 40 га бўлгани ҳолда 50% аҳоли зичлигини ҳисобга олсак 20 га , 100 киши 1 гектарга , унда шаҳар аҳолиси 4000 киши , Қалъалиқирда 70 га, 50%-35 га , 7500 киши , Бозорқалъада 33 га аҳоли зичлиги 50% 16 га 1 гектарга 100 киши туғри келади, шунда шаҳарда аҳолиси 1600 киши бўлган.

Мил. ав. VI-V асрларда (Ахамонийлар) империяси ташкил топишигача бўлган даврда Хоразм воҳасида массагетлар сиёсий бирлашманинг

³⁷ (Буряков 1982 йил 173-174 бетлар)

мавжудлиги ҳақида форс ва юнон ёзма манбалари хабар беради. Булар тош қабрларга битилган ёзувлар, қояларга ўйиб ёзилган битиклар ва расмлардир (Персеполис яқинидаги Суза, Экбатана, Накши Рустам, Бехистун).

Рим, Юнон ва Хитой тарихчилари асарларида ҳозирги Марказий Осиёликнинг қадимий аجدодлари сак – массагетлар бўлиб, Эроний тилларнинг шарқий шохобчаси ва қисман Туркийлашган сак-скифлар тилларида гаплашганлар. Бу даврда Турон заминида массагет қабилалар ҳарбий -сиёсий конфедерацияси (иттифок ёки бирлашма) вужудга келиб , бўнга Хоразм бошчилик қилган, бўнга эса қадимий Сирдарё хавзаси , Амударёнинг шарқий қисми ва Сирдарёнинг ўрта қисми , Зарафшон қуйи оқими ва Амударёнинг ўрта оқими Сирдарёнинг ўрта оқимидан Тяньшангача бўлган ҳудудлар кирган .

Урта Осиё ҳудудидаги халқлар тўғрисидаги қимматли маълумотлар юнон ва рим тарихчилари асарларида мавжуд . Айниқса мил.ав. V-асрда яшаган Геродот Урта Осиёнинг йирик дарёси Амударё ва унинг атрофида яшаган қабилалар тўғрисида қимматли маълумотлар беради . У ўзининг “Тарих” асарида Амударёга «Аракс»(Акс) деб ном бериб , Хоразмликларни бу дарё сувидан кенг фойдаланганликлари тўғрисида хабар беради.Мил.ав.VII асрда яратилган Авесто китобида Хоразм воҳаси қадимги давр тарихига оид маълумотлар учрайди.

Авестода Ахурамазда томанидан яратилган тарихий – маданий,деҳқончилик марказлари бўлган Хоразм, Марв , Бактрия, Сўғд , Хирот,Нисо тўғрисида ва тулкинли дарёлар ҳақида маълумот мавжуд “ Мамлакатки , у ерда сон – саноксиз кушинларга баҳодир бошлиқлар сардорлик ва йулбошчилик қилади , у ерда утлоқлар ва сувга сероб баланд тоғлар, чорвачилик учун зарур барча нарсани етказиб бериб туради. У ерда кемалар катнайдиған кенг дарёлар ўзларининг тулкинли сувларини шиддат билан Искат(Скифия), Моур(Марв), Хорева(Ария) , Гав(Сўғддаги вилоят), Сўғдда (Сўғд) , Хваризам мамлакатларига элтади» . Шубҳасиз Амударё ва Сирдарёдир .

Авестода аҳоли яшайдиган жойларнинг турт томони девор билан ўраб олинганлиги тўғрисида маълумотлар мавжуд . Чунончи : “ Йима турт томони бир от чопишига тенг ўзокликда қилиб у ерга хукиз , одам , ит ва кушларнинг уругини ҳамда унинг ёниб тўрган оловини кучирди. Турт томони от чопишига ўзунлигида бўлган Варани одамлар яшайдиган жой қилди, ҳар томони от чопиши ўзунлигида Варада кургон қилди. Йима у ерга бир хатр (1.5 км . гача) бўлган ўзокликдаги жойдан сув олиб келди. Уша ерда у ҳамма томондан берк турар жойлар, уй, гумбаз, ховли қилди Иморатнинг кенг қисмида туккизта чикар жой қилди, бўларнинг олтитаси ўртача, учтаси тор эди. Ва у йулак, ҳамда ёруг тушадиган дарча очди “(Вандидод II 33-38)”. Авесто “Вара” си тасвирини олган Кўзаликир, Ҳазорасп, Бозоркала шаҳарлари бўлган.

Ишлаб чиқариш кучлари янада тараккий этди, аҳолининг маълум ҳудуди марказлашиши юз берди .Натижада хунармандчиик , савдо-сотик тез ривожланди, меҳнат унумдорлиги ошди. Бу эса озик-овқат захирасининг

пайдо бўлишига, бойликнинг кам сонли кишилар кулида тўпланишига олиб келди, бу эса мулкий тенгсизликни, қабилалар ўртасидаги тукнашувларни, қабилалараро муносабатларнинг кескинлашишига олиб келди, натижада турт томони девор билан мустахкамланган қишлоқ ва шаҳарлар пайдо бўлди. Йирик суғориш иншоотлари, ишлаб чиқаришнинг усиши, илк шаҳарлар давлатчиликини белгилаш эди. Илк шаҳарларнинг маданияти илк давлатчиликининг пайдо бўлиш масаласи ўз ечимини кўтаётган долзарб муоммолардан биридир. Жанубий Ўзбекистон худудидаги Сополлитепа, Жаркутондаги олиб борилган қазилар ишлари натижасида олинган ашёларга асосланиб Олд Осиё, Месопотамия шаҳар-давлатлар маданиятига хос шаҳар-давлатларнинг мавжудлигини таклиф қилмоқдалар. Жаркутоннинг меъморий- топографик тўзилиши ибодатхона хунармандчилик мушофаа иншоотлари каби белгилар ёдгорликининг илк шаҳарлар гуруҳига киритишга омил бўлиши қуйидаги асосларни таъкидлаб кўрсатадилар. Чунончи:

1. Жамоа бошликлари ёки ҳукмдорлари истикомат қиладиган саройларнинг бўлиши;
2. Ўлкада диний маркази бўлган маҳаббатли ибодатхоналарнинг бўлиши;
3. Каъла деворлари ва баланд девор билан уралган аркнинг бўлиши, арк худудида сарой аҳли яшайдиган уйларнинг жойлашиши;
4. Кенг худудда шаҳар аҳолиси яшайдиган иморатларнинг бўлиши, умумжамоа учун хизмат қиладиган иншоотларнинг жойлашиши, уша худудда ишлаб чиқарадиган кучларнинг хунармандчилик устахоналарида ва дастгоҳларнинг жойлашиши;
5. Юкори ривожланган хунармандчилик; (кулолчилик, чилангарлик, туқимачилик, кулолчилик терига ишлов берадиган кунчилар маҳаллалари бўлиши);
6. Мухр ва қимматбаҳо буюмлардан иборат бой қабрларнинг мавжудлиги;
7. Жамоа иерархиясини кўрсатувчи яшаш уйларининг бир-биридан фарк қилиши;
8. Савдони белгиловчи бошқа маданиятларга хос бўлган ашёларнинг топилиши;
9. Глиптика, эпиграфика ва ибтидоий ёзув формасининг бўлиши;¹

Аскарлов А., Т. Ширинов тамонидан таклиф қилинган илк шаҳарларнинг археологик белгилари Жанубий Бақтрия жамиятини тасвирлайди, бироқ юкоридаги белгиларни Турон заминини бошқа худудларига, айниқса Хоразм воҳасига юкоридаги белгиларни жойлаштириб бўлмайди. Факат 5- вариантдаги кулолчилик билимини киритиш мумкин ҳолос. Хоразм воҳасида сўнгги бронза ва бундан кейинги тарихий даврларда (то мил. авв. VI-асргача) аҳоли ертўла, ярим ертўлаларда истикомат қилишиб, маданий хўжаликни олиб борганлар. Айрим қадимшунослар “Бронза даврида урбанизация” характери олиган

¹ Аскарлов А.А. Ширинов Т.Ш Ранная городская культура эпохи бронзы Средней Азии. Самарканд 1983 г с. 29

қишлоқларни шаклланаётган шаҳарлар, ҳатто илк темир даври шаҳарларини ҳам шу гуруҳга олиб кирадилар.

Б.А.Литвинский эса бронза даври қишлоқларининг “Протоғород” яъни “шаҳарлашаётган қишлоқлар” фикрни илгари сўрган ¹. Бизнинг назаримизда Э.В. Ртвеладзе, Б.А.Литвинскийнинг илк шаҳарларнинг тўзилиши тугрисидаги мулоҳазаларини Сополлитепа ашёларига боғлаш мумкин, лекин ҳажми жиҳатдан катта, жамоат бинолари, ибодатхона, арк ва мудофаа тўзилиш элементлари асосида Жаркўтан илк шаҳар сифатида жамиятда мавжуд бўлган. Шу сабабдан А.Аскарлов, Т.Ширинов тамонидан илгари сурилган илк шаҳарлар буйича илмий фикрларни куллаб-қувватлаш илмий ҳақиқатга яқиндир.²

Ш. Шайдуллаев ўз тадқиқотларидан бирида шаҳарлар ва давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланишнинг босқичларини қуйидаги даврларга бўлишни таклиф қилган :

Шаҳар- давлатлар ёки шаҳар “Ном” типидagi давлатлар . Бу давр қадимги дехқончилик маданиятида яъни мил.авв II минг йилликни ўз ичига олади (Жаркутон, Дашли-1).

Шаҳар–худудий давлат маркази. Бу давр мил.авв I минг йиллик бошлари. Кизилтепа, Жондаваттепа, Хайтободтепа, (Бақтрия), Далварзин, Чуст, Ашқолтепа (Фаргона), Куктепа, Подаяктепа (Сўғд).

Шаҳар–марказлашган давлатлар, империя сифатида. Қадимги Бақтрия, Хоразм подшоҳликларининг вужудга келиши ва бу подшоҳликларнинг Ахамонийлар империяси таркибига кириши,³

Ш. Шайдуллаев шаҳарлар ва илк давлатларнинг археологик белгиларини қуйидаги тарзда таклиф қилмоқда.

4. Аҳолининг ижтимоий табақаланишини кўрсатувчи хашаматли ва оддий уйлар, қабрлар, улардаги учрайдиган сон ва сифат кўрсаткичлари, ёдгорликларнинг функционал типларга ажралиши;

5. Илк давлат марказлари – шаҳарларнинг бўлиши –шаҳарларнинг пайдо бўлиши, шаҳар атрофида қишлоқ манзилгоҳларининг жамланиш жараёни;

6. Хунармандчиликнинг ривожланиши-хунармандчилик соҳаларининг марказлашиш жараёни. Хунармандчилик маҳсулотлари турларининг ошиши, сифат ўзгаришлари;

7.Дехқончиликнинг ривожланиши- меҳнат қуролларининг такомиллашуви. Сунъий суғориш шаҳобчаларини ва каналларини пайдо бўлиши, омборхоналарнинг бўлиши, хумлар сонининг ошиши, экинлар турлари сонининг ошиши;

8.Чорвачиликнинг ривожланиши- уй ҳайвонлари турлари суяклари сонининг ошиши;

9. Овчиликнинг ривожланиши-ёввойи ҳайвонлар турлари суяклари сонининг ошиши;

10.Ҳарбий ишларнинг такомиллашувининг белгилувчи - ҳарбий истехкомларнинг бўлиши, мудофаа деворлари, бўржлар, қуролларнинг такомиллашуви;

11. Кишиларни рухий бирлаштирувчи марказлашган дин монументал ибодатхоналар оила алтар лозимлик бўлиши. Илохий предметлар;
12. Савдо ва маданий алоқаларнинг ривожланиши –бошқа халқлар ва элатларга хос бўлган моддий маданият излари ,йулларнинг такомиллашуви;
13. Шахсий мулк ёки сиёсий бирлашма белгиси-мухр;
14. Жамиятнинг цивилизация даражасини кўрсатувчи – ибтидоий ёзувнинг бўлиши.¹

Бу белгиларнинг 4, 5, 6, 7, 8, 9 вариантлардаги мулохазалар Хоразм воҳасидаги бронза даври манзилларига боғлиқ бўлиши мумкин, бошқа вариантлардаги маълумотларни тасдиқловчи ашёларни кейинги тарихий тараққиётда кўзатиш мумкин.(мил. авв..VI аср) Археологик ашёларга караганда Хоразм воҳасида илк шаҳарлар ва давлатчилик бирлашмаси Мил. авв. VII-VI асрларда пайдо бўлган. (“Кўзаликир”, “Катта Хоразм”).

Мил. авв. VII-VI асрларда Хоразм воҳасига меъморчилик, қурилиш билимларини кириб келишини В.М.Массон Маргиёна², А.Сагдуллаев эса Маргиёна ва Бактрия билан боғлайди.³

Хоразм воҳасидан унча ўзок бўлмаган тарихий маданий марказларда хажми катта шаҳарлар мавжуд бўлиб, Авесто “Квадрат Вара” сини айнан такрорлайди.(Кўзаликир, Калаликир, Ойбуйиркаля, Ичонкаля, Бозоркаля) Авестода деворлари ички қисмида аҳоли яшайдиган “Вар”лар тасвирини олган. Бактрияда Кизилтепа, Бандихон, Согдда Мароканда, Ўзункир, Даратеп, Сангиртепа илк шаҳарлари мавжуд бўлган. Мил. авв..VII-V асрларга оид Хоразм шаҳарларининг режалаштирилиши, меъморчилиги, мухандисчилиги, қурилиш техникаси ва мудофаа тизимига қараб қуйидаги якуний хулосани қилиш мумкин:

1. Мухандисчилик нуктаи назаридан аввалдан пухта ишлаб чиқилган ҳолда режалаштирилиши (учбўрчак, тўғри бўрчак, турт томони тенг шаклда);
2. Катта хажмдаги илк шаҳарларнинг қурулишининг йулга қуйилиши (Кўзаликир, Калаликир, Бозаркаля);
3. Такомиллашган мураккаб мудофаа элементларнинг пайдо бўлиши (девор, бўрж, шинак, арк, йулак, дарвоза олди иншооти, хандак);
4. Аркнинг пайдо бўлиши (Кўзаликир, Бозоркала, Хазорасп, Хива);
5. Мудофаа иншоотлари қурилишида тўғри бўрчакли ва турт томони тенг хом ғиштнинг ишлатилиши;

¹ Шайдуллаев. Ш. курсатилагн асар. 7-8 бетлар.

² Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргиёна М-Л МИ«Наука» 1959

³ Сагдуллаев А. Маргиана и Бактрия : исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху . В.Сб. Древний Мерв Тр ЮТАКЭ т XIX

6. Ҳарбий қурооларнинг такомиллашиши (ук-ёй, ханжар, пичок, найза, қилич, ядролар.);

7. Бир қаторли мудофаа деворнинг кишлоқларда қурилиши, йулак ва аркга эга эмас (Дингилжа), йулакчи ва бўжрли девор, найза укли шинакга эга (Кушқаъла);

8. Меъморилик, муҳандисчилик, қурилиш мудофаа билимларининг ривожланиши;

9. Юқоридаги билимлар асосида Хоразмда ҳарбий ва мудофаа мактабининг мавжудлиги;

Милоддан аввалги VII-VI аср Хоразм шаҳарларнинг тўзилиши ва режалаштирилиши мудофаа тизимига қараб уч хил вариантга ажратиш мумкин. Чунончи:

1. Катта ҳажмдаги шаҳарлар 70-40 га. (Кўзаликир, Бозорқалъа)

2. Ўртача ҳажмдаги шаҳарлар 10,8-10 га (Хазорасп, Ойбугир)

3. Қишлоқ шаклидаги кичик манзиллар 1,5-0,5 га (Кушқалъа, Дингилжа)

Шундай қилиб, Хоразм воҳасининг ғарбий, жанубий ҳудудларида ҳажми катта, ўрта даражадаги илк шаҳарлар, қишлоқ шаклидаги манзиллар мавжуд бўлган . Мил. авв. I минг йиллик ўрталаридан бошлаб, аҳоли истикомат қилган олиб маконлар мураккаб мудофаа иншоотга эга бўлган. Кўзаликир, Калаликир, Чарманяп суғорилиш ҳудудининг шимолий қисмини, Хазорасп Ташсока ҳудудининг, Бозорқалъа Акчадарё хавзасининг, Хива Полвоняп суғорилиш ҳудудининг иқтисодий- маданий, диний этник маркази бўлиб, дастлабки шаҳар – давлатлар бўлган. Бу шаҳарлар меъморий-топографик ва қурилиши жиҳатидан такомиллашган мудофаа тизимга эга бўлган. Милоддан аввалги VIII-VII асрларга келиб Хоразм воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва маданий-этник ривожланишида чуқур ўзгаришлар вужудга келган. Натижада тарихий ва ҳарбий – сиёсий вазият кескинлашди. Аҳоли сонининг ошиб бориши, янги ерларнинг ўзлаштирилишига олиб келди. Натижада янги суғорма дехқончилик воҳалари вужудга келди. Жамиятда вужудга келган ижтимоий кучларнинг манфаатлари бир-бирига зид келиб қолди ва кам сонли кишиларнинг маънавий эҳтиёжи моддий эҳтиёжиданг устунлиги пайдо бўлди. Кабила сардорининг иқтисодий ва ҳукукий мавкега эга бўлиши натижасида бойликни кўпайтириш, ортикча ишлаб чиқариш кучларига эга бўлиш эҳтиёжи ошиб боради. Бу жараёни Абу Райхон Беруний «Инсон яланғочлиги ва мадорсизлиги туфайли, химоя қилувчи таянчлари бўлмаганлиги сабабли бошқалар томонидан мусибат чекарли. Унинг эҳтиёжини кондирга оладиган, талабини химоя қиладиган доимий заруриятни хис этарди. Шундай қилиб қуриб турибмизки, химоя қилиш зарурияти тагин бошқа эҳтиёжлар (овкат, кийим-кечак ва х.к)ни кондирувчи заруриятлар каби моддий омиллар инсонларни биргаликда яшашга даъват этади. Эҳтиёжлар турли-туман ва сон саноксиздир. Факат уларни бир канча кишилар биргаликда таъминлай олишлари мумкин, бунинг учун кишиларда шаҳар яратиш зарурияти тугилади»-деб, «Минерология» асарида қайд этса,¹ «Геодезия» асарида «Одам эҳтиёжининг кўплиги, тийилиши камлиги, химоя қилиш қуролига эга бўлмаганлиги ва душманнинг кўплиги туфайли, бир-

бирини химоя қилиш зарурлиги, ўзини ва бошқаларни таъмин этишга зарур бўлган бирор ишни бажариш учун ўз кариндош-уруги билан жамиятда бирлашишга мажбур бўлган»².

Хоразм воҳаси аҳолиси темир ашёсидан тайёрланган хилма-хил меҳнат қуролларини доимий равишда ишлатилиши жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва этномаданий муносабатларни тез суратлар билан ривожлантирди, бу эса ашё билан бирга ижобий ва салбий оқибатларга олиб келди.

I.Ижобий томонлари:

- А) Хилма-хил меҳнат қуролларининг хўжаликда доимий ишлатилиши.
- Б) Янги ҳудудлар ўзлаштирилиб суғориш иншоотлари қурилди, натижада янги дехқончилик воҳалари вужудга келди.
- В) Катта ва кичик ҳажмдаги шаҳарлар қурилиши амалга оширилди.
- Г) Марказлашган давлатнинг вужудга келишига замин яратди.
- Д) Жамият тўзилишида ишлаб чиқариш кучларининг тараққиётини тезлаштирди ва мавжуд ҳудудларга марказлаштирди.
- Е) Кўптармоқли ҳудудийчилик кенгайди ва янги соҳалар вужудга келди (Чиланганрлик).

II.Салбий томонлари:

- 1.Меҳнат қуролларининг хўжаликда доимий равишда кенг ишлатилиши меҳнат унумдорлигини оширди, бу эса аҳоли ўртасида мулкӣ тенгсизликни вужудга келтирди.
- 2.Қабилада иқтисодий ва ҳуқуқӣ жиҳатдан сардорлар ва ҳарбийларнинг мавқеси ошиб кетди.
- 3.Марказлашган давлатнинг ҳарбий юришлари бошланиб кетди.
- 4.Жамиятнинг ижтимоий кучлари ўртасида қарама-қаршиликларни кўчайтирди.
- 5.Чорвадор қабилаларнинг доимий равишда хужуми амалга оширилди.
- 6.Инсоният томонидан ишлаб чиқилган меҳнат қуроллари вазифасига қараб хўжалик ва ҳарбий мазмунга эга бўлди.
- 7.Ҳарбий мазмунга эга бўлган қуроллар инсониятга қарши ишлатилиши бошланди.
- 8.Ҳарбий ва стратегия билимларини вужудга келтирди.
- 9.Жамиятда ҳарбий ишлар билан шуғулланадиган алоҳида гуруҳлар пайдо бўлди.
- 10.Ўтроқ аҳолини атрофини қалин мудофаа девор билан ўраб олинган маконларни қуриш заруриятини вужудга келтирди.

I.2. Хоразм архаик ва антик давр шаҳарларининг манбаларда акс этиши ва ўрганилиши тарихи.

С.П. Толстов рахбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали ходимларининг Амударёнинг ўнг қирғоғидаги, Хоразм Маъмун Академияси, Ал-Хоразмий номли Урганч Давлат Университети ҳамкорилигидаги археология гуруҳи олимлари томонидан Хоразм вилояти ҳудудида архаик даврга оид қишлоқ ва шаҳарларда археологик тадқиқот ишларини олиб бордилар³⁸. Тадқиқотчи М.Г. Воробьёва тасдиқлашича Амударёнинг ўнг соҳилида 250, чап соҳилида 60 дан ортиқ архаик даври қишлоқ ва шаҳарлар мавжуд³⁹. Афсуски, юқорида қайд этилган қишлоқ ва шаҳарлар археологик қазилар ишлари олиб борилмаган. Айниқса бу ҳолат Амударёнинг ўнг соҳилида жойлашган ёдгорликларга тегишли бўлиб, уларни археологик жихатидан ўрганиш жараёнида кўплаб материаллар топилган. Улар Ойбугирқалъа, Бозорқалъа ва қишлоқ манзили Дингилжа бўлиб, улар археологик жихатдан етарли даражада ўрганилди ҳолос⁴⁰, аммо у ёдгорликларнинг муҳофаа иншоотлари махсус ўрганилмаган. Биз қуйида эътиборни айнан ана шу ёдгорликларни муҳофаа иншоотларининг археологик жихатдан ўрганилишга қаратишни лозим топдик.

1. Хазорасп. Хоразм воҳасининг жанубий қисмида, Бактрия, Сўғд йўлида, Урганч шаҳридан 70 км ўзоқликда паст текисликка жойлашган. Ёдгорлик квадрат шаклда (340х320м, яъни 10,8 га).

Қалъани қадимги даврда муҳофаа девори билан ўраб олинган, унинг сақланиб қолган баландлиги уртача 4-5м. Турли тарихий даврларда девор ташқи томондан таъмир қилинган. Ёдгорликнинг жанубий-шарқий томонида арки жойлашган бўлиб, маҳаллий аҳоли ўртасида у Дев-солган номи билан маълум, унинг майдони квадрат шаклда: 40х40 м. Хазорасп муҳофаа деворида маълум масофада жойлашган ярим айланали бўржлар мавжуд. Бўржларнинг сақланиб қолиши турлича, яъни шимолий деворда 7, ғарбий томонда 6, шарқий деворда 4, жанубида эса 1 бўрж сақланган. Бўржлар ўртасидаги масофа турлича, бўрж яқинидаги бўржлар ўртасидаги масофа –10 м, асосий девордаги бўржлар ўртасидаги оралик эса 55 м. Қалъанинг кириш қисми жанубий девор марказида жойлашган бўлиб, унинг кенглиги 8 м. Дарвозадан тўғри кўча ўтган бўлиб, унинг чап томонида масжид жойлашган. Ёдгорликни қадимда тўрт тамонидан сув ўраб олинган, бу ҳозирги вақтда шарқий тамонда сақланиб қолган. Ёдгорликнинг қурилиши ва ундаги маданий қатламларни ўрганиш ишлари дастлаб Я.Ғ.Ғуломов томонидан олиб борилди. У ёдгорликни кўздан кечириб, унинг қурилиш

³⁸ Толстов 1948А, 1948Б, 1962.

³⁹ Воробьёва 1979, 40 бет.

⁴⁰ Мамбетуллаев 1990, Воробьёва 1973

даврини мил. авв. V-IV асрларга оид деган хулосага келди⁴¹. 1958-1960 йилларда археологлар М.Г.Воробьева, М.Ю.Лапиров-Скобло, Е.Е.Неразиклар Хазораспни бир неча жойида археологик изланишлар олиб бордилар ва кулга киритилган археологик материаллар матласига асосланиб уни мил. авв. IV асрга оид деган хулосага келдилар⁴². Афсуски, Хазораспда аввал олиб борилган археологик тадқиқотлар унинг энг қадимги катламларигача олиб борилмаган. Шу сабабдан бўлса керак, шаҳарнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши тарихи масаласи бир неча ўн йилликлар давомида ўрганилмасдан, айти пайтда мунозарали бўлиб келмокда.

1997-1998 йилларда Хоразм Маъмун академияси Урганч Давлат Университетининг археология гурухи олимлари томонидан изланишлар олиб борилди, аммо унинг қуйи катламгача яна этиб борилмади. Хазораспнинг қадимий катламларини ўрганишга қаратилган изланишлар Хоразм Маъмун Академияси, Я.Ғ.Ғуломов номидаги археология институтининг бирлашган археологик гурихи томонидан 2002 йилда давом эттирилди. Қазималар вақтида Хазораспнинг, шимолий девори марказида ва шимолий-ғарбий бўрчагининг ички қисмида пахсадан тикланган қадимий девор топилди. Девор ўз навбатида тўртбўрчакли бўржи ёки пилястр бўлиб, унинг марказида найза ўқи учли шинак жойлашган, кенглиги 18 см, баландлиги 40 см. Шинакнинг ички қисми девори сомон лой билан сувалган. Хазораспнинг шимолий ва шимоли-ғарбий қисмида қазим пайтида олинган сапол буюмлар қурилиш тарихини мил. авв. VI-V аср билан аниқлаш имконини берди.

2. Қўзалиқир. Амударёнинг чап соҳилида Сариқамиш хавзаси Чарманёп суғорилиш тизими зонасида Тошховўз шаҳридан 85 км ўзқликда жойлашган. Қалъа қир устуда учбўрчак шаклида қурилган бўлиб, унинг умумий майдони 40 га⁴³. Ёдгорлик икки қисмдан иборат бўлиб, биринчиси қирнинг жанубий-ғарбий қисмида қад қўтарган, шаҳристон ва арқдан иборат. Иккинчиси эса биринчи объектдан пастрокда жойлашган. Археологик қазималар натижасида ёдгорликда икки қурилиш даври мавжудлиги аниқланган. I қурилиш даврида йўлакка эга бўлган, тўрт қаторли девор пахсадан тикланган, ярим айланали бўржларга эга, улар ўртасидаги масофа 36м. Девор йўлагиди уй, хоналари, ўчоқлар, ибодатхоналар жойлашган.

II қурилиш даврида пахса деворга хом ғиштли девор ёпиштирилиб қурилган. Бўржи девор хом ғиштан қурилган (52x26x10см). иккинчи босқичли йўлак майдонида ўзгариш юз бермайд. Девор ва бўржда найза ўқи уч шинаклар шахмат услубида жойлашган⁴⁴.

Шаҳарнинг ички қисми археологик жиҳатдан тўла ўрганилган эмас, шунинг учун ҳам унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи тўғрисида

⁴¹ (Ғуломов 1959).

⁴² (Воробьева, Лапиров-Скобло, Неразик 1963. 157-180 бетлар).

⁴³ Толстов 1948 а, 1948 б.

⁴⁴ Толстов 1962. 69-109 бетлар

турли фикрлар мавжуд бўлиб, илмий мунозарали ҳолда қолиб кетмокда.

3. Бозоркала – Қорақалпоғистон республикаси Тўрткўл тумани худудида, текисликда деярли квадрат шаклда (600x560м) қурилган унинг умумий майдони 33га. Девор пастки қисмида 8.5-9м. Девор икки қаторли бўлиб, улар ўртасида йўлак-каридор, ҳосил бўлган. Ташки девор найза ўқи учли шинакка эга. Девор унинг бўрчагида ярим айланали бўрж жойлашган бўлиб, улар ўртасидаги масофа 30-50 м, кенглиги 5,5м девордан ён ўсиб чиқиши 6,5 м. қалъа дарвозаси шимолий девор ўртасида жойлашган, кенглиги-5 м, икки ён томонида ярим айланали бўржлар мавжуд. Арк ёдгорликнинг шимолий-шарқий бўрчагида жойлашган, квадрат шаклида. (120x120 м) Унинг майдони 1,4 га тенг. Арк икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, ярим айлана бўржага эга. Аркнинг кириш қисми бир неча йўлакли, тўғри бўрчакли “Лабиринт”га эга, ҳажми 22x17 м. Лабиринт ўз навбатида кенглиги 2,1 м йўлакга эга. Унинг шимолий-ғарбий бўрчагида икки томонга йўналган “Қалдирғоч дум”ли бўржлар мавжуд. Арк деворининг сақланиб қолган қисми 9-10 м. Девор найза ўқи учли шинакларга эга, улар ўртасидаги оралик 1,6-2 м. Девор ва бўрж қурилишида 42x47x10-12 см хом ғишт ишлатилган. Шаҳарда ҳаёт мил. авв. VI-V асрдан то милoddан I асригача давом этган⁴⁵.

4. Калалиқир – Амударёнинг сўл соҳилида, Амударёнинг қадимги ирмоғи Даудон суғориш тизимида жойлашган. Ёдгорлик тўртбўрчак шаклда режалаштирилган 70 га майдонга эга. Қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган, йўлакга эга. Шаҳарнинг тўртга дарвозаси бор, лабиринтга эга дарвозадан ён томонга ўсиб чиқиши 18 м. Қалъа деворида маълум масофада жойлашган тўғри бўрчакли бўржлар жойлашган⁴⁶. 1952-1956 йилларда Ю.А.Рапопорт, М.С.Лапиров-Скобло Калалиқирда археологик ишлари олиб борди, натижада шаҳар деворида 3 та қурилиш даври мавжудлиги аниқланди.

I қурилиш даврида икки қаторли девор пахсадан тикланган, баландлиги 1,1-1,3 м, улар ўртасидаги кенглик 2,5 м. Дарвоза олди мураккаб иншоат девори ҳам пахсадан қурилган.

II қурилиш даври-пахса девор устига хом ғиштли девор қурилган, ғиштининг ҳажми 40x40x10 см. Бу қурилиш даврида йўлак ҳажмида ўзгариш сезилмайди, дарвоза олди мураккаб иншоат деворида ҳам хом ғишт ишлатилган.

III қурилиш даврида ғишт девор устига пахса девор қурилган, деворнинг умумий баландлиги 7 м, каллиниги 5 м. Шаҳарнинг қурилиши мил. авв. VI асрга оид эканлиги аниқланган⁴⁷.

⁴⁵ Толстов 1948, Ворабьева 1978, Варабьева 1979, Гертман 1980.

⁴⁶ Толстов 1948

⁴⁷ (Рапопорт, Лапиров-Скобло 1963, 141-156 бетлар).

5. Катта Ойбугур қалъа. Шуманайдан 41 км шимоли-ғарбда жойлашган. Маҳаллий аҳоли ўртасида Жампикқалъа номи билан маълум. Ёдгорлик биринчи марта Хоразм археология – этнография экспедицияси ходимлари томонидан 1946 йилда топилиб, унинг умумий кўриниши расмга туширилган, режаси чизилган, лекин археологик қазил ишлари олиб борилмаган⁴⁸. 1956 йилда ёдгорлик янгидан кўздан кечирилди, олинган археологик материалларга қараб уни ёши мил. авв. IV, эр-нг I асри билан белгиланди. Ёдгорликнинг юқори маданий катлами X-XIII асрларга оид деган хулосага келинди⁴⁹. 1964-66 йилларда Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон филиалининг Устюрт гуруҳи ёдгорликда текшириш ишларини олиб борди, натижада мил. авв. IV эр-нг IV асрларига оид эканлигини аниқлади⁵⁰. Ёдгорлик тўғри бўрчакка яқин шаклда қурилган бўлиб, шарқдан ғарбга қараб чўзилган. Қалъанинг умумий майдони 10 га. Ёдгорлик қадимда мудофаа девор билан ўраб олинди, девор ёдгорликнинг 3 томонида сақланиб қолган. Шарқий девор ўзунлиги 120 м, шимол қисмидаги девор 412 м, ғарбий девор эса 260 м. Шарқий ва ғарбий деворнинг пастки қисмида пахса девор мавжуд бўлиб унинг баландлиги 6, 1 м. Шимолий ва ғарбий томондаги деворда айлана шаклда бўрж жойлашган бўлиб, деворда ён томонга ўсиб чиқиши 5-6 м. Бўржлар ўртасидаги масофа 48-53 м. Ёдгорликнинг ғарбий девор ўртасида дарвоза жойлашган бўлиб, дарвоза олди мураккаб лабиринт билан мустахкамланган. Ёдгорликдан мудофаа девори тўзилишини ўрганиш 6,5 м майдонда ишлари олиб борилган. Бизгача сақланган девор баландлиги 1 м, ташки девордан 3,92 м ўзқликда кўшимча девор қурилган. Унинг баландлиги 1,2 м, кенлиги 1 м. Девор тош плитадан ва хом ғиштдан тикланган. (40х42х9х3 см). Мудофаа девор ва кўшимча девор ўртасида қум тўпроқлар билан тўлдирилган. Бундай тадқиқот ишлари ғарбий, шимол томондаги деворларда олиб борилди, натижада бир-бирини такрорлайдиган девор ва кўшимча девор ўрганилди. Ёдгорликнинг мудофаа деворининг пастки қисми пахсадан тикланган. Ёдгорликда олиб борилган археологик қазил ишлари натижасида олинган материалларга қараб ёдгорликнинг мудофаа девор қурилиши III даврдан иборат эканлиги аниқланди.

I қурилиш даврида мудофаа девори пахсадан қурилган.

II қурилиш даврида пахса деворга хом ғиштдан кўшимча ташки девор қурилган, натижада унинг каллиниги 7,5 м ни ташқил этади.

III қурилиш даврида қалъа мудофаа девори пахса девор билан қопланади, ярим айлана бўржлар шаклланди. Ёдгорликнинг вужудга келиши мил. авв. V аср, унинг охириги ривожланиш босқичи эса эр-нг XI асрга оид⁵¹.

⁴⁸(Вактурская, Варобьева 1952, 630 бет)

⁴⁹(Толстов 1958, 77-78 бетлар).

⁵⁰(Бижанов 1967, 5-9 бетлар).

⁵¹(Мамбетуллаев, Маньков, Юсупов 1977, 533 бет, Мамбетуллаев 1950, 91-120 бетлар, Мамбетуллаев 1994, 13-14 бетлар, Хўжаниёзов 1996, 5 бет).

Хива- Урганч шаҳридан 25 км ўзоқликда Қорақум чегарасида, Полвонёп каналининг охириги қисмида паст текисликда жойлашган. Хива (Ичан қалъа) қадимда тўғри тўртбўрчак шаклда қурилган, унинг майдони 650x450 м, яъни 26 га. Қалъа қадимда икки қаторни девор билан ўраб олинган. Девор ўз навбатида ярим бўржларга эга. Ғарбий девор марказида арк жойлашган, унинг майдони 170x120 м, яъни 2 га. бўлиб, алоҳида кириш дарвозасига эга. Ичанқалъа ва арк деворининг сақланиб қолган баландлиги 8-10 м, калинлиги 10 м. 1985 йилдан М.Мамбетуллаев раҳбарлигидаги археологик гуруҳ шаҳарнинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини ўрганиш мақсадида археологик қазилар ишларини олиб борди, натижада етти қурилиш даври мавжудлиги аниқланди.

I қурилиш даври архаик даврга оид бўлиб, қалъа паҳса девор билан ўраб олинган. Бизгача сақланган баландлиги 0,85 м, девор ўртасида йўлак ўтган, унинг кенлиги 2 м. Бу қурилиш даврида ташки деворга ён томондан 4-6,5 м ўзоқликда кўшимча девор қурилган, калинлиги 1,5 м атрофидан хандак ўтган⁵². Бу тарихий даврнинг энг муҳим характерли хусусиятлардан бири шаҳарларга хос бўлган ишлаб чиқариш объектлари қишлоқларда ҳам пайдо бўлади. Шундай қишлоқ типидagi манзиллардан бири Дингильжадир.

7. Дингильжа. Ёдгорлик тархи тўғри тўрт бўрчак шаклда, майдони 60,9x48 м (тах.3 га). Қадимда қалинлиги 2-2,4 метрли бир қатор девор билан ўраб олинган. Қалъага кириш унинг жанубий деворида жойлашган. Ёдгорлик 1953 йилда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан топилиб, 1956, 1959-1960 йилларда ўрганилган⁵³. Археологик тадқиқотлар натижасида, олинган комплекс материалларга кўра манзил мил. авв. V асрга оид эанлиги аниқланди. Лекин ёдгорликнинг муҳофаа тизими илмий-асосда таҳлил қилинмаган. Дингильжа муҳофаа деворининг қурилиши ва унинг паҳса ва тўғри бўрчакли тўрт томони ҳам ғиштдан тикланган. У архаик даврга оид жанубий Хоразм худудида яхши ўрганилган қишлоқ манзилдир.

8. Кўшқалъа. Амударёнинг чап соҳилига жойлашган. Кабакли ёдгорлиги антик даврга оид. 1974 йилда В.Н.Пилипко раҳбарлигидаги археологик гуруҳ ёдгорликда археологик қазилар ишларини олиб борди. Ёдгорлик тўртбўрчак шаклда, тўрт томони муҳофаа девор билан ўраб олинган бўлиб, тўғри бўрчакли бўржга эга. Девор бўйлаб йўлак ўтган. Девор ва бўрж тўрт томони тенг хом ғиштдан тикланиб, камон ўқи шинаклар билан кучайтирилган.

Ёдгорликни археологик ашёларга асосланиб мил. авв. VI-V асрлар билан белгиланган

9.Одойтепа- Кўшқалъа-1 дан 90 км жанубий-шарқий ва 30 км Чоржўй шаҳридан шимолий-ғарбий томонида жойлашиб, икки қаторли муҳофаа девор билан ўраб олинган.Девор ўз навбатида ярим айлана,бўржлар билан

⁵²(Мамбетуллаев 1994, 7-8 бетлар, Хўжаниёзов 1996, 7 бет).

⁵³(Варобьева 1973).

кучайтирилиб унинг қолдиқлари сақланиб қолган. Ёдгорликнинг қурилиши мил. ав. VI-V асрларга оидлиги аниқланган⁵⁴.

10. Қангқақалъа-1. Сарикамиш хавзаси тизимида жойлашиб, тархи тўғрибўрчак шаклда, қадимда муҳофаа девор билан ўраб олинган. Мил. ав. V асрга оидлиги тўғрисида хулоса қилинган.

11. Қангқақалъа-2 Қангқақалъа-1 яқинида жойлашган, тархи тўртбўрчак шаклда, қадимда муҳофаа девор билан ўраб олинган. Мил. ав. V асрга оидлиги белгиланган. Иккала ёдгорликда археологик тадқиқотлар олиб борилмаган.³

Шундай қилиб, мил. авв. I минг йиллик ўрталарига оид ёдгорликларда қисман бўлса ҳам археологик қазилма ишлари олиб борилиши, жараёнида айниқса уларнинг муҳофаа иншоотларининг ўрганилиши натижасида бой фактик материаллар тўпланган. Бу эса ўз навбатида археик давр жамиятининг ижтимоий- иқтисодий, этно-маданий ривожланиши ҳақида оригинал материаллар беради.

Хоразм воҳасида кенг миқёсда олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида тўпланган ва Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги даврда археологик гуруҳлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида мил. авв. I минг йиллик ўрталарига оид ноёб материаллар тўпландики, улар ўша давр жамиятининг ижтимоий – иқтисодий ва маданий ривожланиш жараёни, тарихий-сиёсий ҳарбий вазиятни, тарихий жараёнлар оқибатида вужудга келган муҳофаа иншоотлари тарихини ўрганишда муҳим манбалар ҳисобланади.

XX асрнинг 30 йиллари ўрталарига қадар Хоразм воҳасида антик даврга оид тарихий обидаларда археологик қазилма ишлари олиб борилмасдан асосан ёдгорликларнинг ўрта аср маданий қатламлари ўрганилган ҳолос. (Миздахқан, Замахшар, Кухна Урганч). Хоразм воҳаси ҳудудидаги археологик обидаларни илмий жиҳатдан рўйхатга олиш, уларни меморий – топографик тўзилиши ва режалаштирилишини тасвирлаб Хоразм археология харитасига жойлаштириш ишини А. И. Тереножкин бошлаб берди. 1937 йил А.И. Тереножкин Амударёнинг ўнг соҳилида Беруний ва Тўртқўл туманлари ҳудудида археологик қидирув ишларини Ёнбошқалъа, Пилқалъа, Қизилқалъаларнинг антик даврга оид эканлигини аниқлаб Тешикқалъа, Норинжон ва Бўргутқалъада олиб бориб, ўрта асрга оид маданий қатламларни ўрганди¹. 1937-1940 йиларда С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм археология ва этнография экспедиция ходимларининг Хоразм воҳасидаги тарихий обидаларни рўйхатга олиш ва уларда археологик тадқиқотлар олиб бориши натижасида 400 дан зиёд археологик ёдгорликлар рўйхатга олинди, археологик харитага жойлаштирилди. Афсуски, Шўролар ҳокимиятининг пахтачиликни ривожлантириш соҳасидаги сиёсати

⁵⁴ Пилипко.

³ Толстов С.П. Древни Хорезм М, Наука 1908 с 112-113.

¹ Тереножкин А.И. Археологические разведени в Хорезми . В.Д.И №4 М. Наука 1940.

натижасида янги ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида бу эса кўп сонли тарихий обидаларнинг йўқ қилинишига олиб келди. Хоразм воҳасида антик давр шаҳар ва қишлоқларида олб борилган археологик қазилмалар натижасида тўпланган ва олинган янги ашёларнинг асосида қишлоқ ва шаҳарларнинг муҳофаа иншоотларини ўрганилиш тарихини археологик ашёлар асосида кўриб чиқамиз. Амударёнинг ўнг соҳили ҳудудида антик даврга оид ёдгорликлар:

1. Ёнбошқалъа (Жонбосқалъа) – Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманидаги Ёнбошқалъа фермер хўжалиги ҳудудида Султон Увайс тоғининг шарқий этагида Ақчадарё ўзанидаги қияликда қурилган.

Ёдгорлик 1939 йилда С.П. Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология - этнография экспедицияси ходимлари тамонидан топилиб 1940, 1946 йилларда қазил ишлари олиб борилган. Ёдгорликнинг режалаштирилиши тўғрибўрчак шаклда 200 x 170 м, яъни 3,4 га қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, улар ўртасидаги йулак кенглиги 2,80 м. Ташқи девор қалинлиги 1,20 м, ички девор эса 1 м, умумий девор қалинлиги 5 м баландлиги 5 – 10 м. Муҳофаа деворининг пастки қисми пахсадан тикланган бўлиб, ундаги йулакнинг юқори қисми қисми свод шаклида ёпилган, Пахса девор пойдеворга қурилган, қўшимча девор-протехийзма мавжуд эмас, бу деворнинг баландлиги 1,6 м. Деворда шинаклар мавжуд эмас, пахса девор устига ғиштдан девор қурилган, очиқ ҳолатда йўлак мавжуд. Деворда икки қаторли шахмат услубда камон ўқи учли шинаклар жойлашган. Шинаклар йўналиши ён томонга эгри ҳолда, девор бўрчаклари уч шинак бўлиб ён ва тўғри йўналган. Шинаклар ўртасидаги оралик майдони 1,20 м, ички томонда кенглик 18-20 см, ташқи томонда эса 0,75 м, ички қисми самон лой билан шувалган. Шинакларнинг пастки қисми трапеция шаклида, ташқари томони эса 0,75 м. Пахса девордан кейинги қурилган девор тўғри томонли ғиштлар шахмат услубида қуйилган 40-40-10 см, улар ён ва пастки қисмларида 0,3-0,5 см лой қатлами мавжуд, ғиштларда айлана, ярим айлана, икки ёнма-ён йўналган тўғри чизиқ ва турли белгиларга эга бўлган тамғалар учрайди. Шимолий девор марказида ягона дарвоза жойлашган бўлиб, бир неча айланма дахлизга эга бўлган “Лабиринт” билан мустаҳкамланган. Иншоат тўғрибўрчак шаклга, ўзунлиги 52 м, кенглиги 20 м, кириш қисми 3,5 м девордан ён томонга ўсиб чиқиши 18 м лабиринт девори йўлакга эга, девор баландлиги қалъа девори баландлиги қалъа девори билан тенг, умумий майдони 0,1 га. Лабиринт девори ҳам маълум масофада жойлашган камон ўқи учли шинакларга эга. Қалъа девори бўржларга эга эмас, лекин кўп сонли шинаклар мавжуд. Девор ва девор бўрчакларидаги шинаклар бўрж вазифасини бажарган. Дарвозадан тўғри томонга кенглиги 30 м утган бўлиб, ички қисмини икки маҳаллага ажратган, ҳар бир маҳалла 200 та яқин турли ҳажмдаги уй хоналари жойлашган. Ёдгорлик ибодатхонага эга, лекин арк мавжуд эмас. Археологик ашёлар асосида ёдгорлик мил. ав. IV асрда қурилган бўлиб, милoddан IV асригача маданий ҳаёт бўлган.

II. Қўйқирилган қалъа – Тўрткўл шаҳридан 12 км шимоли шарқда жойлашган. Режалаштирилиши айлана шаклда, девор билан ўраб олинган,

умумий ҳажми – 86,5 м 0,6 га . Ёдгорликнинг марказий қисмида 2 қаватли иншоат қурилган, айлана ҳолда, 44.4 м, иншоатдан 14,5 м ўзоқликда икки қаторли мудофаа девор қурилган. Девор ўз навбатида тўққизта бўржга эга, кириш қисми шарқий деворда жойлашган. Дарвоза бир неча айланма йўлакларга эга бўлиб, “Лабиринт”га эга тўғрибўрчак шаклда ён томонга ўсиб чиқиши 18 м, икки ён томони ярим айланали бўрж билан кучайтирилган умумий ҳажми 0,3 га. Қалъа хандак билан ўраб олинб, кенглиги 15 м, чуқурлиги 3 м. Марказий иншоатнинг биринчи қавати 8 хонадан иборат бўлиб, унинг баландлиги 8,5 м. Ташқи девор аввал пахсадан, кейин тўрт томони тенг хом ғиштдан тикланган, қалинлиги 7,2 м. Уй хоналарини ажратган девор 0,6 – 1,9 м пахса кейин хом ғиштдан қурилган. Уй хоналари баландлиги 3,6 м. Иккинчи қават ёпиқ йўлак орқали давом этиб, деворлари найза ўқи шинакларга эга. Шарқий томондан пандус орқали марказий иншоатга қирилган бўлиб иккинчи қаватда жойлашган. Бўржлар ён томонга эмас, балки иншоат деворидан бирмунча юқорига ўсиб чиққан. Дарвоза ташқи деворнинг шарқий томонида жойлашган. Ёдгорлик С.П. Толстов раҳбарлигида Хоразм экспедицияси ходимлари томонидан топилиб, 1951 – 1957 йилларда қазилар ишлари олиб борилди ва олинган ашёларга қараб, биринчи қават мил. авв IV асрларга оидлиги аниқланган. Девор яқинидан кенглиги 10 метр келадиган хандак утган. Ёдгорликда маданий ҳаёт милодий IV асрда барҳам топган.⁵⁵

III. Бозорқалъа – Мил. авв IV асрда маданий ҳаёт давом этиб, архаик даврдаги тарҳи сакланиб қолган бўлиб, умумий майдони 600-550 м, яъни 33,6 га. Антик даврда пахса девор устига хом ғиштдан қурилган бўлиб улар ўртасидан кенглиги 2,30 йулак утган. Девор ярим айланали бўржларга эга, улар ўртасидаги масофа 30-50 м, кенглиги 5,5 м, ўзунлиги 6,5 м бўлган (жами 37). Шаҳар дарвозаси шимолий қисмидаги девор марказида жойлашган, лабиринтга эга эмас, лекин икки ён томондан айланали бўржлар билан мустаҳкамланган. Шимоли-шарқий бўрчагида арк- аъло жойлашган бўлиб, тўғрибўрчак ҳолда унинг ҳажми 120-120 м, девор баландлиги 4 м, пастки қисми қалинлиги 8,5- 9 м. Арк дарвозаси ғарбий девор ўртасида бўлиб , мураккаб иншоот билан мустаҳкамланган (22-17 м). Мураккаб иншоат ярим айланали бўржлар билан мустаҳкамланган. Девор ва бўржлар найза ўқи учли шинаклар билан кучайтирилган бўлиб, улар ўртасидаги масофа 1,6-2 м, уларнинг ташқи томондаги ҳажми 1,2 ички томонда эса 0,60 см. Бозорқалъа тарихи икки қурилиш давридан иборат бўлган. Мил. авв VI милодий IV асргача шаҳарда маданий ҳаёт давом этган.

IV. Гульдурсин – Қирққиз канали суғориш тизимида жойлашган бўлиб, режалаштирилиши нотўғри тўртбўрчак шаклда текисликка қурилган, умумий майдон 620-500 м яъни 31 га. Ёдгорлик икки қатор мулофа девор билан ўраб олинб, аввал пахсадан, кейинчалик тўрт томони тенг хом ғиштдан қурилган.

⁵⁵ Кой- қрилган кала. М.Наука, 1967.

Шаҳарда арк-аъло сезилмайди, ички тўзилишида жамоат бинолари қолидиклари тепалик сифатида мавжуд эмас. Дарвоза жануби- шарқий қисмидаги девор ўртасида жойлашган, мураккаб иншоот билан мустаҳкамланган. Девор ўртасидан 2,10 м йўлак ўтган. Милодий I-II асрларда ташқи девор яқинидан қўшимча девор қурилган. Деворда ярим айлана бўржлар бўлиб улар ўртасидаги масофа 55 м. Ёдгорлик милоддан аввалги IV асрда қурилган бўлиб милодий IV-V асргача ҳаёт давом этган.

V.Тўпроққалъа (Элликқалъа) – тўғрибўрчак шаклда 500-350 м, қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган, баландлиги 2-8 м.Девор бўрчакларида тўрт томонида тенг ва девор бўйлаб тўғрибўрчакли бўржлар кучайтирилган ва бўржлар дастлаб пахсадан кейинчалик, очиқ йўлакли девор билан хом ғиштдан тикланган. Юқори қаватдаги деворда найза ўқи учли шинаклар мавжуд. Жанубий девор ўртасида дарвоза жойлашган. Мураккаб иншоот билан кучайтирилган. Шимоли-ғарбий бўрчакда арк жойлашган, пахса блоклари билан қурилган, баландлиги 14 м. Дарвозадан тўғрига кенглиги 9 метрли кўча ўтган бўлиб, шаҳар ички қисмини икки маҳаллага ажратган. Шимолий-ғарбий томондаги бўрчакни сарой эгаллаб олган, ҳажми 80-80 м. Ёдгорлик мил. авв.в IV-асрда қурилган бўлиб, милоддан VII-VIII асрларида барҳам топган.

VI.Пилқалъа (Филқалъа) - Беруний-Нукус йўлидан 1,5 км ўзокликда жойлашган . VIII асрда Хоразмга келган араб тарихчиси Таборий шаҳарни кайд этган. Ёдгорлик тўғрисидаги дастлабки маълумотлар А.И.Тереношкин тадқиқотларидан маълум. С.П.Толстов фикрича Пилқалъа милоддан II-III асрларида қурилган. Қалъанинг режалаштирилиши тўрт томони тенг бўлиб 220-220 м. Қалъа қадимда мудофаа икки қаторли девор билан ўраб олиниб, хом ғиштдан тикланган(40х40х10 см). Ташқи девор айлана бўржларга эга. Деворнинг пастки қисми пахсадан тикланган бўлиб қалинлиги 6 м, баландлиги 2 м. Филқалъанинг қурилиши Аёзқалъа I меъморий топографик-қурилишига ўхшайди. Мудофаа девори бўрчагида бўржлар “қалдирғоч думини ҳосил қилган”. Ёдгорликнинг атрофини сувга тўлган кўл ўраб олган. Қалъа ягона дарвозага эга бўлиб, ташқи деворда жойлашган. Ёдгорлик мил. авв. IV асрга оидлиги аниқланган.

VII.Қўрғошинқалъа –Ёдгорликнинг тархи тўғрибўрчак шаклда қурилган (132- 89,2 м), қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган. Мудофаа деворининг сақланиб қолган баландлиги 14-16 м. Ташқи девор қалинлиги 2,35 м,ички деворники эса 2,05- 2,20 м. Мудофаа девор ўртасидаги йўлак кенглиги2,35 м. Ташқи ва ички деворнинг пастки қисми пахсадан қурилган бўлиб унинг баландлиги 1,52 м, ундан кейин хом ғиштдан девор тикланган. (40-41 х 10-11 см.) Мудофаа деворда икки хил ярим айлана ва тўғри бўрчакли бўржлар мавжуд. Бўржлар ўртасидаги масофаа ҳажми турлича, яъни шимоли-шарқ томондаги девордаги бўржлар ўртасида 27-37 м., жануби-шарқ томондаги девор бўржлари ўртасидаги майдон 6-31 м, девордан ён ўсиб чиқиши 7,6-8 м, кенглиги 6,8-8,4 м. Мудофаа девор бўржларида найза ўқи учли шинаклар жойлашган. Шинаклар ўртасидаги майдон 1,9 м кенглиги

0,24 см. Ёдгорликнинг кириш қисмидаги бўржлар айлана шаклида қурилган. Ёдорлик мил. ав. IV-милодий II аср билан белгиланган.

VIII.Аёзқалъа-3-режаси туртбўрчак шаклида 250-х180 м, яъни 4,5 га икки қаторли девор билан ўраб олинган йулак кенглиги –3м. ўз навбатида ярим айланали бўржларга, кенглиги 7.5 м. Девор баландлиги 4-6 м,бўржлар хажми 7-8 м, 6-8 м, 9,5-8 м. Бўржлар ўртасидаги масофа 22-25 м. Девор ва бўржларининг пастки қисми пахсадан тикланган.(блоклардан) 64х65 см,90х70 см,70 60х80 см кейинчалик девор ва бўржлар хом ғиштдан тикланган (38х42х10 см). Дарвоза жанубий қисмида жойлашган бўлиб, мураккаб иншоот билан кучайтирилган,унинг баландлиги 5 м.Ёдгорлик милдий I-IV асрлари билан белгиланган. (Неразик 1976)

IX.Тукқалъа-Нукус шаҳрида 14 км шимолий-ғарбий томондаги Тактау тепалигида жойлашган. Ёдгорлик икки қисмдан иборат бўлиб,умумий майдони 8 га. Ёдгорликнинг сақланиб қолган баландлиги 11 м. 1946 йилда С.П.Толстов томонидан текширилган 1952 йилда Ю.А.Рапопорт ,С.А.Трудовская раҳбарлигидаги археологик гуруҳ 1959-1962 йилларда В.Н.Ягодин ,А.В.Гудкова раҳбарлигидаги археологик гуруҳлар Тўққалъада археологик қазилар ишларини олиб борди, натижада мил.ав IV асрга оид ашёлар олинган. Ёдгорликнинг режалаштирилиши туртбўрчак шаклида 110х78 м. Қадимда девор 2,8-3,2 метр йулакли девор билан ўраб олинган бўлиб,ташки девор каллиниги 1,5 м.,ички девор–1м. Ташки девор ярим айланали бўржлар билан кучайтирилган, улар ўртасидаги масофа–28м. Бўржлар девордан ён томонга ўсиб чиқиши-7 м. Унинг ички қисмида хона мавжуд бўлиб, унинг хажми 3х5,5м. Девор бўрчакларидаги бўржлар шинакларга эга бўлиб, ён томонига йуналган , “ Калдирғоч думи “ шаклини эслатади. Девор ва бўржлар аввал пахсадан кейинчалик турт томони тенг хом ғиштдан қурилган. (40х40х10см) Ёдгорлик мил.ав IV асрда қурилган. (Гудкова 1967)

X.Бўргутқалъа-Элликқалъа туманидаги Киркизобод хўжалик ҳудудида жойлашган. Режалаштирилиши туртбўрчак шаклида бўлиб, 200-150м Қадимда девор билан ўраб олинган Деворда мавжуд бўлган бўржларнинг сақланиб қолиши турличадир. Девор ва бўржлар мавжуд. Шимолий-ғарбида қадимги девор катлами ўрганилди. Туртбўрчакли пахсадан қурилган бўрж архаик даврда қурилгани аниқланди. Қурилиши эса мил.ав I асрга оид эканлиги аниқланд.

11.Уйқалъа-Элликқалъа ҳудудидаги Киркиз фермер хўжалиги ҳудудида жойлашган. Ёдгорлик туртбўрчакли шаклда бўлиб мудофаа деворининг ҳар бир томонида 3 тадан бўржлар жойлашган. Қалъа дарвозаси мураккаб иншоот билан мустаҳкамланган. Қалъа атрофида мил. ав. IV асрга оид материаллар топилган. Ёдгорликда кушанлар ва илк ўрта асрларда маданий ҳаёт бўлган.

12.Қумбосганқалъа-Элликқалъа тумани ҳудудида Гулдурсун-Киркиз суғориш иншооти тизимида жойлашган. Турт томони тенг бўлиб, 110х115м . Ёдгорлик икки қаторли девор билан ўраб олинган,унинг баландлиги 10м, пастки қисмининг кенглиги 10м , деворнинг ҳар томонида 5 тадан иборат

тўғри бўрчакли икки каватли бўржлар мавжуд. Мудофаа девори ва бўржларнинг пастки қисми пахсадан, юкори қисми эса хом ғиштдан тикланган(37х37х9м). Девор бўржининг юкори қисмидаги кенглиги 12-15 см, баландлиги 60 см бўлган шинаклар жойлашган. Дарвоза икки томони бўржлар билан кучайтирилган. Бўржлар ўртасидаги оралик майдони 27м. Ёдгорликнинг қурилиши мил.ав IV асрда амалга оширилиб, милoddан II-III асрларида ҳаёт раvнақ топган.

13.Кизилқалъа –Беруний шаҳридан 27 км шимолда жойлашган. Ёдгорлик 1950 йилда С.П.Толстов раҳбарлигидаги Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан топилиб, дастлабки материаллар асосида милoddан I-IV, VI-VIII ва XII-XIII асрларига оид эканлиги кайд этилди. Я.Я.Ғуломов шу ҳудудниг қадимги суғорилиш тармоқларини ўрганиш жараёнида бу ёдголикни илк кушон даврига оид эканлигини кайд қилинган. Ғ.Хужаниёзов 1981-1982 йилларда Кизилкалада археологик тадқиқотларни олиб бориб,униг тархи турт томони тенг яъни 65х63м. Мудофаа девори яхши сақланган бўлиб, униг баландлиги 13-16м. Девор яқинидан хандак утган. Мудофаа девор ва бўрж даставвал пахсадан, кейин эса хом ғиштдан қурилган(39х40-41, 39х40-13см) Девор йулакка эга бўлиб, униг кенглиги 1-1,6м. Ташки девор калинлиги 1,6-1,9м, ички деворники эса 1,1-1,6м. Ташки деворда найза уки учли шинаклар мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги масофа 1,6-2м. Шинакларнинг кенглиги 0,18-0,20см, ички томондаги ўзунлиги 0,80-0,90см, ташки томони эса 1,20-1,30см (Хужаниёзов 1986)

14.Гаурқалъа –Султон Увайс тоғи тизмасида жойлашган. Ёдгорлик Хоразм археология-этнография экспедицияси томонидан топилган ва археологик харитага киритилган. 1952-1956 йилларда Ю.А.Раппопорт Трудновскаялар Гаурқалъада археологик қазиш ишларини олиб борди. Ёдгорликнинг мудофаа тизими махсус ўрганилган эмас. Ёдгорликнинг вужудга келиши милодий II асри билан белгиланган. (Раппопорт, Трудновская 1958)

15.Каттакирккизқалъа –Элликқалъа туманидаги Бухан- Мерей фермер хужалиги ҳудудида жойлашган. Униг режалаштирилиши тўғрибўрчак бўлиб, 250х215м(15 га). Қадимда икки қаторли мудофаа девори билан ўраб олинган. Ташки девор калинлиги эса 1,60м, ички девор калинлиги 1,20 м.Девор ўртасидаги йулак кенглиги 2,8-3м.Девор ўз навбатида тугрибўрчакли бўржларга эга.улар уртасидаги мудофаа майдони 25 м,кенглиги 10 м,девордан ён томонга ушиб чиқиши 8 м,бўрчаклардаги бўржларнинг 10 м.Девор ва бўржлар пахсадан,кейин хом ғиштдан қурилган.Девор ва бўржларда шахмат услубда шинаклар жойлашиб улар уртасидаги оралик 1,85-1,95 м. Шаҳарнинг вужудга келиши ва унда ҳаётнинг мавжуд келиши мил. ав. IV-III асрга оид эканлиги археологик материаллар асосида исботланди.

16.Кичикирккизқалаъ-Султон Увайс тоғи тизимида ер сатҳидан 7 м баланликда жойлашган.Ёдгорлик икки қисмдан иборат бўлиб, тархи жихатидан бир-биридан фарк қилади.Ғарбий қисмининг тархи 85-70

метр.Гарб томондаги деворда дарвоза жойлашган. Кадимда икки каторли девор ураб олиб ,кенгилиги икки метр йулакка эга бўлган.Девор пахса пойдеворга қурилган.Ташки девор баландлиги 10 м, калинлиги 2,5 м,ички девор 6 м, калинлиги 2 м.Гишт деворда найза укли шаклидаги шинаклар жойлашиб,улар уртасидаги оралик 1,25-1,30 м, 1,85-1,95. Ёдгорликнинг шарқий қисми айлана шаклида режалаштирилган.Девор ва бўржлар 1 м баланликда пахса блоклардан тикланган.Дарвоза шарқий деворда жойлашган, кенгилиги 6 м.С.П.Толстов фикрича, ёдгорлик ми.ав. IV асрда қурилиб ,милодий I асргача маданий ҳаёт бўлган.Я.Г.Гуломов хулосасига кура ёдгорлик фаолияти мил.ав. II-I асрларда бўлган.

17.Анқақалъа- Амударёнинг ўнг соҳилидаги ҳудудида жойлашган.Турт томони тенг (75х75м) икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган.Деворда тўғри бўрчакли, бўрчақда эса турт томони тенг бўржлар жойлашган. Мудофаа деворидаги бўржлар сони 9. Мудофаа девор ва бўрж аввал пахсадан кейин турт томони тенг хом гишт билан қурилган(40х40х10см). Қалъа дарвозаси жанубий-шарқий девор ўртасида жойлашган, икки бўрчаги тўғрибўрчакли бўрж билан кучайтирилган. Ёдгорлик мил.ав. IV аср билан белгиланган. Бирок кенг миқёсда археологик тадқиқотлар олиб борилмаган.

18.Эресқалъа –Тархи айлана шаклда, Калтаминор суғорилиш тизимида жойлашган, умумий ҳажми 260х220м яъни 6га. Қадимда икки қаторли баландлиги 1,05 м пахса мудофаа девори билан ўраб олиниб улар ўртасидаги йулак ҳажми 2,30м. Ташки девор калинлиги 2,70м,баландлиги –10м, ички калинлиги 2м. Девор ўз навбатида ярим айланали бўржлар билан мустаҳкамланган бўлиб, улар ўртасидаги масофа 30м. Девор ва бўржлар найза уки учли шинакларга эга бўлиб шахмат услубда жойлашган,улар уртасида оралик майдони 1,25 см .Девор ва бўржлар қурилишида турт томони тенг хом гиштлар ишлатилган.(40х41х42х,41х41х11х12).С.П.Толстов фикрича ёдгорлик мил.ав.IV асрда қурилиб, милодий V-VI асрларгача маданий ҳаёт бўлган.

19.Кетманчи- Кораколпогистон Республикаси Тахياتош шаҳрининг жанубий-шарқий томонида тепалликка айлана ҳолда қурилган бўлиб,шарқдан-ғарбга чўзилиб ўзунлиги 275м, кенглиги 75-150м, баландлиги эса –2-4,5м. Ёдгорлик қадимда девор билан ўраб олинган бўлиб унинг излари кўзга ташланади. Ёдгорлик кушан даврига оидлиги аниқланган.

20.Акчингул –Қўнғирот тумани ҳудудида жойлашаган. Ёдголик уч қисмдан иборат бўлиб, умумий майдони 2,5га. Шимолий-ғарбий қисми қолган қисмларидан баланд бўлиб, девор билан ўраб олинган. Ғарбий девор ўзунлиги 80м, жануб-35м, шарқий-45м.Шарқий қисмдаги девор калинлиги 3,6 бўлиб, турт томони тенг хом гишздан тикланган(40х40х10см). Девор бўржи кириш қисмида жойлашиб,мураккаб лабиринт мавжуд эмас. Мил. ав. IV асрга оид бўлиб, милоддан IV асригача ҳаёт бўлган.

21.Миздахқан-Хужайли тумани ҳудудида баландликка қурилган бўлиб, икки қаторли девор билан ўраб олинган.

Режалаштирилиши нотўғри тўғрибўрчак шаклда, умумий майдони

46га.Шаҳарнинг вужудга келиши ва ривожланиши тарихи А.Ю.Якубовский томонидан амалга оширилди асосан унинг юқори маданий катлами ўрганилган . Миздаҳқаннинг қурилиши мил.ав IV асрга оидлиги аниқланган.

22.Аёзқалаъ 1-Элликқалъа туманидаги Султон Увайс тоғи тизмасида 60 м баландликда туртбўрчак шаклида бўлиб унинг хажми 182х152 м.Ёдгорликнинг уч томони чуқур жарлик билан химояланган.Қадимда икки қаторли девор ўраб олиниб , унинг сақланиб қолган баландлиги 5-10 метр .Ташқи девор қалинлиги 2-4 м, ички девор эса 2,1м.Ташқи ва ички девор ўртасида 2,5м йўлак бўлган.Пахса девор ёпиқ йўлак 1.87 м. баландликда свод шаклида ғиштлар билан берқилган.Дарвоза жанубий деворда жойлашиб, тўғри бўрчакли лабиринт иншооти билан мустаҳкамланиб, баландлиги 5-8 м.,унинг ташқи девордан ён томонга чиқиши 37 м.,шарқий томонга бўрилиши 27 м..Мураккаб лабиринтга кириш шарқий деворда бўлиб, кенглиги 4 м.. Ташқи девор бўйлаб ярим айланали бўржлар қурилган. Уларнинг сони 35.Ёдгорлик дарвозасини химоя қилган лабиринт ҳам ярим айланали бўржларга эга бўлиб жами –3.Девордаги бўржлар орасидаги майдон хажми турлича.Шарқий ва ғарбий девордаги бўржлар орасидаги оралик 13.8 м., шимолий томонда 11.5 м., жанубда эса 9-15 м..Девор бўрчакларида «қалдирғоч думи»шаклида ярим айланали бўржлар жойлашиб ён томонга девордан чиқишида оралик майдони 1.50 см., охириги қисмидаги чиқишида 3,5 м.,девордн умумий чиқиш ўзунлиги 6-8 м.,бўржларнинг девордан ён томонга чиқиши 8-10м, кенглиги 6-8 м..Пахса ва бўрж деворларига тўрт томони тенг ғиштлар ишлатилган. Ёишт деворлар шахмат услубда жойлашган найза

ўқли шаклда шинаклар жойлашган бўлиб, уларнинг кенглиги 13-20 см, кириш қисми баландлиги 0,48 см.,чиқиши эса 2.9-3.5 м.,улар ўртасида оралик 1.5 м. Бўржларда 7 та шинак жойлашиб ,уларнинг тўрттаси қийшиқ йўналишга эга бўлган.

23.Думанқалъа- Беруний тумани худудида жойлашиб, 3қисмдан иборат шаклда қурилиб 7.6 гектарни ташқил қилган.Шимолий томонда жойлашган қисми трапеция шаклда бўлиб умумий хажми 3.7га. Жанубий томонда жойлашган қисми эса тўрт томони тенг шаклда режалаштирилган бўлиб хажми 3 га.Шимолий-шарқий бўрчагида арк жойлашаган, девор билан ўраб олинган,уч бўрчагида ярим айланали бўржлар мавжуд.Девор ва арк пахса пойдеворига қурилган.Юқори қисми хом ғишдан тикланган.Арк девори шинакларга эга.Ёдгорлик милодий I асрда қурилган бўлиб милодий IV-V асрларгача маданий ҳаёт бўлган.

24.Жилдикқалъа- Беруний тумани худудида текисликка тўрт томони тенг шаклда қурилган(50х50). Қадимда икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олиниб, унинг баландлиги 14м..Пахса девор устига хом ғиштли девор қурилиб унинг баландлиги 8м, қалинлиги 2.5-3 м.,қалаъга кириш жанубий томондаги бўрчакда жойлашган. Девор қурилишида тўрт томони тенг хом ғишт ишлатилган(42х42х10см). Ёдгорлик милодий Iасрда қурилган.

25.Бўрликаъла-Элликқалъа тумани худудидаги Султон Увайс тоғи тизимида жойлашган, тархи тўрт бўрчак шаклида 120х95 м.Ёдгорлик қадимда икки

каторли девор билан ўраб олиниб , улар ўртасидан 1.8-1.9 м.йўлак ўтган. Ташқи девор қалинлиги 1.4 м, ички эса 1.32-1.40 м.Ташқи девор пахсадан кейин эса ғиштли девор қурилган(44x44x10,39x39x12 см).Бўрлиққаъла деворида бўржлар қурилмаган, аммо найза ўқи шаклидаги шинаклар мавжуд.Шинаклар орасидаги майдон 0.95-1.2 м., кенглиги 18-23 см., кириш қисми баландлиги 0.45см., чиқиш ўзунлиги эса 1.23 см.. Ёдгорлик дарвозаси шимолий деворда жойлашган, унинг ташқи қисмидаги кенглиги 1.67см, ички қисмида эса 1.17 см..Каридорга кириш қисми кенглиги 1.24 см. Ташқи деводан 5 м. ўзоқликда қўшимча девор қурилган бўлиб, қалинлиги 0.68 см., сақланиб қолган баландлиги 0.19 см.. Ёдгорлик мил.ав.IV асрда қурилиб, милодий IV асргача ҳаёт бўлган.

26.Қазақлижатқан-(Ақшахон)–Беруний тумани худудидаги “Озод” фермер хужалиги худудидаги кумликлар ўртасида жойлашган, умумий майдони 55га. Ёдгорликнинг тархи тўрт томони тенг.Қадимда икки девор ўраб олинган. Қалъанинг шимолий бўрчагида арк жойлашиб,унинг майдони 13га. Деворга қўшимча девор қурилган ва яқинидан хандак утган. Ёдгорликда мил.ав IV асрдан- милодий IV асрларгача хўжалик- маданий ҳаёт бўлган. (Хужаниёзов 1996 йил.)

27.Кўна-Уаз- Чарманёп ва шимолий Даудан суғориш иншоотлари ўртасида жойлашган. Қалъанинг режалаштирилиши тўрт томони тенг шаклда умумий хажми 304x304м 9га Қадимда мудрофаа девори билан ўраб олинган бўлиб, мил.ав IV асрга оид бўлган. (Неразик 1976 ,18 бет)

28.Кат(Қас)-Беруний шаҳри яқинида текисликка қурилган режалаштирилиши, умумий майдони хажми аниқ эмас. Мил.ав IV асрда қурилган. (Манилов 1972).

29.Хива(Ичанқаъла)-Мил.ав.IV асрда шаҳарнинг ички қисмида маданий ҳаёт давом этган,хажмида ўзгариш сезилмайди, майдони 650x450м, яъни 26га.Антик даврда шаҳар пахса девори устига тўрт томони тенг хом ғишдан девор қурилади.Деворнинг ташқи томонидан қўшимча девор қурилиб унинг қалинлиги 8-10 м.ни ҳосил қилган.Ғарбий қисмидаги девор марказида арк жойлашиб алоҳида девор билан ўраб олинган,унинг қалинлиги 5-6м..М.Мамбетуллаев раҳбарлигидаги археологик гуруҳ шаҳарнинг вужудга келишини ва ривожланиши тарихини ўрганиш мақсадида казиш ишларини олиб борди, натижада 10та қурилиш даври мавжудлиги аниқланди.1- қурилиш даври-мил.ав. V асрга оид бўлиб пахса девор қурилган бўлиб унинг баландлиги 0.85 м..Девор ўртасидан йўлак кенглиги 2м.. Бу қурилиш даврида девор қалинлиги 2.10 м.,баландлиги 1.5 м.Ички девор қалинлиги 1.70м, баландлиги 1.5м.ғишт девор билан қурилган. Ички деворда ҳам тўрт томони тенг хом ғишт ишлатилган,бўлиб, унинг баландлиги 1,5м. Демак бу даврда Хива мудрофаа девори баландлиги 1,80-2м, кенглиги эса 7-8м бўлган. Бўрж девори ҳам хом ғишдан тикланган бўлиб, деворда ишлатилган хом ғишт хажмига ухшайди. Бу эса девор ва бўрж бир вақтда қурилганлитгини кўрсатади. Мил.ав II асрдан бошлаб, шаҳарда маданий ҳаёт инкирози юз бериб,милоддан I асригача давом этган. Учинчи қурилиш даври, Хива шаҳрида миллодий I асрдан бошлаб, юксалиши сезилади. Хивада

хунармандчилик ва савдо усади. Ғарбий девор марказида арк янада кад кўтаради. Шаҳарда маданий ҳаёт милоддан IV асригача давом этган. Бу даврда шаҳар мудофаа деворида ва бўржида кенг таъмирлаш ишлари олиб борилиб, натижада деворнинг пастки қисми калинлиги 9м. бўлган. Мудофаа девор ва бўржга ташки томондан қушимча девор қурилиши амалга оширилган. Бўрж тўғрибўрчак шаклидан айлана ҳолатга келиб қолган. Шу билан бирга, мудофаа девор ва бўрж олдинида 3,20м. ўзқликда қушимча девор қурилган. Бу албатта деворни бўзадиган машиналарга қарши мулжалланган. Ёдгорликда IV асрнинг охирида иқтисодий-маданий ҳаёт инкирози юз берган.

30.Тўпроққалъа-Хива шаҳридан 17 км шимолий-ғарбда жойлашган. 1958-1960 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан топилган ва археологик харитага жойлаштирилган.¹ Кейинчалик М.С.Лапиров –Скобло томонидан Тўпроққалъада қисман қазилар ишлари олиб борилган². 1973-1974 йилларда М.Мабетуллаев раҳбарлигида гуруҳ ёдғорликда археологик тадқиқот ишлари олиб борган. Ёдгорликнинг режаси (167-170) турт томони тенг . қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган, сақланиб қолган баландлиги 3м. Жанубий-ғарбий деворида бўржлар қолган деворларда 4тадан туртбўрчакли бўрж мавжуд. Бўржларнинг девордан ён томонга ушиб чиқиши 5,2м, кенглиги 7м. Бўржларнинг хона хажми 1,75-1.99м, 2,4-2,6м. Бўржлар ўртасидаги масофа 36м, шимолий-шарқ томонидан бўржлар ўртасидаги масофа эса 22-38м. Қалъа дарвозаси жанубий-ғарбий девор марказида жойлашган. Дарвоза олди тўғрибўрчакли лабиринт билан мустаҳкамланган бўлиб, дарвозадан ён томонга ушиб чиқиши 11,5 м. Мудофаа девор яқинидан хандак утган кенглиги 23-27м. Ёдгорликнинг мудофаа девори ва бўржларнинг қурилишини аниқлаш мақсадида қазилар ишлари олиб борилган, натижада шу нарса аниқландики, қалъани икки қаторли девор ўраб олган. Девор ўртасидаги йулак кенглиги 1.65-1.70м. Мудофаа девори хом ғишт билан тикланган (40х43х40-45х10-16см) баландлиги 3,3-3,5м . Ички девор калинлиги 2,5м.. Ташки девор эса 2,9м. Улар ўртасидаги кенглик 1,65-1,70м. Мудофаа девор ва бўрж ташки томонидан қушимча девор билан қопланган. Унинг баландлиги 2,2-3м. Шаҳарнинг дарвозасида бўрж мавжуд эмас, балки мураккаб лабиринт билан мустаҳкамланиб, бир айланма йулак орқали шаҳарга душманнинг кириб келишини осонлаштиради. Ёдгорликнинг қурилиши мил.ав IV-асрлар билан белгиланган.³

31.Хазорасп –Мил.ав. IVасрда ёдгорликнинг режалаштирилишида ўзгариш юз бермайдиган, яъни (340х320) умумий майдони 10,8 га. Ёдгорлик Я.Ғ.Ғуломов томонидан кўздан кечирилган ва мил.ав IV асрга оидлиги аниқланди. 1958-1960 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимларидан М.Ғ.Воробьева, М.С.Лапиров-Скобло, Е.Е.Неразик шаҳарнинг бир неча

¹ Толстов, Ждлнко, Итина. 1963йил 22бет

² Лапиров, Скобло 1969, 506 бет.

³ Мамбетуллаев 1986-72 бетлар.

худудларида археологик тадқиқот ишларини олиб бориб, шаҳарнинг вужудга келишини мил. ав IV аср билан белгилаганлар. 1996 йилда М.М.Мамбетуллаев рахбарлигидаги археологик гуруҳи шаҳарнинг ички қисмида археологик қазиш ишларини олиб борди, натижада ўзунлиги 15м. Пахса девор ўрганилди, унинг баландлиги 2м., девор бўйлаб ички томонидан йўлак ўтган, кенглиги 2.4м. Ички девор калинлиги 1,5м, баландлиги 2м пахсадан тикланган ташки томонидан калинлиги 1,50м, пахса девор қурилган натижада ташки томонидан девор калинлиги 3,50м. Девсолган деворнинг пастки қисмида ички томонидан 30 см баландликда пахса девор топилди. Мудофаа девор пастки пойдеворгача тадқиқот ишлари етказилмаган. Масжид ичкарасида олиб борилган археологик шурф олти метр чуқурликкача олиб борилди. Пастки маданий қатламдан олинган археологик ашёлар шаҳарнинг вужудга келишини мил.ав VI асрларга оид эканлигини исботламоқда. Шурфнинг пастки қисмидаги биринчи маданий қатлам қурилиш мудофаа деворининг биринчи қурилиш даврига тўғри келади.

I қурилиш даврида Хазорап шаҳари икки қаторли девор билан ўраб олинган, улар ўртасида 2м. йўлак бўлган. Мудофаа деворнинг умумий калинлиги 7м. Мил.ав VI-V асрларга оид.

II қурилиш даври пахса девор устига хом ғишдан 1,5м баландлигида девор қурилган бўлиб, хом ғишнинг ҳажми 45х45х10, 44х44х8см. Ғишлар шахмат усулида қурилган. Ғишнинг ён ва ўрта қисмида лой қуйилган унинг калинлиги 0,2-0,5см. Ғишнинг пастки қисмида турли хилда белгилар учрайди(айлана, тўғри чизик, нукта, ярим айлана). Ички деворда ҳам шу ҳажмда хом ғиш қуйилган. Бу қурилган даврда йулак кенглиги ўзгариш юз бермайди. Бу даврда шаҳар деворининг баландлиги 3,5м, йулак кенглиги – 2м, Ички девор калинлиги 1,5м. Шаҳар мудофаа девори калинлигида ўзгариш юз бермайди, яъни –7м. Бу қурилиш даври мил. авв.. III асрларга оид бўлган. Бу даврда шаҳар ичкарасида арк пайдо бўлган, маданий ҳаёт шаҳарнинг шарқий-жанубий, ғарбий қисмида мавжуд бўлган. Шаҳар ичкарасининг барча қисмида маданий ҳаёт бирданига пайдо бўлмаган албатта. Афсуски, шаҳар ичкарасида ўзлуксиз археологик тадқиқотларни олиб бориш, у ердаги маданий қатламни ўрганиш имконияти йук, чунки шаҳар ичкарасида аҳоли зич жойлашган.

32.Тўпроққалъа (Шовот)-Анбар-Маноқ қишлоғидаги Хоразм фермер хўжалиги худудида текисликка жойлашган. Ёдгорликнинг тархи айлана шаклда, умумий майдони- 4га. Ёдгорлик қадимда мудофаа девор билан ўраб олинди, ярим айлана бўржларга эга бўлган. Шаҳарнинг ички қисмида жамоат бинолари қолдиқлари сезилмайди, арк-аъло мавжуд эмас. Шаҳар шимолий ва жанубий томонидан дарвозаларга эга. 1999-2000 йилларда Хоразм Маъмун академияси археология, тарих ва фалсафа бўлимининг археология гуруҳи Тўпроққалъада қазиш ишларини олиб борди. Ёдгорликнинг мудофаа тизими тарихини ўрганиш мақсадида шимолий-шарқий қисмидаги деворда қазиш ишлари амалга оширилди, натижада мудофаа деворининг устки қисми турт томони тенг хом ғишдан қурилганлиги аниқланди. Шу билан бирга, деворнинг ташки томонидаги ярим айланали бўржлар оралиғида тозалаш

ишлари олиб борилди, натижада муҳофаа майдони 22м, бўржнинг девордан ён томонга чиқиши 5,25-6,25м унинг ички қисмида тўғри бўрчакли хонага эга бўлиб, хажми 2,21-2,62х7,07-7,22м. Девор ва бўрж аввал пахсадан кейинчалик турт томони тенг хом ғишдан қурилган. (40х40х10см, 41х41х12см).

Археологик ашёлар Тўпроққалъанинг вужудга келиши ва ривожланиш тарихи уч қурилиш давридан иборат эканлигини ёрқин тасвирлайди. I қурилиш даври мил.ав.V-IV асрлар. Бу даврда қалъа пахса девор билан ўраб олинган бўлиб, йулак ва ярим айланали бўржларга эга бўлган.

II қурилиш даври мил. авв.. III-I асрлар пахса девор устига турт томони тенг хом ғиштли девор қурилган. Бундай хажмдаги ғишт бўрж қурилишда ҳам ишлатилган. Қалъанинг ички қисмида девор бўйлаб уй хоналари қурилган.

III қурилиш даври милодий I-IV асрлар Бу қурилиш даврида ғишт девор устига хом ғишт аралаш пахса девор қурилган. Милодий IV асрга келиб, қалъада маданий ҳаёт барҳам топган.

33.Олмаотишган I- Хива шаҳридан 18 км шарқда Янгиарик тумани Каттабўғ кишлоғи ҳудудидаги Аваз Ўтар фермер хужалиғи ҳудудида жойлашган. Ёдгорликни қадимда турт томони тенг хом ғиштли девор ўраб олган. Деворда бўржлар қолдиғи сезилиб турибди. Ёдгорлиkning сақланиб қолган баландлиғи ер сатҳидан 7-8м. Шимолий-ғарбий томонида дарвоза жойлашган бўлиб, кенглиғи 4м. 1948-1950 йилларда Я.Я.Ғуломов томонидан текширилиб, мил.ав. IV-II асрлар билан белгиланган.¹ М.Мамбетуллаев тадқиқотлари натижаларига кўра Олмаотишган I ми.ав.III-II асрларга оид бўлиб унда маданий ҳаёт XIII асргача давом этган.²

34.Олматишган-II - Олмаотишган –I ёдгорлигидан 130-150 м жанубда жойлашган. 1948-1950 йилларда Я.Я.Ғуломов ёдгорликни текшириб, антик даврга оид эканлигини текшириб, милодий VII-VII асрларда қиска вақт ичида ҳаёт такрорланган, кейинчалик ҳаёт XIII аср бошларигача давом этган.¹ Ёдгорлиkning муҳофаа тизимини ўрганиш мақсадида К.Собиров раҳбарлигидаги Урганч Давлат Университети археология ва этнография гуруҳи 1996 йилда ёдгорлиkning ғарбий томонидаги деворда археологик казиш ишларини олиб борди, натижада муҳофаа деворда ўрта қурилиш даври мавжудлиғи аниқланди. Биринчи қурилиш даврида пахса девор текис ҳудудга қурилган бўлиб, унинг кенглиғи 2м, баландлиғи 0,85 см. Ички девор ҳам ҳам пахсадан тикланган. калинлиғи 1,5м, баландлиғи 0,85см, улар ўртасидаги 2м кенглигида йулак утган. Бу қурилиш даврида муҳофаа девор калинлиғи 5,5м бўлган. Бу тарихий қурилиш даврда бўрж ярим айлана пахсадан тикланган. Иккинчи қурилиш даврида ташки ва ички деворда хом ғишдан девор қурилган бўлиб, баландлиғи 1,5м. Муҳофаа девор ва бўрж қурилишида турт томони тенг хом ғишт ишлатилган(36х36х8, 33х33х10см). Бу даврда муҳофаа деворида йулак хажмида ўзгариш сезилмайди, яъни 2м.

¹ Я.Я.Ғуломов .1959,1989 б 89 .

² М.Мамбетуллаев. 1994. 13 б

¹ Ғуломов 1958, 90 бет.

Учинчи қурилиш даврида ташки ва ички деворга пахса девор қурилган бўлиб, унинг сақланиб қолган баландлиги 1м. Йулак ҳам пахса билан тулдирилган. Натида мудофаа деворининг юкори қисми калинлиги-4м. Бу қурилиш даври милодий III-IV асрларга тўғри келади.

35.Катқалъа - Урганч шаҳридан 21 км ғарбда Катқишлоқ худудидаги текисликка жойлашган, режалаштирилиши тўғрибўрчакка яқин. 300-281 м, 8,5 га. Ёдгорликнинг шарқий деворида дарвоза жойлашган бўлиб, тўғрибўрчак шаклдаги дарвоза олди мураккаб иншоот билан мустахкамланган. Қадимда икки қаторли муофаа девор билан ўраб олинган бўлиб, сақланиб қолган баландлиги 1,5-7м. Мудофаа девор ярим айлана бўржлар билан мустахкамланган, улар ўртасидаги оралик хажми 27м.¹ 1993-1994 йилларда К.Собиров раҳбарлигидаги археологик гуруҳ ёдгорликнинг жанубий-ғарбий томонида казиш ишларини олиб борди. Шаҳар мудофаа тизимининг вужудга келиши ва ривожланиши даврларини ўрганиш мақсадида деворни кесиш ишлари олиб борилди. Археологик тадқиқотлар натижасида мудофаа девор ва бўржларида 3 қурилиш даври мавжудлиги аниқланди. Биринчи қурилиш даврида девор ва бўржнинг пастки қисми пахсадан тикланган, баландлиги 1,5м. Ташки девор калинлиги 2м, ички девор калинлиги 1,5м, йулак кенлиги 2м. Бу тарихий даврда мудофаа девор калинлиги 5м . Иккинчи қурилиш даврида пахса девор устига ҳар хил тамғаларга эга бўлган турт томони тенг хом гиштдан девор қурилган(41x41x10, 42x42x12см). Учинчи қурилиш даврида ташки ва ички девор калинлигида ўзгариш бўлмайди, яъни 5м. Бўржлар девордан ён томонга ушиб чиқиши 5м. Шаҳарнинг қурилиши мил.ав. V асрга оид бўлиб, унда ҳаёт XX асрнинг 40 йилларигача давом этган.

36.Даргон - Хоразмнинг жанубий худудида Даргон ота кишлогидан 3км жанубда жойлашган. Қалъанинг қурилиши мил.ав. IV асрда амалга оширилган бўлиб, унинг майдони 6га бўлган. Афсуски, археологик тадқиқотлар олиб борилмаган.

37.Кухна Урганч - Туркменистон Республикаси Тошхавўз вилояти Кухна Урганч тумани марказида жойлашиб, маҳаллий аҳоли ўртасида “Кухна” номи билан маълум. Ёдгорликдан олинган археологик ашёларнинг исботлашича, мил.ав. IV асрда қурилган. Режалаштирилиши нотўғри тўғрибўрчак шаклда умумий майдони 200га. Қадимда икки қаторли девор билан ўраб олиниб, тўғри бўрчакли бўржларга эга бўлган.¹

38.Замахшар(Зумухшур) - Тошхавўз вилояти Тахта тумани худудида текисликка нотўғри туртбўрчак шаклида қурилган. Қадимда икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган бўлиб, айлана шаклидаги бўржларга эга. Қалъа мил.ав. IV асрда қурилган. Бу шаҳарда ҳам археологик тадқиқотлар олиб борилмаган.

39.Гаурқалъа(Миздахқан) - Хужайли шаҳри яқинида ер сатҳидан 2-8м баландликда қурилиб, тархи нотўғри тўғрибўрчак пахса ва турт томони хом

¹ Мамбетуллаев 1994, 10 бет.

¹ Юсупов 1991.

ғиштли девор ўраб олган. Ёдгорлик мил.ав IV асрда қурилган.² Ёдгорликнинг устки маданий қисми ўрганилган ҳолос.

40.Воянган - Шовот туманидаги Манок кишлоғидаги Хоразм фермер хужалиғи ҳудудида жойлашган. Режалаштирилиши жиҳатдан тўғрибўрчак шаклида, ер сатҳидан 2-3м баландликка қурилган. Унинг ҳажми 280х360м. Ёдгорликнинг ички тўзилиши жиҳатидан икки қисмга ажралганлиғи яққол кўзга ташланади. Қадимда девор билан ўраб олинган бўлиб, унинг сақланиб қолиши турлича 2-6м. Айниқса жанубий қисмда девор яхши сақланиб қолган ва девор ярим айланали бўржлар қолдиғи кўзга ташланади. Бўрчакда ярим айланали бўржлар мавжуд. Девор аввал пахсадан кейин турт томони тенг хом ғишдан қурилган(40х41х9-11см). Шарқий томонда ёдгорликнинг иккинчи қисми жойлашган унинг ҳажми 320х220м. Девор калинлиғи 9-11м. Шаҳар антик даврда 10га ташқил этган. 1949-1950 йилларда Я.Я.Ғуломов ёдгорликни кўздан кечириб, кушон даври (I-IV аср) ва IX-XII асрларда мавжудлигини кайд этган.¹

1973-1974 йилларда М.Мамбетуллаев, М.Ш.Кадырниёзовлар Военганда қазилар ишларини олиб борган, афсуски мудофаа тизими ўрганилмаган. Ёдгорликнинг ички қисмида археологик тадқиқотларни олиб боришнинг имконияти йук,чунки маҳаллий аҳоли томонидан кабристонга айлантирилган.² Ёдгорликнинг ғарбий қисмидаги деворни кесиш ишлари олиб борилди, натижада икки қурилиш даври аниқланган: 1-қурилиш даври- девор пахсадан қурилган, баландлиғи 2,94 м, йўлак кенлиғи 2,5 м, девор калинлиғи 4,5 м.2- қурилиш даври-пахса девор устига хом ғиштли квадрат шаклда девор қурилган(40х40х10).³

41.Қалажик(Даудқалъа) - Боғот туманидан жануб ғарбида Хазораспдан 25 км ўзокликда Корақумнинг қум барханлари чегарасида жойлашган. Ёдгорликнинг режалаштирилиши нотўғри тўғрибўрчакли бўлиб, жанубий девор ўзунлиғи –221м, шимолдаги девор 184 м, ғарбда 72м, шарқда 114м, ташқил этган. Мудофаа деворларнинг сақланиб қолган баландлиғи 12-14м, кенлиғи 2,5м. Қадимда икки қаторли мудофаа девор билан ўраб олинган, девор қурилишида турт томони тенг ғишт ишлатилган(45х45х14см). Мудофаа девор шинакларга эга. Ички ва ташки девор ўртасидаги масофа 2,45-2,75м. Ташки девор баландлиғи 1,5м, ундан 3,6м ўзокликда тусик девор қурилган калинлиғи 0,75м. Ташқи мудофаа девор найза уқи учли шинакларга эга, улар ўртасидаги масофа 1,1-1,1.5см, кенлиғи 0,76см, ташки томонидаги ўзунлиғи 1,5м. Шинак йулак сатҳидан 68-70см баландликда жойлашган. Ёдгорликда мил. авв. IV-II асрларда ҳаёт бўлган.

1991 йилда Санкт-петербурглик археолог В.А. Завьялов раҳбарлигидаги археологик гуруҳ Қалъажикда қазилар ишларини олиб борди (р1-1) Ёдгорликнинг муддофаа тизимини ўрганиш мақсадида шимолий

² Ягодин, Ходжаев 1967.

¹ Ғуломов 1959.

² Ғуломов –Хоразм суғорилиш тарихи.Т., Фан. 1959. 86 -бет

³ Мамбатуллаев М., М.Ш.Кдырниязов. Городище Воянган. К.н. Археология Преаралы .Вып-11, Т. Фан 1982 90-91 бет.

қисмида тадқиқот ишлари олиб борилди (р-1). Мудофаа девор(ички ва ташки) аввал пахсадан тикланган бўлиб, баландлиги 1 м, калинлиги 75-80см, баъзи ҳолларда 1м. Пахса девор устида тўрт томони тенг хом ғиштдин девор қурилган (40х40х12, 44х44х13см). Ташки деворда найза ўқи учли шаклдаги шинаклар жойлашиб, шинаклар ўртасидаги масофа турлича, яъни 1.34 – 1.35м, баъзи ҳолларда 1.05м. Шинаклар хажми юқори қисми 40см, пастки 20см, баландлиги 60-70см. Ташки девордан 5м ўзоқликда тусик девор қурилган. Унинг баландлиги шарқий томонидан 0.80 см, ғарбий томонида эса баландлиги 1.20м. Бу тусик девор ҳам асосий мудофаа деворлар сингари кумга қурилган. Археологик тадқиқотлар натижасида олинган материаллар асосида ёдгорлик мил.авв IV асрга оид эканлигини тасдиқлаб, С.П.Т.Толстов, Я.Ғ.Ғуломовлар томонидан илгари сурилган хронологик даврларни қўллаб қувватлайди.¹

42.Кандуманқалъа - Кухна Урганчдан 35 км Шахобод каналининг охири қисмида жойлашган. Тархи туртбўрчак шаклда (350х250) қадимда икки қаторли мудофаа девор билан ураб олинган бўлиб, баландлиги 5 м, калинлиги 7м. Девор аввал пахсадан, кейин ғиштан тикланган. (42х42х10см).Ёдгорликда кенг миқёсида археологик тадқиқотлар олиб борилган эмас. Ёдгорликда олинган ашёларга асосланиб мил. авв.в. IV аср билан белгиланган².

43.Девкасан(Вазир)- Кухна Ўргандан 60 км ўзоқликда жойлашган . Режалаштирилиши тўғрибўрчак шаклда (260х130м), 33 га. Ёдгорликни жануб ва ғарб томонини чуқур жарлик ўраб олган, баландлиги 25м, қолган икки томонини мудофаа девор ўраб олган. Қалъа дарвозаси шарқий девор ўртасида жойлашиб, тўғрибўрчакли мураккаб дарвоза олди иншоат билан мустаҳкамланган, унинг хажми 10,5х12,5 м. шарқий ва шимолий девор яқинидан хандак утган, кенглиги 10м, чуқурлиги 2-3м. мудофаа девор ўз навбатида тўғрибўрчакли бўржлар билан кучайтирилган (жами 15). Бўржлар ўртасидаги масофа хажми 25-27 м.. Мудофаа девор бўрчагида турт томони тенг бўрж қурилган. Шаҳарнинг жануб-ғарб бўрчагида арк жойлашган, хажми 100х75 м. Ёдгорликнинг қурилиши мил.авв. IV асрда амалга оширилган.

44.Кухнақалъа – Кушкўпирдан 20 км ғарбда жойлашган. Режаси тўғрибўрчак ҳолда умумий майдони 0,70 га. Икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, тўғрибўрчакли бўржларга эга. Девор ва бўржлар аввал пахсадан, кейин эса турт томони тенг хом ғиштардан қурилган. (40х41х9, 41х43х10 см). Ёдгорлик мил.авв. IV аср билан белгиланган.

¹ Завьялов В.А. 1991 йил Қалажикда археологик тадқиқотлари натижаси юзасидан ҳисоботи.

² Ғуломов –Хоразм суғорилиш тарихи.Т., Фан. 1959.

45.Хумбўзтепа – Тошсака зонасида текисликка қурилган, сақланиб қолган хажми 132x89м. Ёдгорликни шарқ томондан Амударё суви ювмокда, ғарбида эса қишлоқ хужалиги махсулотлари учун экин майдонига айлантирилган. 1973 йилдан бошлаб М.Мамбетуллаев раҳбарлигидан гуруҳ Хамбўзтепада қазилар ишларини олиб борди, натижада мил.авв. VII-VI мил.авв. IV асрларга оидлиги тўғрисида хулосага келган эди. Мудофаа тизимини ўрганиш имконияти йук, қадимда девор билан ўраб олинган бўлиши шубҳасиз.

46.Гаурқалъа-1 Хоразм воҳасига қўшни бўлган Сарикамиш хавзасида жойлашган, режалаштирилиши турт томони тенг (65x65м). Қадимда девор билан ўраб олинган. Девор айлана шаклдаги бўржларга эга. Ёдгорлик мил.авв. I аср билан белгиланган.

47.Гаурқалъа-2. Гаурқалъа-1 дан ғарбий томонида жойлашган,режалаштирилиши турт томони тенг, яъни (250x250м.5га.). Қадимда икки қаторли йулакли мудофаа девор ўраб олган. Мудофаа девор ўраб олган. Мудофаа деворда бўрж мавжуд эмас. Ёдгорлик мил.авв. I асрда қурилганлиги аниқланган.

48.Тўзгир-1. Тўзгир баландлигида жойлашган,хажми 20x20 м., мудофаа девор билан ўраб олинган.

49.Тўзгир-II Ёдгорликда катта хажмдаги уй хонаси ўрганилди(40x40м.). Девор бўрчагида айланма шаклда бўрж ўрганилган. мил.авв. IV-III асрларга оид эканлиги аниқланган.

50.Кирққизтепа-Хазораспдан 8 км шимоли-ғарбдаги, Қораёнтоқ қишлоқ ҳудудида жойлашган. Умумий хажми 75x95, тўғрибўрчак шаклда, мудофаа девор билан ўраб олинган. Девор яқинида 5-6м ўзқликда хандак утган. Мудофаа деворда бўржлар қолдиғи кўринади. Археологик қазилар ишлари олиб борилмаган. Ёдгорлик тахминан мил.ав. IV-II асрларда вужудга келган . Ҳозирги вақтда ёдгорлик аҳоли томонидан қабристонга айлантирилган,шунинг учун археологик тадқиқотларни олиб бориш имконияти мавжуд эмас.

51.Чингизтепа-1 -Тошсақа ҳудудида жойлашган, режаси айлана шаклда, унинг хажми 120м баландлиги 20м майда тошдан тикланган девор излари ва жамоат бинолари кўзга ишланмайди, мил.авв. IV асрга оид бўлган.

52.Чингизтепа-II-Чингизтепа I яқинида жойлашиб, тархи айлана шаклда,айланаси 70м, баландлиги 10м.бўлиб майда тош аралашган.Сарик тўпроқдан тикланган.Мил.ав. IV асрга оидлиги аниқланган.

53.Чингизтепа III-Чингизтепа II ёдгорлигидан 200м шарқий томонида тўғрибўрчак шаклда жойлашган(400x380м.).Қадимда икки қаторли девор ўраб олиниб, айлана шаклдаги бўржларга эга. Ёдгорлик мил.ав. IV асрда қурилиб , мил.авв. III-IV асрларга маданий ҳаёт бўлганлиги аниқланган.

54.Қоратош-1. Хумбўзтепадан 4км жанубида Туятортар канали яқинидаги ҳудудда жойлашган. Кизил рангли сопол идишлар парчалари топилиб, мил.авв. IV-II асрларга оидлиги аниқланган.

55.Қоратош-2. Хазораспдан 20км шарқий томонида жойлашиб, тўғрибўрчак ҳолда 50x70м, баландлиги 1.5м. Мил.авв. II-IV асрлар билан белгиланган.

56.Якка-чигирII. Хазораспдан 29км жанубий-ғарбда жойлашган бўлиб, айлана шаклда, хажми 17х80 м, баландлиги 1,5м. Ёдгорликда кушан даври идиш-тавоклари учрайди. Милодий II-III асрларга оид бўлган.

57.Маржонбобо.-Питнакдан 3км жанубда жойлашиб, икки қисмдан иборат. Чунончи биринчи қисми хажми 80х60м. Иккинчиси эса учбўрчак шаклида 120х180м. Археологик жиҳатдан қазииш ишлари олиб борилмаган. Ёдгорлик милодий II-III асрларга оидлиги аниқланган.

58.Тошқалъа-2 – Жанубий Хоразм худудида Тўпроққалъа массиви Гурлан ширкат хужалиги худудида Амударё соҳилида жайлашган. Режалаштирилиши турт томони тенг, умумий майдони 50х50м. Ёдгорлик қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, девордан ён томонга ушиб чиккан бўрж излари кўзга ташланади. Ёдгорлик ер сатҳидан 1.5-2м баландлигида сақланиб қолган. 2004 йил Хоразм Маъмун академияси археология гуруҳи Тошқалъа-2 ёдгорлигида қазииш ишлари олиб борди, натижада икки қаторли девор ўрганилиб, улар ўртасидан йулак мавжуд бўлиб, кенглиги 2м. Ташки девор калинлиги-170см, ички девор эса 150см бўлган. Девор бўрчагида ва деворда ярим айлана бўрж ўрганилиб, девордан олд томони ушиб чиқиш 3,5м, девор ва бўржлар найза уки учли шинаклар билан кучайтирилган бўлиб, уларнинг эни 18-20см., баландлиги 40см. Бўржлар ўртасидаги масофа-5м. Ёдгорлик мил. авв. IV асрга оид бўлиб, милоддан I-III асрларда таъмир ишлари олиб борилган.¹

59.Шохсанам – Тошхавўз вилояти Кухна Урганч тумани худудидаги Чарманёп каналининг охириги қисмида жойлашган. Қалъа режалаштирилиши тўғри бўлмаган кўп бўрчак ҳолда, икки қаторли девор билан ўраб олинган бўлиб, умумий ўзунлиги 970 м. Ташки девор баландлиги 3,2м, калинлиги 3,3 м. Девор аввал пахсадан, кейин турт томони тенг хом ғиштдан қурилган. (40 х40 х10) Ташки девор ва бўржларда найза уки учли шинаклар мавжуд бўлиб, улар ўртасидаги масофа 2,4 м, баландлиги 1,05 см, кенглиги 0,5-0,20 см. Ташки девор тўғрибўрчакли бўржлар билан кучайтирилган, улар ўртасидаги мудофаа майдони 35-40 м, бўрж кенглиги 8 м, девордан ён томонга ўсиб чиқиши 0,9-1,75 см. Шаҳарнинг қурилиши мил.ав VI асрга оидлиги аниқланди.

60.Тўпроққалъа-Янгиариқ тумани худудида жойлашган. Режалаштирилиши тўғрибўрчак шаклда, умумий майдони 3,5 га. Қадимдан икки қаторли девор билан ўраб олинган. Ташки девор калинлиги 2,4 м, ички девор 2,2м. Йўлак кенглиги 2м. Девор ўз навбатида тўғрибўрчакли бўржлар, улар ўртасидаги масофа 22.-24м. Девордан ён томонга ушиб чиқиши 7м., кенглиги 9м. Мудофаа девор яқинидан 20 м хандак утган. Қалъа ягона дарвозага эга. Ёдгорлик мил авв IV аср билан белгиланган.²

61.Кушқалъа 1-Мил.авв. IV асрда ёдгорликда маданий ҳаёт давом этган, девор ва бўржларида таъмир ишлари олиб борилган.

² Мамбетуллаев 1994 10 бет

1974 йилда В.Н.Пилипко Кушқалъада археологик тадқиқот ишларини олиб борди, натижада ёдгорлик режалаштирилиши тўғрибўрчак шаклда бўлиб мудофаа девор билан ўраб олинган, улар ўртасида йулак мавжуд. Мудофаа девори тўғрибўрчакли бўржлар билан кучайтирилган. Мудофаа девори ва бўрж турт томони тенг ғиштдан тикланган найза уки учли шинаклар билан кучайтирилган. Қалъада маданий ҳаёт милодий I–IV асрларда мавжуд бўлган.¹

62.Девкасанвали – Девкасан ёдгорлигининг шимолий қисмида жойлашиб, Устюртнинг шимолий-ғарбий томонини мустахкамланган мудофаа девор ўраб олган. Бу девор асосан тошдан тикланган, баландлиги 0,61 – 1,50 м, калинлиги эса 1,40 м, унинг ғарб томонида мустахкамланган қисми ўрганилди. Икки қаторли девор билан ўраб олинган Ташқи девор калинлиги 2,40 м, ички девор эса 1,10 м, йўлак кенглиги 2,40 м. Девкасанвалининг қурилиши мил.ав. IV аср, унинг инкирози милодий III аср билан белгиланган.² Девкасан қалъаси ва Девкасанвали Хоразм воҳасининг шимолий-ғарбий қисмини кўчманчилардан химоя қилиш учун қурилган ҳарбий мудофаа пунктлари бўлган.

63.Садвар-Амударёнинг чап киргогидаги Капарас ва Данишерқалъа ўртасида жойлашган. Ёдгорлик тўғри йуналишга эга бўлиб режалаштирилган. Умумий майдони 20 га. Қалъа қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган. Унинг марказий қисмида тепалик бўлиб, арк-аълонинг мавжудлигини кўрсатиб, умумий майдони 130 – 140 м, яъни 2 га. Аркнинг уч томони хандак билан ўраб олинган бўлиб кенглиги 20 м. Шаҳар ҳар тарафдан хандак билан ўраб олинган. 1972–1975 йилларда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари томонидан ёдгорликда қазилар ишлари олиб борилди. Археологик қазилар ишлари аркнинг жанубий бўрчагида олиб борилган бўлиб, натижада аркнинг мудофаа девори ўрганилиб, унинг калинлиги 9,5 м, баландлиги 2,2 м. Пахса девор пасттекисликка қурилган, баландлиги 1,5 м, ундан кейин ғиштдан девор қурилган. (40х40х10 см). Ташқи деворда шинаклар жойлашиб, найза уки учли шаклда бўлган, археологик материал бу мустахкамланган қисмни мил. ав. III асрлар билан белгилашга имкон берган. Милoddан I – IV асрларида ҳаёт бўлган.¹

64.Капарас-Амударёнинг чап соҳилида, Элҳарас яқинида Туямўйиндан жанубий-шарқий томонида жойлашган. Режалаштирилиши тўғрибўрчак шаклда 128 – 110 м. Қадимдан икки қаторли девор билан ўраб олинган. ўртасидан йулак утган бўлиб, умумий кенглиги 7,5 м. Мудофаа девор бўйлаб ярим айланали бўржлар мавжуд. Ҳаммаси бўлиб бўржлар сони 10 та. Шимолий мудофаа девори ўртасида дарвоза жойлашиб, у ўз навбатида мураккаб иншоот билан мустахкамланган. Ёдгорликда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари археологик тадқиқот ишларини олиб борди, натижада қалъада икки қурилиш даври мавжудлиги аниқланди. 1-

¹ Пилипко, 1975, 527–528 бетлар.

² Мамбетуллаев 1994, 18, 19 бетлар, Хужаниёзов, 1996, 8, 9 бетлар.

¹ Итина, 1991 196 бет

қурилиш даври мил.ав. IV–II асрларга оид бўлиб, таъмирлаш ишлари олиб борилган, милодий I–II асрларда қайтадан тикланиш ишлари олиб борилган. Капараснинг дастлабки девори пахсадан қурилган, баландлиги 0,26–1,8 м. Бу даврда мудрофаа девор ўртасида йулак бўлиб, унинг кенглиги 1,75 м, Капарас бўрж ярим айлана шаклда, ёпик усулда бўлиб, йулак оркали алоқа бўлган. Бўрж кенглиги 8м, ён томони чиқиш жойи 6,5 м , девор калинлиги 2,1 – 2,6 м . Девор бўрчагидаги бўрж кенглиги 8 м, чиқиши 11 м. Ён томонидаги бўрж калинлиги 4 м. Бўржнинг ички хонаси хажми 3х3 м. Бўржлар ўртасидаги масофа турлича. Ғарбий тамондаги деворлардаги бўржлар ўртасидаги масофа 24,5 – 27 м. Шарқ тамонида эса 23 – 28 м, Жануб тамонидаги бўржлар ўртасидаги масофа 19 – 22 м. Дарвоза олди мураккаб иншоотида бўржлар мавжуд эмас, унинг хажми 40–15 м. Мураккаб иншоотдан 9 м ўзқликда қушимча девор ўрганилган.¹

65.Игдиқалъа– Ўзбой тизимидаги баландликка жойлашган. Режалаштирилиши тўғрибўрчак шаклда, қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинган. Девор тўғрибўрчакли бўржлар мустахкамланган. Қалъа хандак билан ўраб олинган. Ёдгорлик 1954 йилда Хоразм археология-этнография экспедицияси ходимлари тамонидан топилган. 1956 йилда қалъада археологик тадқиқотлар олиб борилиб, ёдгорликнинг милодий IV–V асрларга оидлиги эканлигини кўрсатди.²

1970-1971 йилларда Х.Юсупов раҳбарлигидаги археологик гуруҳ Игдиқалъанинг шимолий бўрчагида тадқиқот ишларини олиб борган. Археологик тадқиқот натижасида қалъада уч қурилиш даври мавжудлиги исботланди. Биринчи қурилиш даврида қалъа пахса девор билан ўраб олинган. Девор бўржга эга, девор ўртасида йулак мавжуд бўлган. Иккинчи қурилиш даврида шаҳар шахристонида уй, хўжалик хоналари қурилган. Учинчи қурилиш даврида мудрофаа деворида таъмирлаш ишлари олиб борилган. Ташки девор шинак билан кучайтирилган. Игдиқалъа мил. ав. III – II асрларда қурилган. Парфия давлатининг Ўзбой тамонидаги мустахкамланган ҳарбий қалъа бўлган.

66. Қўрғонча(Қублондиқалъа)- Тахта кўпирдан 18 км ўзқликда жойлашиб, унинг тархи тўғрибўрчак шаклда 400х380м. Қадимда икки қаторли девор билан ўраб олинб, ташки девор бўйлаб ён томонга 3-3,5 м ўсиб чиққан бўрж қолдиқлари сақланиб қолган. Ёдгорлик милодий II–III асрларда қурилганлиги тўғрисида тахминлар мавжуд.

67.Кўнарлиқалъа-Чарманёп суғорилиш тизимида жойлашиб, унинг тархи тўрт томони тенг (50х50). Қадимда девор билан ўраб олинган бўлиб, милоддан аввалги, IV–II асрларга оид бўлган.¹

¹Воробьева 1991, 155 – 157 бетлар.

²Толстов 1962, 235 – 236 бетлар.

³Юсупов Х. Игдъ-Кала - Парфянская крепость на Узбое . Этнография и Археология Средние Азим . 1979 с 53 –58 бетлар.

¹ Толстов С.П. Древни Хорезм М.Наука, 1908, с 101

Шундай қилиб, мил.авв. IV–III асрларда Хоразм воҳаси жамиятининг ижтимоий-иқтисодий,маданий-этник ва ҳарбий юксак даражада раванқ топанлигини кичик ва катта ҳажмдаги кўпсонли қалъалар исботлайди.

II – Боб. Хоразмда илк давлатчилик асосларининг шаклланиши ва унда шаҳар маданиятининг ўрни.

II.1. Хоразмда илк давлатчилик анъаналарининг вужудга келиши муаммоси ва архаик давр шаҳарларининг моддий маданияти.

Ўрта Осиёда илк давлатчилик муаммосининг тарихшунослиги натижаларига кўра, дастлаб ушбу масаланинг ўрганилиши минтақадаги илк давлатларнинг вужудга келишининг тарихий санаси–хронологияси ва ҳудудий жойлашуви ҳамда ҳудудий чегараларини аниқлаш билан боғланган бўлиб, бу йўналишда куйидаги масалалар муҳим аҳамият касб этган:

1. Қадимги Хоразм ёки “Катта Хоразм” давлатининг тарихий географияси ва ҳудудий жойлашишини аниқлаш.
2. “Авесто”да тилга олинган вилоятлар сиёсий бирлашмаси Арешайёенанинг ҳудудий таркибини таҳлил қилиш.

Илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижаларини умумлаштириш совет тарихшунослигида XX асрнинг 30-йилларида бошланган. С.П. Толстовнинг 1938 йилда чоп этилган “Ўрта Осиё қадимги тарихининг асосий саволлари” деган мақоласида илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижалари таҳлил қилинган эди⁵⁶. Шу давргача мазкур масала совет тарихшунослигида деярли ўрганилмаган. Бу борада тадқиқотчилар Ғарб адабиётларида мавжуд назарияларни умумлаштириб, муаммо юзасидан ўз фикрларини билдирганлар.

XX асрнинг 50-йилларида Ғарб олимлари В.Б. Хеннинг ва И. Гершевичлар 30-йилларда фанга жорий этилган И. Марквартнинг Хоразм давлати тўғрисидаги ғоясини янги асосларда ривожлантириб, ушбу давлат Аҳамонийлар босқинига қадар Герируд-Тажан дарёси воҳасида Марв ва Хирот атрофларидаги ҳудудларни бирлаштирган, деб ёзганлар. Ушбу хулосага кўра, “Катта Хоразм” давлати таркибига Марғиёна, Ария ва Парфия вилоятлари кирган⁵⁷. Бундай ёндашув илмий адабиётларда бир қатор шубҳаларга олиб келди.

Шу аср 60-йилларининг бошларида “Катта Хоразм” масаласи тарихшунослиги ва муаммога ёндашув В.А. Лившиц томонидан таҳлил қилинган⁵⁸. 70-йилларга келиб, мавзу қизғин мунозарага айланиб, И.М. Дьяконов, Р. Фрай, И.В. Пьянков, М.Г. Воробьева тадқиқотларида ўз аксини топган⁵⁹.

⁵⁶ Толстов С.П. Основные вопросы древней истории Средней Азии // Вопросы древней истории. – 1938. – №1. – С. 176-203.

⁵⁷ Henning W.B. Zoroaster: Politician or Witch... – P. 43; Gershevitch I. The Avestan hymn to Mithra. – P. 14.

⁵⁸ История таджикского народа. – М., 1963. Т. 1. – С. 151-154.

⁵⁹ Дьяконов И.М., Восточный Иран до Кира ... – С. 122-154; Фрай Р. Наследие Ирана ... – С. 468; Пьянков И.В. Хорасмий Гекатея Милетского // Вестник древней истории. – 1972. – № 2. – С. 3-21; Воробьева М.Г. Проблема «Большого Хорезма» и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 38-42.

Ўрта Осиё қадимги давлатчилиги тўғрисида ёзган Ғарб тадқиқотчиларининг ўзлари ҳеч қачон Ўрта Осиёда бўлмаганлар. Шунинг учун ҳам, улар минтақанинг тарихий географияси ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлмасдан туриб фикр билдирганлар, фақат тарқоқ ёзма маълумотлардан фойдаланиб, масалани аниқ ёритиш мураккаб масала бўлиб, муаммо илмий баҳсларга олиб келган.

XX аср ўрталарида мавзу М.М. Дьяконов томонидан таҳлил қилинган. Қадимшунос олимнинг ёзишича, Аҳамонийлар давригача Ўрта Осиёда йирик давлат уюшмалари ривожланмаган бўлиб, илк давлатлар кичик воҳаларда ташкил топган. Тадқиқотчининг фикрига кўра, “Авесто” кенг ҳудудда жойлашган жамиятни тасвирлаб, бу жамият уруғ-қабила муносабатлари анъаналарини ўзида сақлаган⁶⁰.

XX асрнинг ўрталарига қадар Ғарб ва совет тарихшунослигида қадимги юнон муаллифлари (Гекатей, Геродот, Ктесий) маълумотларининг таҳлили муҳим аҳамиятга эга бўлиб келди. Ушбу манбалар Ўрта Осиё элатларининг урф-одатлари, турмуш тарзи, диний эътиқоди, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ва сиёсий тарихи тўғрисида айрим маълумотлардан иборат ҳолос.

Аммо илк юнон тарихчилари Ўрта Осиёдаги қабила-элатларнинг жойлашуви ва тарихий вилоятларнинг ҳудудий чегаралари ҳақида аниқ тасаввурлардан беҳабар бўлган. Ушбу манбаларга таянган ҳолда қадимги давлатларнинг (Бактрия, Хоразм) ҳудудий таркиби ва жойлашувини аниқлаш мураккаб вазифага айланган.

Ўрта Осиё қадимги вилоятларининг ҳудудий чегаралари тўғрисидаги баҳс-мунозаралар кейинчалик фаоллашиб, бу масалани ҳал қилиш махсус тадқиқотларни амалга оширишни талаб қилган⁶¹.

1959 йилда чоп этилган В.М. Массоннинг монографиясидаги “Ўрта Осиёда Аҳамонийларга қадар давлат уюшмаларининг муаммоси ва янги археологик материаллари”⁶² деб номланган бобида шу давргача тарихшуносликда мавжуд маълумотлар таҳлил қилиниб, умумлаштирилган.

Тадқиқотчи А.В. Арциховский ва А. Марущенколарнинг ҳулосаларига, яъни Жанубий Туркменистонда мил. авв. II минг йилликда “синфий илк кулдорлик жамиятнинг” ривожланганлиги қайд этилганлигига ўз эътиборини қаратган⁶³. А.А. Росляков ҳам Жанубий Туркменистонда кулдорлик ва содда, примитив давлат ташкилотлари таркиб топганлиги тўғрисидаги фикрни билдирган⁶⁴.

⁶⁰ Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии ... – С. 121-135; Ўша муаллиф. Древняя Бактрия // По следам древних культур. От Волги до Тихого океана. – М.: Культпросвиздат, 1954. – С. 305-334.

⁶¹ Пьянков И.В. Бактрия в античной традиции (общие данные о стране: название и территория). – Душанбе: Дониш, 1982. – С. 3-62.

⁶² Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы // МИА. – № 73. – М. – Л., 1959. – С. 123-135.

⁶³ Ўша жойда. – С. 123.

⁶⁴ Росляков А.А. Краткий очерк истории Туркмении. – Ашхабад: Туркменгосиздат, 1956. – С. 19.

В.М. Массон ушбу фикрларга эътироз билдириб, бронза даврида Копедтоғ олдида яшаган қабилалар зироатчилик ва сунъий суғориш учун кичик дарё ва булоқлар сувидан фойдаланганлар, шунинг учун ҳам ушбу воҳаларда йирик суғориш иншоотлар барпо этиш талаб этилмаган, деҳқончилик ва суғориш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш айрим жамоалар учун мураккаб вазифа бўлмаган, деб ёзган⁶⁵. Ушбу вазиятда Жанубий Туркменистоннинг бронза даври аҳолиси ибтидоий жамият тизими доирасида ҳаёт кечириб, ҳеч қандай давлат ташкилотлари юзага келмаган. XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб совет тарихшунослигида Ўрта Осиёда илк давлатларнинг ташкил топиши Қадимги Шарқ ҳудудлари сингари йирик суғориш иншоотларининг барпо этилиши масаласи билан боғланган ҳолда талқин қилинган.

С.П. Толстов мил. авв. VIII-VII асрларда Хоразмда йирик каналларнинг мавжудлигини қудратли марказий давлат сиёсати билан боғлаб, Хоразмда давлат ташкилоти бўлмаганда, бундай йирик ва узун каналларни қазиб ва сақлаб бўлмас эди, деган хулосага келган⁶⁶.

В.М. Массон “Хоразмда йирик суғориш иншоотлари мил. авв. VI-V асрларда барпо этилган деб, мил. авв. IX-VIII асрларда Хоразмда содда деҳқончилик-чорвачилик маданияти (Амиробод маданияти) ривож топган ва маҳаллий бронза даври маданияти хусусиятларини сақлаб, Хоразм тупроғида ўша даврга оид пахса ёки хом ғиштдан қурилган уй-жойлар, мудофаа деворлари топилмаган, турар жойлар ярим ертўлалардан иборат бўлиб, сопол идишлар қўлда ясалган”, - деб таъкидлаган⁶⁷. Бундай хулосалар Хоразм ҳудудларида давлатнинг жуда эрта вужудга келганлигини инкор этган.

Ушбу назарияга кўра, шу давр тарихшунослигида хоразмликлар дастлаб Ўрта Осиёнинг жанубида истиқомат қилганлар, қадимги форсларнинг ҳарбий юришлари натижасида, хоразмликлар жанубдан Қуйи Амударё ерларига сиқиб чиқарилган деб, фараз қилинган.

Кейинги йилларда М.Г. Воробьева мазкур назарияни таҳлил қилиб, Хоразм давлати Қуйи Амударё ҳудудларида қадимги замонлардаёқ вужудга келган, деб хулоса чиқарди⁶⁸. А.С. Сагдуллаев ушбу масалага ўз эътиборини қаратиб, бошқачароқ хулосага келган. Унга кўра, мил. авв. I минг йилликнинг бошларида Марғиёна ва Бактрия аҳолисининг вакиллари Ўрта Амударё ва Қашқадарё воҳасига кўчиб борган. Мазкур жанубий элатларнинг гуруҳлари Хоразмда ҳам жойлашган. Улар бу ерларда маҳаллий аҳолига қўшилиб, ушбу жараён этник жиҳатдан ёзма манбаларда тилга олинган “хорасмийлар” элатига асос солган. Демак, тадқиқотчининг фикрига кўра, Аҳамонийлар даврига қадар Ўрта Осиёнинг жанубида хоразмликлар истиқомат

⁶⁵ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – С. 125.

⁶⁶ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 341; Ўша муаллиф. По следам древнехорезмийской цивилизации ... – С. 103.

⁶⁷ Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы ... – С. 126.

⁶⁸ Воробьева М.Г. Проблема “Большого Хорезма” и археология // Этнография и археология Средней Азии. – М.: Наука, 1979. – С. 41.

қилмаганлар, улар Марғиёна – Бактрия ва маҳаллий аҳолининг этномаданий синтези асосида айнан Хоразмда пайдо бўлганлар⁶⁹.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб “Ўрта Осиёда қулдорлик давлатларнинг шаклланиши”, “Ўрта Осиёдаги қулдорлик давлатлар” деган мавзулар дарсликлар ва умумлаштирилган монографияларда кенг ўрин олган⁷⁰. Тарихий адабиётларда мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг зироатчилик вилоятларида йирик суғориш иншоотларининг барпо этилиши, қалъа ва шаҳарларнинг пайдо бўлиши давлатчиликнинг асосий омиллари сифатида ёритилган.

А.В. Арциховскийнинг 1955 йилда чоп этилган ва 1970 йилда ўзбек тилига таржима қилинган “Археология асослари” дарслигида қуйидаги маълумотлар мавжуд: “Амударёдан олинган катта суғориш каналлари қазилганлиги синфий тузум ва қулдорлик давлати пайдо бўлганлигидан аниқ далолат беради. Одамлар яшайдиган деворлардан иборат шаҳар харобалари тарқалганлиги шу каналларга боғлиқдир. Чорвачилик билан бирга деҳқончилик хўжаликнинг негизини ташкил этган, каналлар шунчалик кўп қазилганки, бу ишни ибтидоий жамоа тузumi даврида амалга ошириш мумкин эмас эди”⁷¹.

Демак, асосий хулосалар шундан иборатки, бундай ишлар давлатчилик шароитида амалга оширилган, каналларни фақат қуллар қазishi мумкин бўлган, “ҳеч қанақа давлат эркин жамоатчиларни бундай ғоят катта ер ишларини бажаришга мажбур этолмас эди”⁷². Минтақа ижтимоий-иқтисодий тарихида ирригация муҳим аҳамиятга эга бўлган, ирригация ишларини амалга оширишга жамоатчилар кенг жалб қилинган, деб хулоса чиқарилган⁷³.

Турли уй-жойлар ва қабрларда топиб текширилган буюмлар ҳамда хазиналар жамиятдаги мулкый тенгсизлик ва ижтимоий табақаланиш (ҳарбий зодагонлар, жамоа зодагонлари, оддий жамоатчилар, қарам кишилар, асирлар-қуллар) жараёнларининг кўрсаткичи бўлиб, В.М. Массоннинг фикрига кўра, жамиятда қарама-қарши синфларнинг пайдо бўлганлиги, яъни илк синфий жамиятнинг шаклланганлигини тасдиқлайди⁷⁴.

⁶⁹ Сагдуллаев А.С. Маргиана и Бактрия. Исторические традиции и культурные связи в доантичную эпоху // Древний Мерв. – Ашхабад: Ёлым, 1989. – С. 17.

⁷⁰ Очерки истории СССР. Первобытно-общинный строй и древнейшие государства на территории СССР. – М., 1956. – С. 241 и сл. ; Мартынов А.И. Археология СССР. Гл. XI. 1. Земледельческие народы Средней Азии в эпоху рабовладельческого строя. – М.: Высшая школа. 1973. – С. 198-207; История СССР. – М.: Высшая школа. 1983. – С. 16-24; Авдусин Д.А. Археология СССР. Раздел III. Гл. XV. Рабовладельческие и феодальные государства Средней Азии и Сибири. – М.: Высшая школа. 1977. – С. 187-190.

⁷¹ Арциховский А.В. Археология асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 176.

⁷² Очерки истории СССР ... – С. 244; Арциховский А.В. Ўша асар... – Б. 176.

⁷³ Андрианов Б.В., Мухамеджанов А.Р. Ирригация и ее роль в социально-экономической истории древней и средневековой истории Средней Азии // Общественные науки в Узбекистане. – 1980. – № 11. – С. 35-42.

⁷⁴ Массон В.М. Экономика и социальный строй древних обществ ... – С. 184, рис. 22; Ўша муаллиф. Эпоха первых цивилизаций // Вопросы истории. – 1986. – № 3. – С. 49-63..

XX аср 80-йилларининг ўрталарида Ўрта Осиёдаги илк давлатлар масаласини М.А. Дандамаев, В.И. Сарияниди ва Г.А. Кошеленколар таҳлил қилганлар. Улар Арёнам Вайжо (қадимги Хоразм) тўғрисидаги И. Маркварт, қадимшунослар С.П. Толстов ва М.М. Дьяконовларнинг хулосалари ҳамда “Катта Хоразм” ҳақидаги В.Б. Хеннинг ва И. Гершевичларнинг назарияларига ўз эътиборини қаратган⁷⁵.

М.А. Дандамаев мил. авв. VIII-VI асрларда Хоразмда йирик кулдорлик давлатининг ривожланганлиги ҳақидаги фикрларга ҳам қарши чиқиб, қуйидаги хулосаларни чиқарган: “Аҳамонийлар давригача Ўрта Осиёда жадал ривожланган шаҳар ҳаёти ва мустақкам давлат уюшмалари номаълум бўлиб, хунармандчилик деҳқончиликдан ажралмаган эди. Илк шаҳарлар Ўрта Осиёда мил. авв. I минг йилликнинг ўрталарида шакллана бошлаган. Улар Сўғдиёна, Бактрия ва Марғиёна марказлари бўлган. Мил. авв. VII асрда ушбу вилоятларнинг ҳудудларида сунъий суғоришга асосланган нисбатан юксак деҳқончилик маданияти шаклланган, аммо йирик давлат уюшмалари вужудга келмаган эди”⁷⁶.

Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, М.А. Дандамаев Ўрта Осиёда тўпланган археологик маълумотларни етарли даражада таҳлил қилмаган. Минтақада бронза давридан бошлаб қадимги деҳқончилик маданияти кенг ёйилади. В.М. Массон, А.А. Асқаров, В.И. Сарияниди, И. Масимов ва бошқа олимларнинг тадқиқотларига кўра, бронза даврида махсус хунармандчилик ишлаб чиқариши вужудга келган, яъни хунармандчилик ихтисослашган ёки касбий бўлиб, деҳқончиликдан ажралиб чиққан. Умуман олганда, бронза даврида Ўрта Осиёнинг зироатчи аҳолиси хўжалик, хунармандчилик, бинокорлик ва меъморчилик соҳаларида катта муваффақиятларга эришган. Ушбу анъаналар илк темир даврида – мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида янги асосларда ривожлантирилган. М.А. Дандамаевнинг асари билан бирга 1985 йилда “Кавказ ва Ўрта Осиёнинг энг қадимги давлатлари” деган умумлаштирилган монография нашр этилган эди. Китобда асосан археология масалалари кўриб чиқилган. Ўрта Осиё археологиясига тегишли хулоса қисмининг муаллифлари В.И. Сарияниди ва Г.А. Кошеленко давлатчилик тарихига оид айрим фикрларни билдирганлар. Уларнинг ёзишича, мил. авв. I минг йилликнинг биринчи ярмида Ўрта Осиёнинг жанубида ижтимоий тизимнинг босқичма-босқич мураккаблашуви жараёни кузатилади. Ўтроқ аҳолининг деҳқончилик воҳаларда жойлашуви ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш зарурати бошқарувнинг пайдо бўлишига асос солган. Турли - туман воҳаларда содда давлатчилик уюшмалари таркиб топган.

Минтақа ҳудудларига тегишли “қадим Хоразм цивилизацияси” тушунчасини дастлаб С.П. Толстов фанга татбиқ қилган. Мустақиллик йилларида собиқ даврда Ўрта Осиё ҳудудларида амалга оширилган

⁷⁵ Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы. – М.: Наука, 1985. – С. 28-31.

⁷⁶ Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы... – С. 32.

археологик тадқиқотлар натижалари инкор этилмади ва ижобий баҳоланди, мисол учун, Хоразмдаги кашфиётлар тўғрисида қуйидаги хулосалар мавжуд: “Олимларнинг эллик йилдан зиёд олиб борган қаҳрамонона меҳнат маҳсулотлари “Труды Хорезмской экспедиции”нинг 16 та жилдида, “Материалы Хорезмской экспедиции”нинг 9 та жузида, “Низовья Сырдарьи в древности”нинг 5 та жузида, шунингдек юзлаб илмий мақолаларда, монографиялар ва тўпламларда ёритилди”⁷⁷.

Ана шу олимларнинг изланишлари туфайли Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихи XX асрнинг 90-йилларида янги асосларда тадқиқ қилинди.

И.В. Пьянков “Катта Хоразм” давлати масаласини кўриб чиқиб, бу борада И. Маркварт, В. Хеннинг, И. Гершевич, С.П. Толстов, И.М. Дьяконов, М.Г. Воробьева, И.Н. Хлопин ва бошқа тадқиқотчиларнинг хулосаларини таҳлил қилган. Юнон тарихчиси Гекатейнинг хабарларига асосланиб, олим хоразмликларнинг ҳудудий жойлашишини Туркман-Хуросон тоғ олди ерлари билан боғлаб, хоразмликлар Аҳамонийлар даврида жанубдан қуйи Амударё ҳудудларига кўчирилди деган хулосага келиб, В.М. Массон ва М.А. Дандамаевлар сингари қадимги Хоразм давлатининг қуйи Амударё ерларида мавжудлигини рад этган⁷⁸.

А.А. Асқаровнинг фикрига кўра, “хорасмийларнинг дастлабки ватани Бактриядан жанубда, Ареядан шарқда Ҳерируд ва Хилменд дарёларининг юқори ҳавзасида, ҳозирги Ҳирот водийсида бўлган”⁷⁹.

Тадқиқотчи С.Б. Болелов, Ўрта Амударё ва Хоразм ҳудудларига Бактрия аҳолиси вакиллариининг кўчиб келганлиги тўғрисидаги хулосага⁸⁰ қўшилиб, ушбу воқеа милoddан аввалги VI асрнинг биринчи ярмида содир бўлган, деб ёзган⁸¹. В.Н. Ягодиннинг таъкидлашича, Шимолий Бактрия аҳолисининг Хоразмга миграцияси ҳақида Хумбузтепада топиб текширилган археологик маълумотлар далолат беради⁸².

Бизнинг фикримизча, Хоразм воҳасида хўжалик юритган қабилалар дарё ирмоқлари ва ундан чиқарилган сунъий иншоотлар соҳили яқинларида, шаҳарлар қуриб майда деҳқончилик воҳаларида истиқомат қилганлар. Хоразм воҳаси аҳолиси Аҳамонийлар келгунга қадар, ҳарбий-сиёсий вазият тақозоси билан Кўзалиқир қаби шаҳар-давлатларни бунёд этган бўлишлари ҳам мумкин. Аммо бу фикримиз анча баҳсли масала бўлиб, чуқур археологик

⁷⁷ Қадим Хоразм цивилизацияси // Фан ва турмуш. – 2006. – № 1-3. – Б. 5.; Қадимги Хоразм давлати мавзусига бағишланган янги адабиётлардан, қаранг: Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (1 цикл) // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. – 2007. – № 1. – С. 75-79.

⁷⁸ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... – С. 239-241; Ўша муаллиф. Ктесий о Зороастре ... – С. 64. Ўша муаллиф. Хорасмий Гекатей Милетского ... – С. 16-18.

⁷⁹ Асқаров А. Ўзбек халқининг этногенези ва этник тарихи. – Т.: Университет, 2007. – Б. 113.

⁸⁰ Сагдуллаев А.С. Маргиана и Бактрия... – С. 17.

⁸¹ Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбуз-тепе. // Общественные науки в Узбекистане. – 1999. – № 9-10. – С. 90.

⁸² Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (2 цикл) // Вестник Каракалпакского отделения АН РУз. – 2007. – № 2. – С. 71.

тадқиқотларни талаб этади, холос. Зеро, худди шу даврда ташкил топган сиёсий бирлашма Чармоняп, Даудон, Дарёлик, Калтаминор, Полвоняп, Амиробод ва Хазорасп каби суғориш иншоотларини қурдирганки, уларнинг умумий узунлиги 70 км. ни ташкил қилган. Бундай катта ҳажмдаги суғориш иншоотларини қуриш, унинг соҳилидаги ҳудудларда катта ва ўрта даражали шаҳарларни қуриш ишлари, марказлашган давлат фаолияти билан боғлиқлигини яққол тасвирлайди. Сўнгги йилларда чоп этилган адабиётларда Хоразмда илк давлатчилик ва қадимги бошқарув масалаларига янгича ёндашувлар кузатилмоқда. Бундай ёндашувлар Ю.А. Рапопорт, Л.Т. Яблонский, С.Б. Болелов, С. Матрасулов, С.Р. Баратов, Б.И. Вайнберг ва В.Н. Ягодин тадқиқотларида ўз аксини топган⁸³.

Хоразм шаҳар харобаларида амалга оширилган янги археологик тадқиқотлар натижасида, Қуйи Амударё ҳудудларида илк шаҳарсозлик маданиятидан далолат берувчи янги маълумотлар топиб текширилди⁸⁴. XX аср тарихшунослигида ушбу маданиятнинг шаклланиши илмий фараз сифатида Бактрия ва Марғиёна аҳолисининг Хоразм ҳудудларига кириб келиши (миграцияси) билан боғланган. Янги археологик кашфиётлар Хоразмда Аҳамонийлар давригача давлатчиликнинг пайдо бўлганлигини тасдиқлайди. Ю.А. Рапопортнинг фикрига кўра, қадимги Хоразм давлати мил. авв. VII-VI асрлар чегарасида вужудга келган⁸⁵. В.Н. Ягодиннинг таъкидлашича, Хоразмдаги илк давлатчилик ўчоқлари Кўзалиқир ва Хазорасп шаҳарлари атрофларида шаклланган⁸⁶.

“Авесто”да ўз аксини топган тарихий география тўғрисидаги маълумотларни А.С. Сагдуллаев ҳам таҳлил қилган. Тадқиқотчининг маълумотига кўра, “Авесто”нинг мамлакатлар рўйхатида биринчи навбатда тилга олинаётган Арёшайёна, Арёнам Вайжони – бу кенг ҳудудда жойлашган ўлка деб тушуниш мумкин. Видевдат китобининг махсус бобида Арёнам Вайжо Ванхви Даити дарёси атрофида жойлашган, деб эълон қилинган.

⁸³ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998. – 31 с.; Яблонский Л.Т. Саки Южного Приаралья (археология и антропология могильников). – М.: Вост. лит. РАН, 1991. – 328 с.; Болелов С.Б. Некоторые итоги археологических работ на Хумбуз-тепе // Общественные науки в Узбекистане. – 1999. – № 9-10. – С. 85-90; Вайнберг Б.И. Этногеография Турана в древности. – М.: Вост. лит. РАН, 1999. – 287 с.; Баратов С., Матрасулов Ш., Мадаминов М.Р. Археологические исследования в Узбекистане. – 2002 год. Вып. – 3. Археологические работы в Южном Хорезме // Археологические исследования в Узбекистане. – Т., 2003. – С. 38-45; Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (1 цикл)... – С. 75-79; (2 цикл)... – С. 70-78.

⁸⁴ Беттс А.В., Ягодин В.Н., Ходжаниязов Г.Х. Археологические изыскания в древнем Ташкырманском оазисе // Археологические исследования в Узбекистане. 2004-2005 гг. – Т.: Фан, 2006. – С. 55-64.

⁸⁵ Рапопорт Ю.А. Краткий очерк истории Хорезма в древности // Приаралье в древности и средневековье. – М.: Наука, 1998. – С. 29-30.

⁸⁶ Ягодин В.Н. Древнейшая государственность и проблема “Большого Хорезма” (2 цикл)... – С. 75-76.

Ванхви Даити дарёси бизга номаълум бўлиб, уни йирик серсув дарё, деб фараз қилиш мумкин. Арёнам Вайжо иқлими баланд тоғли вилоятлар табиатига яқин бўлиб кўринади. Аммо Арёнам Вайжонинг географик чегаралари тўғрисида “Авесто”да аниқ маълумотлар йўқ”⁸⁷, деб хулоса чиқарилган.

И.В. Пьянковнинг ёзишича, Ванхви Даити (Вахви Датъя) – бу Амударё бўлиб, “Авесто”даги Хара, яъни Помир тоғларидан бошланган. Тадқиқотчи “Авесто” географиясида Хоразм чекка ўлка сифатида тасвирланган, деб таъкидлаган⁸⁸.

XX аср 90-йилларининг айрим нашрларида олдинги йиллар тарихшунослигининг камчиликлари сифатида Ўрта Осиёнинг илк давлатчилиги тарихига оид ижтимоий муносабатлар масаласи кўрилмаган, “мавжуд фикрларда асосан кулдорлик муносабатлари бўлганлиги таъкидланган”, деб хулоса чиқарилган⁸⁹. Бундай хулосага тўлиқ қўшилиб бўлмайди, чунки бир қатор монографиялар ва мақолаларда бронза ва илк темир даври ижтимоий-иқтисодий муносабатлари, жумладан, масалага тегишли “Авесто” маълумотлари ўз таҳлилини топган.

Шу давр тарихшунослигининг яна бир хусусияти шундан иборат эдики, Ўрта Осиёда илк давлатчилик тарихини ёритишда (масалан, мазкур диссертацияда тилга олинган ва иқтибослар берилган И.В. Пьянков, В.И. Сарияниди, С.С. Қудратов ва бошқа олимларнинг асарлари), аввалги йилларда минтақа тарихшунослигида давлатлар ривожланишининг даврлаштирилиши натижалари махсус кўриб чиқилмаган. Аммо, бу йўналишда турли қарашлар ва ёндашувларнинг мавжудлиги маълум. Илк давлатларни даврлаштириш масаласи ҳозиргача муаммоли бўлиб, ўз ечимини топмаган.

XX асрнинг 90-йилларида, тадқиқотчилар илк давлатларнинг шакллари, бошқарув тизими ва ижтимоий муносабатлари каби мавзуларни таҳлил қилишга ҳаракат қилганлар.

Илк давлатларнинг ривожланиш босқичлари ва турларини ўрганиш мақсадида И.М. Дьяконов ва В.А. Якобсонлар назариясидан кенг фойдаланилди, унга кўра, давлатнинг қадимги шакллари куйидагича таъкидланган: шаҳар-давлат (“ном”), подшолик (ўртамиёна ҳудудий давлат), империя (йирик ҳудудий давлат)⁹⁰.

Иккидарё оралиғи (Месопотамия) мисолида шаҳар-давлатлар муҳофаа деворлари билан ўралган бўлиб, уларнинг ҳудудларида бош ибодатхона, маъмурият бинолари, ҳунармандчилик устaxonалари, озиқ-овқат омборлари жойлашган.

В.М. Массон, В.И. Сарияниди, А.А. Асқаров, Т.Ш. Ширинов ва бошқа тадқиқотчилар ушбу назариянинг тарафдорлари бўлиб, бронза даврида Ўрта

⁸⁷ Сагдуллаев А. Қадимги Ўрта Осиё тарихи ... – Б. 45.

⁸⁸ Пьянков И.В. Древнейшие государственные образования ... – С. 247.

⁸⁹ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... – Б. 42.

⁹⁰ Дьяконов И.М., Якобсон В.А. “Номовые государства”, “территориальные царства”, “полисы” и империи”. Проблемы типологии // Вестник древней истории. – 1982. – № 2. – С. 3-16.

Осиё жанубида ва Шимолий Афғонистонда (Олтинтепа, Гонур, Тоголок, Даштли ҳамда Жарқўтон мисолида) шаҳар-давлатлар, “номлар” вужудга келганлигини таъкидлаганлар⁹¹. В.И. Сарианиди Мурғоб воҳасидаги бронза даври ёдгорликлари мисолида “Қадимги Шарқ подшолиги” деган саволни рўёбга чиқарди⁹². Бизнингча, бу тарихий атама нотўғри номланган, чунки “Шарқ” тушунчаси жуда кенг.

Археологик маълумотларга кўра, Даштли, Гонур ва Жарқўтондаги топиб текширилган сарой, ибодатхона, ҳунармандчилик устахоналари муҳофаа деворлари билан ўраб олинмаган.

Илк давлатларнинг археологик белгилари ва шакллари муаммоси С.С. Қудратов ва Ш. Шайдуллаев нашрларида кўриб чиқилган⁹³. С.С. Қудратовнинг рисоласида шаҳар-давлатлар ва подшоликларнинг пайдо бўлиши санаси, “Қатта Хоразм”, Қадимги Бактрия давлати, илк давлатларнинг турлари каби масалалар таҳлил қилинган⁹⁴. Фикримизча, ушбу рисоланинг бир кичик камчилиги шундан иборатки, XX аср тарихшунослигида мавжуд ҳулосалар ва назариялар етарли даражада танқидий ёритилмаган.

Сўнгги йилларда Э.В. Ртвеладзе тарихий цивилизациялар, давлатлар ва қадимги шаҳарлар каби муаммоларни таҳлил қилди. Тадқиқотчи минтақада давлатчилик шаклланиши ва ривожланиши жараёнини икки давр билан боғлаган:

мил. авв. II минг йилликнинг иккинчи ярми, Жарқўтон мисолида, “ном” шаклидаги давлатга ўхшаш тузилманинг пайдо бўлиши;

мил. авв. I минг йилликнинг бошлари - мил. авв. 539 йил Бактрия, “Қатта Хоразм” ва кўчманчиларнинг сиёсий конфедерацияларининг ташкил топиши⁹⁵.

Э.В. Ртвеладзе, А.Х. Саидов, Е.В. Абдуллаевлар монографиясида Ўрта Осиёда қадимги ҳуқуқий тизимларнинг пайдо бўлиши, зардуштийлик ҳуқуқи ва “Авесто”да ҳуқуқий ғоялар каби масалалар ёритилган⁹⁶. Тадқиқотчилар “Авесто”да тилга олинган жазо (ўлим жазоси, қамоқхонага маҳкум этиш, жисмоний жазо, гуноҳни ювиш, қондошлик ўчи) ва динга қарши, шахсга қарши, ҳайвонларга қарши, ахлоққа қарши, табиат кучларига қарши жиноятларни атрофлича таҳлил қилганлар⁹⁷.

⁹¹ Массон В.М. Эпоха первых цивилизаций // Вопросы истории. – 1986. – № 3. – С. 49-63; Сарианиди В.И. Древности страны Маргуш. – Ашгабат: Ўлим, 1990. – С. 300-304; Аскарлов А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности // Общественные науки в Узбекистане. – 1997. – № 3. – С. 65-76; Ширинов Т. Средняя Азия во II тысячелетии до н.э. и протозооастризм // История материальной культуры Узбекистана. – Самарканд, 2000. – Вып. 3. – С. 35-48.

⁹² Сарианиди В.И. Маргуш. Древневосточное царство в старой дельте реки Мургаб. – Ашгабат: Ўлим, 2002. – 272 с.

⁹³ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида илк давлатларнинг пайдо бўлиши...; Шайдуллаев Ш. Илк давлатларнинг археологик белгилари ... – Б. 5.

⁹⁴ Қудратов С.С. Марказий Осиё ҳудудида ... – Б. 21-34.

⁹⁵ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Қадимги Ўзбекистон цивилизацияси ... – Б. 48-49; Ртвеладзе Э.В. Цивилизации, государства, культуры Центральной Азии ... – С. 50-51.

⁹⁶ Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х., Абдуллаев Е.В. Кўрсатилган асар. – Б. 216-239.

⁹⁷ Ўша асар. – Б. 234-235.

Қадимги давлатчилик масаласи А.А. Асқаровнинг янги тадқиқотларида ҳам ўз аксини топиб, илк давлатларнинг пайдо бўлиши санаси, шарт – шароитлари, омиллари ва ривожланиш хусусиятлари таҳлил қилинган⁹⁸.

Ўрта Осиёда илк давлатчилик муаммосининг ўрганилиши натижалари юзасидан қуйидагича хулосаларга келиш мумкин:

– XX асрнинг 30-йилларига қадар Ғарб тарихшунослигида асосан Бақтрия ва Хоразм давлати масаласи таҳлил топиб, баҳс-мунозараларга асос солган; совет даври тарихшунослигида ушбу масала ёзма ва археология маълумотларининг қиёсий таҳлили асосида ўрганилган бўлиб, бир гуруҳ олимлар томонидан Аҳамонийлар даврига қадар Ўрта Осиёнинг жанубида “Катта Хоразм” давлатининг мавжудлиги ва Қадимги Бақтрия давлатининг ривожланганлиги тан олинган. Қуйи Амударё ҳудудларида пайдо бўлган Хоразм давлати тўғрисидаги ғоя маълум қаршиликларга дуч келган бўлиб, ҳатто XXI аср бўсағасида чоп этилган мақолаларда Хоразм цивилизациясининг шаклланиши мил. авв. VI- IV асрлар билан боғланди⁹⁹;

⁹⁸ Асқаров А.А. Некоторые вопросы истории становления узбекской государственности ... – С. 65-76.

⁹⁹ Массон В.М. Цивилизация древнего Хорезма (этапы и пути самоидентификации) // ИМКУ. – Самарканд, 1999. – Вып. 30. – С. 89-90.

II.2. Антик давр Хоразм шаҳарлари ва уларнинг давлатчилик анъаналари ривождаги ўрни ҳамда уларнинг моддий-маънавий маданияти.

Милоддан аввалги V аср охирларида Хоразмнинг Марказий Осиё жанубий ҳудудлари билан иқтисодий алоқалари тўлиқ шаклланади ва бу ҳудудлар орқали Аҳмонийларнинг йирик савдо марказлари билан алоқалар олиб борилган. Милоддан аввалги IV аср биринчи ярмида Хоразмни Аҳамонийларнинг ғарбий вилоятлари билан боғловчи ва Сарикамиш ҳамда Узбой орқали Каспий денгизга олиб боровчи сув йўли юзага келдики, бу алоқалар ривожланиб, бутун милоддан аввалги IV-II асрлар маданий қиёфасига таъсир қилди. Бундан ташқари, Хоразмнинг ўз мустақиллигини йўқотиб Аҳамонийлар таркибига киришининг ўзи ҳам бир қатор ижобий ўзгаришларга олиб келдики, бу ўзгаришлар савдо-сотиқ алоқаларининг тараққий қилишига таъсир қилмасдан қолмасди. Биринчидан, Хоразм жуда юксак маданият яратган Олд Осиё халқлари таъсир доирасига тортилди, иккинчидан кучли марказлашган ҳокимиятнинг мавжудлиги деҳқончиликнинг ва унга боғлиқ ҳолда ҳунармандчиликнинг ривожланишига олиб келди, учинчидан, иқтисодий соҳаларда ўзаро тажриба алмашиш жараёни, бу соҳаларнинг янада ривожланишини таъминлади; тўртинчидан, хоразмликларнинг Аҳамонийларнинг сиёсий жараёнига тортилиши ва уларнинг юришларида қатнашишларида, деҳқончилик маданияти юксак тараққий қилган Бобил ва Миср, ҳунармандчилик юксак тараққий қилган Юнонистон ва Кичик Осиё мамлакатлари Хоразмнинг ҳўжалик ва маданий ҳаётига, айниқса, ҳунармандчилик ишлаб чиқариши ривожига озгина бўлса ҳам, ўз таъсирини ўтказмасдан қолмасдилар. Ва ниҳоят, энг асосийси ягона улкан ҳудудда, ягона бозорнинг мавжудлиги Хоразмнинг бу мамлакатлар билан олиб борадиган савдо-сотиқ алоқаларининг ривожига энг муҳим омил бўлди.

Археологик тадқиқотлар натижасида Хоразм ҳудудида бу даврга оид шаҳарлар савдо марказларининг кам бўлишини кўрсатса ҳам, бу шаҳарлардан топилган материалларнинг ўзиёқ савдо-сотиқ алоқаларининг қандай даражада бўлганлигини кўрсатади. Милоддан аввалги VII-IV асрларга оид Кўзалиқир, Қалъалиқир-1, Ойбўғирқалъа ва Дингилжа ёдгорликларидан темир ишлаш, кулолчилик устахоналари қолдиқлари топилди. Бундан ташқари, милоддан аввалги V асрга оид сопол идишларга нисбатан жуда сифатлики, бу хол буюмларнинг фақат ички эҳтиёж учун ишлаб чиқарилмасдан, четга чиқариш учун мўлжалланганлигидан далолат беради. Дингилжа ёдгорлигидан ферузадан маржон ишлаш устахонасининг топилиши эса юқоридаги Хоразмдан четга кўплаб феруза чиқарилганлиги тўғрисидаги маълумотнинг яна бир тасдиғидир¹⁰⁰. Шимоли-Ғарбий Туркменистон ҳудудида, кўпроқ юқори Узбойнинг милоддан аввалги IV аср ва III-II аср ёдгорликларида кўплаб Хоразм сопол буюмлари учрайди. Бундан

¹⁰⁰ Очерки истории Каракалпакской АССР. Т I, с.47

ташқари бу ҳудудга Хоразмдан безак буюмлари ва майда тош идишлар ҳам келтирилган.

Умуман, VI-V асрлардаги жараёнлар Хоразмнинг милoddан аввалги IV-милодий IV асрлардаги тараққиётига замин бўлган. Хоразм бу даврда ҳар томонлама ривожланиб, ўз тараққиётининг чўққисига чиқади.

Хоразмда милoddан аввалги IV ва милодий IV асрлар савдо шаҳарларининг сони жуда кўпайган. Жонбосқалъа, Бозорқалъа, Қўйқирилганқалъа, Аёзқалъа, Қўрғошинқалъа, Тупроққалъа, Жилдикқалъа, Хива, Хазорасп ва шу каби шаҳарлар савдо марказлари бўлиб, бу ёдгорликлардан топилган материаллар, айниқса, маржон безаклар баъзи хулосалар чиқариш учун имкон беради. Топилган маржонларнинг кўпчилиги четдан – Сурия, Миср ва Шимолий Қора денгиз бўйларида келтирилган. Қўйқирилганқалъадан топилган аёл тасвирланган ва болали маймун ҳайкалчалари Ҳиндистондан келтирилган¹⁰¹.

Айниқса, бу даврда Хоразмнинг улкан Кушон империяси таркибига кириши учун ҳатто узоқ Ҳиндистон билан ҳам савдо-сотиқ алоқаларини ўрнатиш имконини берди.

Кушон даврида Буюк Ипак йўлининг тўла шаклланиб бўлиши ҳам савдо-сотиқ ривожига туртки бўлди.

Милoddан аввалги I аср, милодий I асрдан бошлаб Хоразм ўз тангасини зарб қила бошладики, бу ўз навбатида, ички савдонинг ривожланишига имкон яратди.

Айнан Кушон давридан бошлаб Хоразм йирик транзит савдо марказлари-дан бирига айланган.

Марказий Осиёнинг Амударё бўйи ҳудудларидан ва I-II асрларда сув оқа бошлаган Узбой орқали Ҳиндистондан Каспий денгизга ва ҳатто Кавказорти орқали Қора денгиз бўйига савдо йўли ўтган. Узбой қирғоқлари бўйлаб Игдиқалъа томон ҳинд-каспий сув йўли орқали тўхтовсиз савдо-сотиқ алоқалари амалга оширилган¹⁰². Масалан, Ичонлидепа ва Қалъалиқир II ёдгорликларида олиб борилган археологик қазув натижасида Кавказорти хунармандчилик марказларида тайёрланган кулолчилик буюмлари топилган¹⁰³.

Буюк Ипак йўлининг жанубий тармоғи орқали, Хоразмга Афғонистондан сердолик-тош маржонлар, Ҳиндистондан турли хил терракот ва суяк ҳайкалчалар келтирилган. Қўйқирилганқалъа ва Жонбосқалъани археологик текшириш давомида Миср чиннисидан ишланган узум боши шаклидаги безак буюмлар, маржонлар ва худо Бесс ҳайкалчаси топилган. Бу буюмлар Хоразм шаҳарларига эллинистик даврда, Буюк Кушонлар замонида фаоллашган ғарб билан бўладиган савдо туфайлигина келтирилиши мумкин

¹⁰¹ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 127-128; 172; 371-бетлар

¹⁰² Мамбетуллаев М.М. О торговых связях Хорезма в древности и средневековье. Города и каравансарай на трассах... с.44

¹⁰³ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник: Древность и раннее средневековье. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1999, с.23.

эди¹⁰⁴. Транзит савдо Хоразм шаҳарлари фаровонлигининг ўсишига имкон беради.

Хоразмликлар узоқ Хитой давлати билан икки томонлама фойдали алоқаларни кучайтиришга интиланлар. Машҳур тарихчи Сима Цзянь ўзининг «Шицзи» («Тарихий эсдаликлар») асарида шундай деб маълумот қолдирган: «Гуйшуй (Амударё) дарёси бўйларида савдогар ва тожирлар яшайди. Улар сув ва қуруқлик йўллари орқали ўз молларининг қўшни ўлкаларга ва ҳатто минг ли узоқликдаги ўлкаларга олиб борадилар»¹⁰⁵. Ушбу маълумот Хоразмлик савдогарларга ҳам тегишли бўлиши мумкин.

Аммо IV асрда бошланган "халқларнинг буюк кўчиши" ва қулдорлик тузумининг инқироzi билан боғлиқ жараёнлар Хоразмнинг бутун ижтимоий-иқтисодий ҳаётига кучли таъсир қилиб, иқтисодий ҳаётда тушқунлик даври бошланди. Бу жараён савдо-сотиқ алоқаларига ҳам кучли таъсир кўрсатиши натижасида, савдо шаҳарларининг сони кескин камайиб кетади. IV-V асрларда Амударё сув оқимининг ўзгариши ва бу билан боғлиқ ҳолда чапқирғоқ Хоразм ҳамда шимоли-ғарбий Туркманистон ерларининг қуриб қолиши натижасида ғарбга – Эронга йўналган савдо йўли фаолияти тўхтаб қолади ва фақат ривожланган ўрта асрларга келиб, бу йўл яна тикланади.

Хоразмнинг жаҳон халқлари билан иқтисодий-маданий алоқалари тарихи, шубҳасиз, савдо марказлари тарихидан илгарироқ бошланади. Чунончи, археологик изланишлар натижасида бундай алоқаларнинг илдизлари неолит даври калтаминор маданиятига бориб тақалишини аллақачон исботлаганлар. Хоразм савдо марказлари, аниқроғи, шаҳарлар эса анча кейин, милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи чорагида вужудга келганлиги ҳам археологик маълумотлар орқали тасдиқланган. Аммо савдо марказларининг вужудга келиши билан иқтисодий-маданий алоқалар ниҳоятда кенгайиб, ўз таъсирига янада кўпдан-кўп халқлар ва давлатларни тортган. Хусусан, неолит даврига оид Калтаминор маданиятидан топилган зеб-зийнат буюмларининг фақат Қизил денгиз, Форс ва Араб бўғозларида учровчи чиғаноқлардан ясалганлиги, Волгабўйи, Сибирь ва Қозоғистон ҳудудларидан топилган зеб-зийнат буюмларининг эса фақат Амударёда учрайдиган чиғаноқлардан ясалганлиги алоқаларнинг жуда қадим замонларданоқ анча катта ҳудудни ўз таъсир доирасига олганлигини кўрсатади¹⁰⁶. Калтаминор маданиятининг таъсир доирасини кузатадиган бўлсак, унинг таъсири Оролбўйидан то Хитойнинг Шинжон вилояти ва Гоби чўлигача, юқорида Жанубий Қозоғистон, Волгабўйи ва Жанубий Сибиргача ёйилганини кўрамиз.

Кейинчалик, Хоразмда шимол эмас, балки жанубнинг, яъни Қадимги Шарқ деҳқончилик марказларининг таъсири кучайиб, бунинг оқибатида Хоразм ҳудудида ўзлаштирувчи хўжалиқдан аста-секин ишлаб чиқарувчи

¹⁰⁴ Ўша жойда: с.44

¹⁰⁵ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. Энциклопедический справочник: Древность и раннее средневековье. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 1999, с.22.

¹⁰⁶ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 78-82-бетлар.

хўжаликка ўтилишини кузатамиз. Бронза даврига оид Тозабогёп маданиятидан энг дастлабки суғориш каналлари излари ва Жанубий Туркменистон худудига хос услубда ишланган кулолчилик маҳсулотларининг топилиши бунинг яққол далилидир.

Хуллас, бу алоқаларнинг ҳаммаси Хоразм милоддан аввалги IV-III минг йилликлардаёқ ўрта Шарқнинг қадимги цивилизациялари олами билан узоқ совуқ Шимолни бевосита боғловчи халқа ролини ўйнай бошлаганлигини ва бу, кейинчалик, айникса ёрқин тус олганлигини кўрсатади. Археологик, этнографик, лингвистик маълумотлар милоддан аввалги II-I минг йилликларда хоразмликларнинг иқтисодий-маданий алоқалари янада кенгайиб бораётганлигини тасдиқлайди. Энди у ўз таъсир доирасига Қора ва Каспий денгизлари бўйларида яшовчи фрак-киммерий ва скиф қабилаларини ҳам тортади. Бу алоқаларнинг мавжудлигини машҳур археолог ва этнограф С.П.Толстов археологик, этнографик, лингвистик, топонимик ва ономастик далиллар билан тўлиқ асослаб берган¹⁰⁷. Сўнгги бронза ва илк темир даврига оид Амиробод маданиятидан иқтисодий-маданий алоқаларнинг излари етарлича топилди. Бунинг устига бу даврда жамият энди цивилизация чегарасида туради. Савдо марказларининг вужудга келиши учун яна бир қадам ташлаш керак, холос. Милоддан аввалги VII-VI асрларда Хоразм ўз тарихининг ана шу янги даврига кирди.

Милоддан аввалги VII аср охири-VI аср бошларига келиб Хоразм худудида илк синфий жамият – қулдорлик давлати вужудга келди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги тараққиёт билан боғлиқ бўлиб, бу ўринда ўша даврда вужудга келган йирик-йирик суғориш каналларидан фойдаланиш асосида ривож топган суғорма деҳқончилик ҳал қилувчи роль ўйнади. Узунлиги 60-70 км га чўзилган улкан Гавхоре ва Чермонёб каналлари тармоғи худди шу даврларда қуриб битказилди. Хоразм тарихининг бундан кейинги сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим роль ўйнаган илк савдо марказлари ҳам шу даврда пайдо бўлди. С.П.Толстов томонидан ўрганилган ва "деворлари ичида аҳоли яшаган қадимий шаҳарлар" маданияти (бу термин ҳозир археология фанида деярли ишлатилмайди) деб аталган бу давр шаҳарлари ўзининг улканлиги билан ажралиб туради. Кейинги даврлардаги энг улкан шаҳарларнинг узунлиги ярим километрдан ҳам ошмагани ҳолда, бу давр шаҳарларининг узунликлари бир километрдан ҳам ортиқ эди (масалан, шу даврга оид шаҳарлардан Қалъалиқир-1 нинг ўлчами 1100/700 м, Кўзалиқирнинг ўлчами 1000/400 м.)¹⁰⁸ Катта Хоразм деб номланувчи бу давлат Хоразм ерларидан ташқари, яна Ария, Сўғдиёна, Парфияни ҳам ўзига бирлаштириб олган эди. Синфий жамият пайдо бўлиши савдо марказларининг янада ривожланиши ва кўпайиши учун тurtки бўлди. Жамиятда иккинчи йирик ижтимоий меҳнат таксимооти рўй берди. Яъни айнан савдо марказлари, шаҳарлар ҳаёти учун хос бўлган, унинг ривожланишига янада тurtки бўладиган ҳунармандчилик

¹⁰⁷ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 93-96-бетлар.

¹⁰⁸ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 101-бет.

деҳқончиликдан алоҳида касб бўлиб ажралиб чиқди. Катта Хоразм давлати савдо марказлари қаторига Кўзалиқир ва Қалъалиқир-1 дан ташқари, Дингилжа ва Ойбўғирқалъаларни ҳам киритиш мумкин. Аммо бу давлат узок яшамади. Милоддан аввалги VI аср охирларида Марказий Осиёда Эрон Аҳамонийлари ҳукмронлиги ўрнатилди. Хоразм ҳам бу давлат таркибига кириб, унинг ўлпондорига айланди. Унинг улкан Аҳамонийлар давлати сиёсий-иҷтимоий ва иқтисодий жараёнларига тортилиши иқтисодиётнинг янада тараққий қилишига ва, ўз навбатида, ташқи савдо алоқаларининг янада ривожланишига олиб келди. Бу даврга оид ҳунармандчилик маҳсулотлари ниҳоятда сифатли бўлиб, унинг турлари анча кўпайган эди. Хоразмнинг бутун Шарқ билан қилган алоқаси натижасида Хоразм ҳунармандчилигига Олд Осиё бадиий маданиятининг таъсири кучайди. 1996 йилда атрофлича ўрганилган Хумбузтепа ёдгорлиги наинки ялпи Хоразмни, балки кўшни ўлкаларни ҳам кулолчилик буюмлари билан таъминловчи марказ бўлган экан. Милоддан аввалги VI-IV асрларда Хоразмнинг Аҳамонийлар давлати таркибида бўлиши унинг ташқи ва ички савдо алоқаларини янада кенгайтирган. Савдода танга-пул муомалага киритилиши ҳам шу давр билан боғлиқдир.

Милоддан аввалги IV асрда Хоразм Аҳамонийлардан мустақил бўлиб ажралиб чиққан. Македониялик Искандар ва славкийлар даврида ҳам Хоразм давлати мустақиллигини сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётнинг юксак даражада тараққий қилишига ва Хоразмнинг энди шаклланаётган Буюк Ипак йўлидаги савдо-сотик алоқаларида асосий роль ўйновчи марказга айланишига олиб келди. Наинки антик даврнинг, балки бутун Хоразмнинг энг гуллаб-яшнаган давларидан бири бўлган бу давр (милоддан аввалги IV-милоднинг I асрлари)га оид савдо-сотик марказлари жуда кўплаб ўрганилган бўлиб, улардан топилган археологик буюмлар ҳунармандчилик ва савдо-сотикнинг юксак даражада ривожланганлигини яққол кўрсатади. Бозорқалъа, Қўйқирилганқалъа, Кўнарлиқалъа, Жонбосқалъа, Қўрғошинқалъа, Катта Ойбўғирқалъа, Тўққалъа, Капарас, Катта Гулдурсун, Қалъажик, Қирққизтепа, Кўнақалъа, Ҳазорасп, Тупроққалъа (Шовот), Тупроққалъа (Хива туманида), Октепа, Кат (Шовот туманида), Тупроққалъа (Янгиариқ туманида) каби савдо марказларидан ташқари, бу даврга оид шаҳарлар жуда кўп бўлган. Юқоридаги таъкидланганлар ичидаги энг йириклари ва машҳурлари бўлган. Бу ёдгорликлардан топилган турли-туман безак буюмларининг кўпчилиги четдан – Сурия, Миср, Шимолий Қора денгиз бўйи шаҳарларидан келтирилган. Бунинг устига безак буюмларининг ниҳоятда ўзига хос турлари танлаб олинган бўлиб, бу ҳол хоразмликларнинг юксак дидли, бу буюмлар тайёрланган жойлар эса Хоразмнинг ташқи мамлакатлар билан савдо алоқалари ниҳоятда кенг бўлганлигидан далолат беради. Милоддан аввалги II асрдан бошлаб Буюк Ипак йўлининг иш бошлаши Хоразмни кўчманчилар ва ўтроқ аҳоли ўртасидаги илгаригидек боғловчи халқа вазифасини янада кучайтириб, жаҳон аҳамиятига молик савдо марказларидан бирига айланишига олиб келди. Бу иқтисодий тараққиёт кейинги I-IV асрларда ҳам,

яъни Хоразм Кушон империяси таркибига киргач ҳам давом этди. Бу таракқиётнинг қай даражада бўлганлигини шу даврга оид Тупрокқалъа, Аёзқалъа, Анқақалъа, Гаурқалъалардан топилган буюмлар ҳам тасдиқлайди. IV асрда Хоразм Кушон давлатидан ажралиб чиқиб, бу ерда 305 йилда Африғ африғийлар-хоразмшоҳлар сулоласига асос солди. Бу сулола X асргача яшади. Африғийлар сулоласининг илк вакиллари Хоразмни илгаригидек жаҳондаги биринчи даражали давлатлар қаторига олиб чиқишга кўп уринганлар. Улар Буюк Ипак йўлидаги асосий савдони ўз кўлига олишга ҳаракат қилганлар. Аммо IV асрда хуннлар бошлаб берган "халқларнинг буюк кўчиши" бу жараёнга тўсқинлик қилган. Хоразм ҳам "халқларнинг буюк кўчиши" жараёнидан четда қолмаган. Хоразмда бутун хўжалик, ижтимоий тузум, турмуш ва сиёсий ҳаётнинг кескин суратда ўзгариб кетишига олиб келган бу жараён IV асрдан эътиборан борган сари жадаллаша бошлади.

Чап қирғоқ Хоразмнинг Сариқамиш сойлигида олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, унинг ғарбий чегара қисмида милoddан аввалги VII асрдан милodий V асрларгача бўлган даврда яшаган кўчманчи ва ярим кўчманчи аҳолига мансуб кўплаган ёдгорликлар топилди. Бу ёдгорликлардан топилган турли хил буюмлар, уларда яшаган аҳолининг Хоразм воҳаси билан кенг кўчманчилар дунёси ўртасидаги савдо-сотиқ алоқаларида катта роль ўйнаганлиги, шунингдек Хоразмнинг ғарбий таянчи бўлганлигини кўрсатади. Ўша буюмларнинг сифатига қараганда, бу марказ ўз эҳтиёжини қондиришдан ташқари, четга ҳам мол чиқарган ва бу орқали Хоразмнинг ҳам кўчманчилар билан савдосидаги эҳтиёжини қондирган. Аммо V асрда Сариқамиш бўйи Амударё дельтаси оқимининг тўхтаб қолиши билан бу савдо марказлари ўз фаолиятини тўхтатган.

Милoddан аввалги IV-III асрлардаёқ кўчманчилар билан бўладиган савдонинг асосий йўллари нозорат қилувчи – Девкескан, Ойбуғурқалъа каби чегара қалъалари мавжуд бўлиб, янги давргача бу йўллар ҳеч қандай ўзгаришсиз фаолият юритган. Натижада бу чегара қалъалари ўзига хос савдо марказларига айланганлар¹⁰⁹.

Хоразмнинг Ғарбий ва Жанубий Европа мамлакатлари билан савдо алоқалари ҳали Хоразмда ҳинд-европа тил оиласига мансуб халқлар шаклланмасдан олдин мавжуд бўлганлиги тўғрисида тахминлар бор. Милoddан аввалги II ва I минг йилликларда хоразмликларнинг Қора денгиз бўйларида яшаган фрак-киммерий қабилалари билан алоқаларининг мавжуд бўлганлигини С.П.Толстов этнографик, лингвистик ва ономастик далилларга суяниб, тўла бўлмаса ҳам, очиб берган эди. У бу алоқалар анча кейинги даврларгача давом этганлигини ҳам кўрсатиб ўтган эди¹¹⁰. Археологлар археологик қазилар ишлари натижасида Марказий Осиё ҳудудидан топилган

¹⁰⁹ Вайнберг Б.И. Роль кочевников в развитии экономики и торговли Хорезма в древности. Города и каравансарай на трассах Великого Шелкового пути. Тезисы докладов Международного семинара ЮНЕСКО. с.31-32.

¹¹⁰ Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 94-бет.

баъзи маданий ёдгорликлар, айниқса, Хоразм ва Жанубий Суғд ҳайкалтарошлиги намуналарининг этруск маданиятининг шу соҳасига оид намуналарига жуда ўхшашлик мавжудлигини таъкидлайдиларки, бу ўхшашлик фақат ўша қўхна алоқалар таъсиридагина бўлиши мумкин¹¹¹. Бу алоқалар, юқорида таъкидланганидек Хоразмнинг Аҳмонийлар давлати таркибига киргач, янада гавжумлашди. Чунки бу давлат таркибига кириши Хоразмни бевосита Юнонистон билан чегарадош қилиб қўйган эди. Европа билан савдо алоқалари, айниқса, Марказий Осиёда юнон-македон ҳукмронлиги ўрнатилгач, қизғин олиб борилган.

Искандар Зулқарнайннинг Бактрия ва Сўғдиёни бўйсундириб, Спитамен кўзголонини бостириш билан банд бўлиб турганда, милoddан аввалги 329-328-йилларда унинг Марокандадаги муваққат қароргоҳига Хоразмшоҳ Фарасман келади. Фарасман Искандарга агар унга Қора денгиз соҳилларидаги колхлар ва амазонка қабилаларини бўйсундиришда ёрдам берса, у ҳам Искандарга ҳарбий юришларда ёрдам беражагини билдирган. Агар Фарасманнинг фикрига ишониладиган бўлса, ўша даврда Хоразмнинг таъсир доираси Қора денгиз бўйлариғача етиб борганлигини кўришимиз мумкин. Гутшмид ва Бартольд сингари машҳур Шарқшунослар бу кўшничилик Хоразмнинг ҳукмронлиги Шарқий Европанинг жанубий-шарқий бурчагиғача етганлигидан далолат беради, деб ҳисоблайдилар¹¹². Буни археологик маълумотлар ҳам тасдиқлайди. Сирдарёнинг Орол денгизига қуювчи ирмоқларидан бири Қувандарё ҳавзасида таҳор–дах кўчманчиларга мансуб Жетиосор ёдгорликлари комплексида ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу ёдгорликлардан топилган сопол буюмлар Марказий Осиёдаги ҳеч бир ёдгорликда (Хоразмдан ташқари) учрамайдигани, улар кўпроқ, Украинанинг "скифлардан олдинги" маданиятига ва Дунай-Гальштатт маданиятига хос услубга жуда ўхшайди¹¹³. Бу мазкур маданиятларнинг қизғин иқтисодий алоқаларда бўлиб турганлигидан далолат беради.

Милoddан аввалги III-II асрлар давомида Марказий Осиёга юнон маданияти кириб келиши, яъни эллинизм жараёнининг тарқалиши ҳам шу савдо алоқалари таъсирида рўй берган албатта. Шу даврларга оид Хоразм ёдгорликларидан Қора денгиз бўйи ҳудудларидан кириб келган турли хил буюмларнинг топилиши ҳам фикримиз далилидир.

Европа билан Хоразмнинг савдо алоқалари, айниқса, Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши билан жуда тараққий қилиб, янги босқичга кўтарилди.

Милoddан аввалги II асрда Буюк Ипак йўлининг Шимолий тармоғи Хоразм орқали Қора денгиз бўйлариға, ундан Европанинг бошқа ҳудудларига ўтган. Қўйқирилганқалъа, Жонбосқалъа ва Бозор қалъадан топилган ҳар хил

¹¹¹ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. С.244.

¹¹² Толстов С.П. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. 144-145-бетлар.

¹¹³ Ўша жойда. 117-бет.

маржонлар Шимолий Қора денгиз бўйи ҳудудларидаги юнон шаҳарларидан келтирилган.

Юнон олимлари Геродот ва Птоломейлар ўз асарларида кўрсатиб ўтган, Осиёга олиб боровчи савдо йўллари айнан Хоразмдан ўтганлиги натижасида, юқорида кўрсатиб ўтган буюмлар келиб қолган бўлиши мумкин. Буюк ипак йўлининг 3 та йирик тармоғидан бирининг кичик тармоғи Хоразмни Кавказорти орқали Қора денгиз бўйлари, Юнон ва Рим дунёси билан боғлаган¹¹⁴. Юнон географи Страбон ўз асарида – “бу дарёда (Амударё ва Узбой) кема юра олади ва у орқали оқим бўйлаб кўплаб ҳинд товарлари Каспий денгизига олиб борилади. Ундан сўнг Албанияга (Кавказортидаги), кейин Кир (Кура) дарёсига чиқилиб, у орқали Понт Эвксин (Қора денгиз)га чиқилган,” -деб кўрсатиб ўтган эди¹¹⁵.

Рим тарихчиси Плиний ҳам худди шунга ўхшаш маълумотни келтириб ўтади. У: -“Окс дарёси орқали Каспий денгизига ва ундан сўнг Кура дарёсига келтирилган ҳинд товарлари беш кунлик қуруқлик йўли орқали Фасис (ҳозирги Рион)га олиб келинган”¹¹⁶.

Хоразм тарихининг кейинги даври, Кушон даври ҳам, Хоразмнинг Европа билан савдо-сотик алоқаларининг ривожланган даври бўлиб, Хоразм улкан Кушон империясининг бир бўлаги бўлишидан ташқари уни Европа билан боғловчи халқа ҳам эди.

Кушон элчилари 99 йилда ва 200-йилларда Римда бўлишгани ҳолда, римлик Май Тициан Буюк Ипак йўли орқали Хитойга борган.

Кушон тангаларининг Рим давлати ҳудудларида ва ҳатто жуда узоқ Скандинавия ҳудудидан топилиши, Кушон ҳудудидан эса Рим тангалари ва рим усталари ясаган турли-туман буюмларнинг топилиши, бу даврда савдо сотик алоқаларининг қай даражада бўлганлигини кўрсатади. Бу савдо-сотик алоқаларида Хоразм ҳам четда қолмаган, албатта. Кушон давлатининг Шарқий Европа билан алоқасида Хоразм жуда улкан роль ўйнаган. Кушон империяси қулагандан кейин, Хоразмда африғийлар сулоласи ҳокимият тепасига келгач, Хоразмда бошланган иқтисодий–ижтимоий инқироз савдо–сотик алоқаларига кучли таъсир қилиб, энди бу алоқалар аҳён–аҳёнда бўлиб турган бўлса керак. Чунки энди бу давр ёдгорликларидан Шарқий Европа ва Қора денгиз бўйларида келтирилган буюмларни жуда кам учратамиз. Шундай бўлса ҳам, археологик маълумотлар V асргача, яъни Узбой қуриб қолгунча у орқали Кавказ ва Қора денгиз бўйлари билан савдо-сотик алоқалари мавжуд бўлганлигини тасдиқлайди¹¹⁷.

1937-1990 йиллар мобайнида ва мустақилликдан кейин олиб борилган археологик тадқиқотлар натижасида, Хоразмнинг Шарқий Европа халқлари билан олиб борган савдо алоқалари тўғрисида жуда катта миқдордаги далиллар, маълумотлар тўпланди. Бу бизга, ўз навбатида, савдо

¹¹⁴ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. С.29.

¹¹⁵ Ўша жойда. С.22.

¹¹⁶ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. С.22.

¹¹⁷ Ртвеладзе Э. Великий Шелковый путь. С.23.

алоқаларининг баъзи йўналишларини ва умумий ҳолатдаги хусусиятларини тўлиқ аниқлаб олиш имконини беради.

Хоразм кулолчилик буюмлари, Жанубий Уралбўйидан тортиб то Бошқирдистонгача бўлган ҳудуддаги милоддан аввалги IV-II асрларга оид ёдгорликларида учратилган. Жанубий Уралбўйидаги милоддан аввалги II асрга оид кўрғонларидан ҳам Хоразмга оид сопол буюмлар топилган. Бошқирдистон ҳудудидан милодий VII-VIII асрларга оид Хоразм тангалари ҳам топилган. Камабўйи ҳудудларидан эса III-VIII асрларга тегишли Хоразм кумуш тангалари топилган. Шарқдан (Шарқий Туркистон чегарасидан) ғарбга йирик кўчманчи қабилалар кўчиб юрган Қозоғистон ва Жанубий Уралбўйи дашт ва ўрмон-дашт ҳудудлари орқали Хоразм ҳунармандчилик буюмлари ҳатто узоқ шимоли-шарққа ҳам бориб қолган. Омск ҳудудидаги Иртиш дарёси бўйларида милоддан аввалги III-II асрларга тегишли хоразмий ёзувли кумуш ва сопол идишлар топилиши бунинг яққол исботидир.

Милоддан аввалги II асрда Буюк Ипак йўлининг вужудга келиши билан Хоразмнинг Шарқий Европа билан савдо алоқалари янги босқичга кўтарилди. Буюк Ипак йўлининг шимолий тармоғи вужудга келиб, у Хоразм савдо шаҳарлари орқали ўтарди.

Милодий II асрда яшаб ўтган машҳур юнон географи Птоломейнинг "География" асарида ҳам бу йўл тўғрисида маълумот мавжуд бўлиб, унда муаллиф Азов денгизидан бошланиб, Қуйи Волгабўйи даштлари ва Хоразм орқали жануби-Шарққа томон ўтувчи йўл тўғрисида ёзиб ўтади¹¹⁸.

Бу даврда Шарқий Европа халқлари билан бўлган савдода савдонинг ҳажми, Хоразмга келтирилган ва олиб кетилган нарсалар тури узоқ вақт давомида ўзгармаган бўлса керак. Савдо, айнан, бир хил хўжалик услуби шаклланган ва узоқ вақт давомида ўзгаришсиз ривожланган ҳудудлар билан олиб борилган. Шу сабабли диққатимизни бир нарсага қаратишимиз лозим. Чунончи қул савдосини олиб кўрадиган бўлсак, қуллар савдоси фақат ўрта асрлардагина эмас, балки то Россия истилосигача Хоразм иқтисодида катта роль ўйнаган. Бу ҳолат, айниқса, қулчилик тизими ҳукмронлик қилган даврда Хоразмга кўчманчилар билан бўлган савдода келтирилган қуллар меҳнатидан фойдаланиш, деҳқончиликнинг, ҳунармандчиликнинг ривожланишини таъминлаш имконини беради.

¹¹⁸ Мамбетуллаев М.М. О торговых связях города Хорезма... с.44.

ХУЛОСА

XX асрнинг 30-йилларига қадар илк темир даври тарихи фақат ёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганилган эди. Шу аср 30-40-йилларининг охирларида Ўрта Осиёда илк темир даври муаммосининг ўрганилиши тарихи, адабиётлардаги мавзуга оид ёндашувлар дастлаб таҳлил қилинган.

XX асрнинг 30-йилларидан бошлаб, айниқса, 50-80-йиллар давомида Ўрта Осиёнинг барча вилоятларида кенг археологик тадқиқотлар амалга оширилиб, бронза, илк темир даври тарихига оид маълумотлар тўпланган ва фанга жорий этилган. Айнан шу йилларда илмий ахборот доирасининг кенгайиши туфайли илк давлатчилик ва шаҳарсозлик маданиятининг археологик белгиларини ишлаб чиқишга асос солинган. Бундан аввал Ғарб ва совет тарихшунослигида мавзу фақат ёзма манбаларга таянган ҳолда ўрганилган эди.

Археологик тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ёзма манбалар билан таққосланган. Манбашунос ва қадимшунос олимларнинг нашрларида қадимги оила ва унинг таркиби, уруғ ва ҳудудий қўшничилик жамоаси, қабила ва қабилалар бирлашмаси, бошқарув тартиби каби масалалар ёритилган.

XX аср тарихшунослигида бронза ва илк темир даври ижтимоий-иқтисодий ва бошқарув тизимига оид “Авесто”да мавжуд маълумотлар кенг ўрганилган. Бошқарувга оид “нманопати”, “виспати”, “зантупати”, “дахиюпати”, сиёсий институтлар ва давлатчилик тизимига тегишли – “састар”, “кави”, “дахиюсасти”, “хшатра”, ҳокимият рамзи ва ҳукмдорнинг шон-шухрати ва улуғворлигини акс эттирувчи – “фарра” ёки “хварно” каби атамалар, шулар жумласидандир.

Собиқ совет даври тарихчи олимлари илк темир даври муаммоларини ўрганиш пайтида шу давр ҳукмрон мафкураси талабларини амалга оширишга мажбур эдилар. Марксча услубий ёндашув ва назария доирасидан чиқиб, давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллигига асосланган ҳолда тадқиқотлар олиб бориш совет даврида мушкул бўлиб, мавзунини ёритишда тўсиқлар яратган. Қулдорлик давлати – давлатчиликнинг биринчи шакли деб эътироф этилган эди.

Ғарб тарихшунослигида ҳам минтақадаги илк темир даври масаласига доир тадқиқотлар амалга оширилган. Аммо, XX асрнинг 90-йилларига қадар хорижий тадқиқотчиларга ёзма манбалардан ташқари Ўрта Осиё археологияси маълумотларидан беистисно фойдаланиш имкониятлари чегараланган бўлиб, уларнинг асарларида мавзу бўйича муаммоли ёки нотўғри ёритилган масалалар кўрсатиб берилмаган. Бундан ташқари, Ғарб адабиётларида Ўрта Осиёнинг қадимги тарихи асосан Шарқий Эрон тарихи сифатида ёритилган. Масалага ана шундай ёндашув айрим нотўғри қарашларнинг шаклланишига олиб келди.

XX асрнинг 90-йилларида мазкур мавзунини ўрганишда янгича концептуал ёндашувлар ишлаб чиқилмаганлиги туфайли совет даври тарихшунослигидан мерос қолган синфий назария янги тадқиқотларда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шу билан бирга, айрим манбашунос ва қадимшунос

олимларнинг нашрларида давлатнинг келиб чиқиши тўғрисидаги назарияларнинг кўп хиллигига ўз эътиборини қаратиш зарурати, бу муаммони ўрганиш ва ечиш фақат синфий назария билан чегараланмаганлиги таъкидланди.

Мустақиллик йилларида Марказий Осиё мамлакатларида илк темир даври тарихини қайта кўриб чиқиш ва янги асосларда ёритиш жараёни бир-бирларидан ажралган ҳолда бошланди.

Марказий Осиё минтақаси тарихшунослиги доирасида илк темир даври тарихи асл манбаларга таянган ҳолда, фундаментал илмий тадқиқотлар олиб борилиши керак бўлган мавзуга ноҳолис ёндашув пайдо бўлди. Айрим кўшни давлатларда ўз халқининг давлатчилик тарихи минтақадаги энг қадимги воқеа сифатидаги назарияларни ва этник танланганлик ғоясини кенг тарғиб қилиш, сунъий равишда ҳақиқат даражасига кўтариш услублари вужудга келди. Бу йўналишдаги мақола ва монографияларда, тарихнинг илмий жиҳатдан мураккаб воқеа-ҳодисаларни тарихшунослик талабларига, киёсий таҳлил услубига асосланиши лозимлиги ва ҳаққоний тарихни ёритиш усулидаги ёндашув четлаб ўтилди.

Ҳозирги кунга келиб илк темир даврининг муаммоларининг ўрганилишида қуйидаги мунозарали масалалар мавжуд:

- Ўрта Осиёда давлатчиликнинг шаклланиш омиллари ва тарихий тараққиёт қонуниятлари мавзуси, бу борада давлатларнинг таркиб топишида сиёсий ва ҳуқуқий омилларнинг ўзига хос хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаган;

- қадимги бошқарув ва илк давлатчилик ўртасидаги ўзаро муносабатлар, давлат ва бошқарувнинг ривожланиб бориши, ўзаро бир-бирига боғлиқлиги масаласи;

- давлат вужудга келишидан аввал минтақадаги қадимги жамоаларнинг ижтимоий бошқаруви хусусиятлари;

- ижтимоий-иқтисодий ва ҳарбий-сиёсий омилларга асосланган касбий бошқарувнинг ажралиб чиқиши муаммоси;

- Ўрта Осиёда “илк давлатчилик” тушунчаси, уни ривожланишининг тарихий даврлаштирилиши, қадимги давлатлар турлари ва бошқарув шакли, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар.

Ўрта Осиёдаги бронза ва илк темир даври бошқарув тизими қандай шакллардан иборат бўлганлиги масаласи тарихда ҳанузгача аниқ ечимига эга эмас. Айрим замонавий тадқиқотларда, Қадимги Шарқда давлатларнинг шаклланиш хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари сингари Ўрта Осиёда ҳам яқин тарихий шароитда давлатлар таркиб топганлиги таъкидланади. Шу нуқтаи назардан минтақадаги илк давлатлар “ном” туридаги ёки “шаҳар-давлатлар” ҳамда “воҳа-давлатлар” тушунчалари билан боғланади. Лекин ушбу тушунчаларнинг ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва изоҳи борасида қадимшунослар ўртасида илмий баҳслар мавжуд.

Қадимги Шарқ ҳудудларига нисбатан Ўрта Осиёда давлатлар бироз кеч вужудга келган. Минтақанинг бронза даври тарихига тегишли ёзма манбалар мавжуд эмас. Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ҳунармандчилик

ва қишлоқ хўжалик маҳсулотининг миқдори, унинг ишлаб чиқарилиш даражаси археология маълумотларига асосланиб ўрганилади. Лекин ушбу маълумотлар тўлиқ эмас, шунинг учун ҳам қадимги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихи юзасидан маълум ҳолатларда нисбий хулосалар чиқарилган.

Бошқа долзарб муаммо – Ўрта Осиёда илк темир даври (мил. авв. VIII-VI асрлар) “воҳа-давлатлар” тўғрисидаги ғоя бўлиб, яъни минтақанинг кичик воҳаларини эгаллаб турган шаҳарлар атрофларидаги давлатлар ҳақидаги хулосадир. Бронза даврига нисбатан илк темир асрининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларида анча ўзгаришлар содир бўлганлигини инобатга олган ҳолда, юқорида келтирилган хулоса баҳслидир. XX аср тарихшунослигининг маълумотларига кўра, мил. авв. VIII-VI асрларда Ўрта Осиёда ҳудудий нисбатан йирик давлатлар (Бақтрия, Хоразм ҳамда янги далилларга кўра – Сўғд) пайдо бўлган.

Хоразм давлати XX асрнинг 80-йилларига қадар минтақадаги энг қадимги давлатлар деб келинган. Кейинчалик, улар Ўрта Осиё давлатчилиги тарихининг даврлаштирилишидаги учинчи босқичга тегишли давлатлар сифатида талқин қилинди.

Умуман олганда, XIX асрнинг иккинчи ярми, XX-XXI аср бошлари тарихшунослигидаги кўплаб назариялар ва ёндашувларнинг изоҳида унга танқидий баҳолар бериш, айниқса, “синфий” назариядан воз кечиш билан бирга, айрим ёндашувлар ва тадқиқотларнинг ижобий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш лозим.

ҲОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов.И.А Хива шахрининг 2500 йиллигига боғишланган симпозиумда сўзлаган нутқи. // Халқ сўзи, 1997.
2. Каримов.И.А Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т., Шарқ, 1998.
3. Каримов.И.А Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. - Т., Ўзбекистон, 1999.
4. Karimov.I.A. Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch. - Т., O'zbekiston, 2008.
5. Асқаров А. Ўрта Осиёнинг қадимги давр хусусиятлари.- Т., //ЎИФ, №6. 1994.
6. Асқаров А. Қадимги Хоразм тарихига оид баъзи бир масалалар. Илмий тўплам. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. – Т., 2004.
7. Беленицкий А.М., Бентович И.Б., Большоков О.А. Средневековый город Средней Азии.- М.-Л., Наука, 1973.
8. Вайнберг Б.И. Памятники куюсайской культуры. //Кн. Кочевники на границах Хорезма.- М., Наука, 1979.
9. Воробьева М.Г., Вактурская Н.Н Хроника работ Хорезмской экспедиции Академии Наук СССР. // ТХАЭЭ., Т-1,- М., Наука,1952.
10. Воробьева М.Г., Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е. Е. Археологические работы в Хазараспе в 1958 – 1960 гг. – М., Наука, вып – 6, 1963.
11. Воробьева М.Г. Дингильджа. Усадьбы – I тыс-я до. н.э в древнем Хорезме.- М., Наука, 1979.
12. Вишневская О. А. , Рапопорт Ю.А. Городище Кюзелигыр. К вопросу о раннем эохе истории Хорезма.- М., Наука, ВДИ, №2, 1997.
13. Гертман А. Н. Строительная техника древнего Хорезма. Автореф.кан. дисс.- М., 1989.
14. Гудкова А.В. Токкала.- Т., ФАН, 1964.
15. Ғуломов Я. Ғ. Хоразмнинг суғорилиш тарихи. – Т., ФАН, 1959.
16. Завьялов В.А. Калъажикда археологик тадқиқотлари натижаси юзасидан хисобот. – Хива, 1991.
17. Итина М.А. Древности южного Хорезма.- М., Наука, 1991.
18. Лапиров-Скобло М.С., Неразик Е.Е. Раскопки Барактама-1 в 1956. // МХЭ, № 1.- М., Наука, 1959.
19. Литвинский Б.А. Древний среднеазиатский город местные традиции и иноземные модели. Древний Восток. Города и торговля (III-I тыс.до н.э.)- Ереван, 1973.
20. Мамбетуллаев М., Қдырниёзов М-Ш. Городище Воянган.// В кн. Археология Приаралья. - Т., Фан, Вып. №1. 1982.
21. Мамбетуллаев М. История и культура южного Хорезма античной эпохи (города и поселения в IV в. до н.э.- IV в. н.э.).// Автореф. док.дисс. – Т., 1994.
22. Манилов Ю.П., Мамбетуллаев М., Юсупов Н. Городище Мешекли-памятник средневекового Хорезма. // Вестник ККФ АН УзССР, № 1, 1966.
23. Манилов Ю.П. Гордище Кят. // ОНУ, № 7-8.- Т., Фан, 1973.

24. Манилов Ю.П., Хожаниязов Г. Городище Аязқалъа –1 и Бурлықалъа (к изучению фортификации древнего Хорезма). // Археологические исследования в Каракалпакии.- Т., Фан, 1981.
25. Манилов Ю.П. Городище Аязқалъа-2 Уникальный памятник ранеесредневекового Хорезма. // Кн. Арехология Приаралья.-Т., Фан Вып.2, 1984.
26. Манилов Ю.П., Кдырниёзов М-Ш. Городище Жампыккаъла. // Кн. Арехология Приаралья.- Т., Фан, Вып.2, 1984.
27. Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргиани. // МИА, № 73.- М., Наука,1959.
28. Неразик Е.Е. Сельское жилище в Хорезме (I-XIV вв.).- М., Наука, 1976.
29. Пьянков И.В. Хорасмия Гекатея Милетского. // ВДИ, № 2.- М., Наука, 1972.
30. Рапопорт Ю.А., Вишневская О.А. Городище Кюзелигир. // ВДИ, № 2.- М., Наука, 1997.
31. Сабиров К. Оборонительные сооружения древних поселений и городов Средней Азии(VI- тыс- я до. н. э. – IV в. н. э.).// Автореф. кан дисс.- М., 1979.
32. Толстов С.П. Древний Хорезм.- М., Наука, 1948.
33. Толстов С.П. По древним дельтам Окса и Яксарты.- М., Наука, 1962.
34. Хожаниязов Г. Фортификация древнего Хорезма.//Автореф. кан.дисс. – Нукус, 1996.
35. Ширинов Т. Древнебактрийское царства, Большой Хорезм. // Очерки по истории государственности Узбекистана.- Т., Шарк, 2001.
36. Ягодин В.Н. Маршрутные археологические исследования в левой бережной части Приаральской дельты Амударьи. // МХЭ, Вып.3.- М., Наука, 1963.